



K 496  
1987/11

ISSN 0134-2207




Экз. №1  
**ГУЛИСТОН**  
11  
1987





В. И. ЛЕНИН ВУТУНРОССИЯ VIII СЪЕЗДИДА НУТҚ СЎЗЛАМОҚДА  
(Л. Шматько асари).

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалидан ҳамisha зиёратчилар аримайди.



В. Дидюков фотолари

Яшасян Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги!

Инсоният тарихида янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

Коммунистлар! КПСС XXVII съездининг йўлини қатъият ва изчиллик билан большевикчасига амалга оширингиз! XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини қайта қуришда янги-янги муваффақиятлар, реал натижалар билан кутиб олайлик!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қайта қуриш, жамият турмушини янгилаш революцион ишини ижодий амалга оширингиз!

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари»дан

# ТАБИАТ — ДУСТИМИЗ, АММО...

Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВ,

ЎзФА академиги, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбек Миллий Комитетининг раиси

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,

филология фанлари доктори, ЎзССР Ёзувчилар союзи қошидаги Орolni сақлаб қолиш комитетининг раиси

**Қ**АДИМ-ҚАДИМДАН халқимиз табиат ҳақида, унинг гаройиб муъжизалари ҳақида эртақлар, афсоналар, ривоятлар, дostonлар тўкиб келган. Биз бу ўринда ўрмонлар, дов-дарахтлар таърифи ва тавсифини назарда тутаётимиз, улар халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажиги билан чамбарчас боғлиқдир. Демакки, ўрмонлар ва дов-дарахтлар ҳақида сўз юритиш — она табиат ҳақида, унинг «дардлари», «ҳасратлари», тақдири ҳақида ҳам сўз юритишдир. Шу сабабли гапни ўрмончилик муаммоларига тегишли мулоҳазалар билан бошласак, айни муддао бўлар эди.

Ўрмон табиатнинг ноёб неъматларидан ҳисобланади. У сув ва ер ресурсларини асраш, уларнинг ҳолатини яхшилаш, атрофмуҳитни кўркамлаштириш, Ер юзидаги ҳаётни соғломлаштириш, унга жон бағишлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу боисдан ҳам Урта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ўрмон ва дарахтзорлар барпо этиш бекиёс роль ўйнайди. Ўлкамизда янги ўзлаштирилган ерлар улкан биёбонлар ёки тоғ ёнбағирликларига туташган бўлиб, қуруқ ва жазирама иқлими билан ажралиб туради. Республикаимизнинг умумий майдони 45 миллион гектар, шундан 29 миллион гектари, яъни, 64 проценти чўл зонасида, шунингдек, 14,7 проценти тоғлардан иборат. Ўзбекистон мамлакатимизда ўрмонга энг камбағал ўлка ҳисобланади. Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари, Грузиянинг умумий майдонининг 34—38 проценти, РСФСРнинг 42,7, Арманистон, Молдавия, Туркменистон ва Озарбойжоннинг 9—11 процент майдони ям-яшил ўрмон билан бурканган бўлса, бизда бор-ўғи 4,8 процент майдонгина ўрмонзорлардан иборат.

Бу ўлкамизнинг табиий шаронтига ўз таъсирини ўтказган. Республикаимизнинг кўпчилик районлари кучли шамоллар, чанг-тўзон бўронлари, гармселдан қаттиқ зарар кўради. Бу табиий офат Қўқон районлари группаси, Марказий Фарғона, Бекобод-

Боёвут зонаси, Мирзачўл ва Қарши чўли, Сурхон-Шеробод воҳаси, Бухоро, Наманган областлари, Хоразм области ҳамда Қорақалпоғистон Автоном республикасининг айрим районлари, яъни ўлкамизнинг 80—85 процент майдонида жуда кучли намоён бўлади.

Қаттиқ шамоллар қишлоқ хўжалигига улкан зарар етказмоқда. Улар ёш ниҳолларни юлиб кетмоқда, экинзорларни пайҳон қилмоқда, қайта экинлар тупроқ эрозиясига сабабчи бўлмоқда, далалар, каналларни кумга тўлдириб кетмоқда. Мутахассисларнинг аниқлашича, республикаимиз ҳар йили эрозия оқибатида 22 миллион тонна унумдор тупроқни йўқотмоқда. Гармселлар атмосфера «қурғоқчилиги»ни келтириб чиқаради, далаларнинг намини учуриб юборади, ўсимликларнинг нормал физиологик фаолиятини бузади, натижада, ҳосил элементлари кўплаб, ҳатто ёппасига тўкилиб кетади. Гармсел одамларнинг соғлиғига ҳам салбий таъсир этади, меҳнат унумдорлигини кескин пасайтиради.

Кучли шамолларнинг давлатга ва хўжаликларга етказётган улкан зарарини қуйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин. 1985 йилнинг апрель-май ойларида Қўқон районлари группасида 30 метр-секунд ва ундан ҳам кучлироқ тезликда бўлиб ўтган бўронли шамол 30 дан 85 процентгача пахта майдонини бир неча бор ер билан битта қилиб кетди. Биргина Киров райони 17,2 миң гектар пахта майдонининг 15,5 миң гектарини қайта экиди. Оқибатда, қўшимча меҳнат натижасида 3 миллион 477 миң сўм иқтисодий зарар кўрилди.

Гармсел ҳам ҳосилга озмунча зарар етказмайди. 1984 йил 28—31 июль кунлари эсган Қизилқум гармсели Бухоро ва Навоий областларининг ҳамма районлари ҳамда Қарши районлари группасидаги ғўзаларнинг ўрта бўғинидаги ҳосил элементларини битта қолдирмай тўкиб юборди. 1985 йил август ойининг биринчи декадасида мазкур область ва районларда гармселнинг ҳалокатли таъсири оқибатида ғўзанинг юқори қисмидаги ҳосил элементлари ёппасига тўкилиб

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний журнали

№ 11 (453)  
Ноябрь  
1987



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти



Қишки саройнинг олинини. 1917 йил.

В. И. ЛЕНИН ва М. И. КАЛИНИН.

тушди. Бу ҳосилдорликнинг камайиб кетиши ва план топшириқларининг бажарилмай қолишига олиб келди.

Ҳозирги кунда республикамизнинг аксарият районларида қуйидаги манзарани кузатиш мумкин: дала меҳнаткашлари кўзланган ҳосилни кўтарамиз, деб ёзу қиш, куну тун тиним билмай тер тўқадилар. Қизилқум ва Қорақум чўлларида эсган қисқа муддатли гармсел эса, уларнинг ҳамма меҳнатларини бир пул қилиб кетади. Кейинги ўн-ўн беш йилдан буён бу районларда кучли шамол ва гармселлар йил аро ёки ҳар йили такрорлана бошлаганлиги айниқса ташвишланарлидир.

Шу боисдан ҳам шамол, гармсел ва тупроқ эрозиясининг зарарли таъсирига қарши кураш йирик социал-иқтисодий муаммога айланди.

Бироқ, ҳақли равишда, нима боисдан Ўзбекистоннинг аксарият районларида кучли шамоллар, чидаб бўлмайдиган даражада гармселлар ўйнай бошлади, тупроқ эрозияси кучайди, наҳот, одамлар уларнинг олдида ожиз ва чорасиз бўлса, деган савол турғилиши табиий.

Замонавий совет фани ва илғор тажриба мазкур офатларнинг зарарли таъсирига қарши курашнинг қудратли воситасига эга. Бу восита — далаларни ихота қилувчи дарахтзорлардир. Ихота дарахтзорлари тўғри вужудга келтирилса ва эрозияга қарши тадбирлар оқилона олиб борилса, бу офатларни батамом бартараф этиш, ландшафт, иқлим, умуман, биосферани яхшилаш мумкин. Урта Осиё республикаларида ихота дарахтзорларини барпо этишга астойдил киришган баъзи хўжаликлар йўқ эмас. Улар анча яхши натижаларни ҳам қўлга киритишмоқда.

Бироқ, тан олиш керакки, Ўзбекистонда, умуман олиб қараганда, ўрмон ва ихота дарахтзорларини барпо этишга етарли аҳамият берилмапти. Кейинги йигирма-ўттиз йил ичида Киров, Фрунзе, Олтириқ районларида қанча меҳнат эвазига барпо этилган, яшнаб турган кўпқаторли давлат ихота дарахтзорларининг оммавий равишда кесиб юборилиши ва батамом йўқ қилинишига йўл қўйиб берилди. Янги ерларни ўзлаш-

тириш баҳонаси билан Бухоро воҳасининг ҳимоя халқаси — кўпқаторли машҳур Шофиркон давлат ихота дарахтзори битта қолдирилмай кесиб ташланди. У Қизилқумдан эсадиган гармсел офатининг йўлида қалқон бўлиб турарди. Кўплаб хўжаликларда ихота дарахтзорлари умуман йўқ қилиб юборилди. Катта йўллар, ирригация тармоқлари, кўча бўйларидаги ҳовли ва томорқалардаги сон-саноксиз мевали ва мевасиз дарахтлар кесилди ва қаллақланди. Пайкаллари ноўрин равишда ҳаддан ташқари йириклаштириб юбориш оқибатида ҳам бесаноқ дарахтлар нобуд бўлди.

Жойлардаги баъзи раҳбарларда дарахтларни йўқ қилиш учун қандайдир ўчлик пайдо бўлди. Бу дарди бедаво айниқса Фарғона областининг собиқ раҳбарларига чиппа ёпишиб олди. Улар терак, тол, чинор каби дарахтларни пахтанинг душмани деб эълон қилдилар. Шу боисдан бу дарахтлар қаерда ўсса кесиб ташланди, уларнинг ўрнига эса фақатгина тут экилди. Оқибатда, Фарғона областининг бутун сувориладиган зонасида амалда барча салбий хусусиятлари билан бир хил ландшафт юзага келтирилди.

Бу ўта салбий ҳодисалар областнинг эконимикасига ва табиатига жуда катта зарар етказганлиги боисдан ҳам куйинмасдан гапирмай бўлмайди. Бу бизга, айниқса, бўлғуси раҳбарлар, еш ҳодимларга сабоқ бўлиши лозим. Келгусида, фаолиятимизда бундай масъулиятсиз хатти-ҳаракатларга ўрин бўлмаслиги керак. Зотан, дарахтни кесиш осон, кўчат ёки уни вояга етказгунча эса озмунча умр кетмайди.

Шундай қилиб, республикамизда дарахтларни оммавий кесиб юбориш оқибатида шамол, гармсел ва тупроқ эрозиясига «дарвозалар» ланг очиб қўйилди.

Айни пайтда, ўрмончилар умуман қўлларини қовуштириб ўтирибди, деб айтмоқчи эмасмиз. Улар шак-шубҳасиз баъзи ишларни амалга оширапти. Улар 1960—1985 йиллар мобайнида 32 минг гектар ихота дарахтзорини барпо этишди. Шундан 20,5 минг гектари қолжоз ва совхозлар балансига ўтказилди, 53 хўжаликда ихота дарахтзорлари системаси тўла барпо этилди. Тоғ

ўрмончилиги ва яйловларда анчагина ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ ташвишланарлиси шундаки, хўжаликларда ўтказилган кўпчилик ихота дарахтзорлари ачирнарли аҳволга тушиб қолган. Баъзи хўжаликлар ихота дарахтзорларини қабул қилиб улгурар-улгурмас талон-торож қилишга тушиб кетишади ёки уларни ўз ҳолига ташлаб қўйишадик, бу ҳаммасидан ҳам ачинарлидир.

Ихота дарахтзорларининг шамол ва гармсел, атроф-муҳитга конкрет таъсири қандай?

Ихота дарахтзори ўзидаги физик-географик жараёнларни ўзгартириб, ён-атрофдаги далаларга таъсир этади. Кучли шамол оқими ихота дарахтзоридан ўтаётганда кучсиз шамол оқимларига бўлиниб кетади ва ихота дарахтзоридан чиқиб пайтида ўз кучини 60—80 процентга йўқотади. Ихота дарахтзори ернинг юза қисми ҳаво ҳароратини бошқариб туради, намликни оширади, ирригация тармоқлари ва тупроқнинг юзасидаги буғланишни камайтиради, ўсимликнинг намликни маҳсулсиз сарфлашини озайтиради.

«СредазНИИЛХ» ва «СоюзНИХИ» маълумотларига қараганда, ҳаво ҳарорати ихота дарахтзорлари зонаси таъсиридаги пахта далаларидан очик далалардагига нисбатан баҳор ойларида 3,5 даражагача иссиқ, ёз ойлари эса 2,9—3,5 даража паст бўлар экан. Ихота дарахтзорлари химояси остида нисбий ҳаво намлиги ёз ойлари даврида 3—20 процент юқори бўлади, пахта далаларидаги тупроқ намлиги ҳайдалган қатламда 1,5—3 процент ошади. Дарахтзорлар ҳавонинг сифатини тиклайди, жазирама пайтлари уни салқин қилади. Бир гектар ердаги япроқли дарахтлар ўрмони бир йилда 5 тонна карбонат ангидрид газини ютади, 100 тоннагача чангни тутиб қолади, ҳаво таркибидаги ҳаво окисини бирмунча камайтиради. Шу боисдан ҳам микроклим шароити мақбул далаларда ўсимликлар барқ уриб ўсади ва ривожланади, ҳосил элементларининг тўқилиши камаяди, ҳосилнинг етилуви тезлашади. Натижада, пахта ҳосилдорлиги 20—26 процент ошади.

Дарахтзорлар далаларни химоя қилишдан



Тошкентда 14 Туркистон комиссарига ўрнатилган ёдгорлик.

ташқари, биологик дренаж ролини ҳам жуда яхши ўтади. Улар жуда чуқур кетган илдиэлари билан ерга сизиб кирган сувларни тутиб қолади ва уни жуда чуқур қатламлардан насос мисоли сўриб олади, шу тарика зах сувлар кўтарилишининг, тупроқ шўрланиши ҳамда ботқоқланишининг олди олинади. Бу бизнинг шароитимизда жуда муҳим. Қуйидаги маълумотларга эътибор берайлик. Бир мавсум давомида 30 ёшли тол — 34, оқ акация эса 41 кубометр сувни буглантиради.

Ихота дарахтзорлари флора ва фаунани бойитади. Улар улкан санитария-гигиена ва эстетик вазифани ўтади.

Ҳозирги пайтда турар-жой қурилиши ва аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлаш — қишлоқларимиздаги энг кескин муаммолардан бири. Бугунги кунда четдан келтириладиган материал билан эҳтиёжнинг юздан бири ҳам қондирилмапти. Шундай бўлса ҳам жойларда четдан материал олишга интилиш кучаймоқда. Муаммони ҳал этишнинг бошқа йўллари қидириб кўрилмапти. Буни тўғри йўл деб бўлмайди. Олдинлари қурилиш материаллари ўлкамизга четдан келтирилмас, катта-катта иморатлар, улкан бинолар ва бошқа иншоотлар маҳаллий қурилиш материаллари ёрдамида бунёд этиларди-ку. Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

Ўрмон ва дарахтзорларни ҳамма жойларда етарли даражада барпо этиш мева, ёғоч, техник хом ашё олишининг ўта муҳим манбаи ҳисобланади. Бир пайтлар ота-боболаримиз оилада ҳар бир гўдак туғилганда ховлиси атрофига 20—30 туп тол ва терак эскарди. Биз халқимизнинг бу ажойиб анъанасини ёддан чиқармаслигимиз, балки ҳар томонлама тақдирлашимиз, ривожлантиришимиз лозим.

Ўрмонлар кучли шамол ва гармселларнинг ҳалокатли таъсирини бартараф этишда улкан аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, ихота дарахтзорларини барпо этиш суғориладиган деҳқончиликнинг ажралмас қисмига айланмасдан қолиб келмоқда. Уларнинг роли тўла инкор этилаётганлиги шундоқ кўриниб турибди.

Ҳозирги пайтда республикамизнинг умумий суғориладиган майдони 4 миллион гектар атрофида. Ихота дарахтзорлари билан ҳимояланган майдон эса бор-йўғи 40 минг гектар ёки бир процент, ҳоло. Бу — суғориладиган зонамиз дарахтзорларга эга эмас, у яланғоч ҳолга солиб қўйилган, деган гап. Аҳвол шунақа оғир эди. Биз бундан тегишли хулоса чиқаришимиз, дарахтзор майдонларини кенгайтиришга ишчанлик билан киришимиз лозим эди. Бироқ бундай бўлмади. Беш йилликдан беш йилликка арзимайдиган ҳажмда ихота дарахтзорларини барпо этиш кўзда тутиб келинди ва амалга оширилди. Масалан, республикамиз колхоз ва совхозларида тўққизинчи беш йилликда 2,5 минг, ўнинчи беш йилликда 2 минг, ўн биринчи беш йилликда эса атиги минг гектар майдонда ихота дарахтзорлари барпо этилди. Аксарият хўжаликларда дарахтзорлар барпо этиш борасида иш олиб борилмади.

Бизнинг суғориладиган зонамиз шароитида ҳайдаладиган ерга нисбатан ихота дарахтзорлари ялли ҳисасини ҳал этиш масаласи ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу масала кучли шамол, гармселларни батамом жилолаш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш имкониятларидан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур. Ўзбекистон ҳамда бошқа Урта Осиё республикалари оғир иқлим шароитли арид зонада жойлашганлигини унутмаслик лозим.

«Ўрмон, ўтлоқ ва дала» формуласига ҳаққоний амал қилинган тақдирдагина мақбул табиий мувозанат, қудай атроф-муҳит ҳамда гуллаб ашнган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига эришиш мумкинлигини ёдда тутиш зарур. Улар маълум миқдордаги нисбатда — бизнинг шароитимизда «далаларнинг» устуңлиги ҳолатида мавжуд бўлиши керак. Илгор мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибаси, шунингдек, Фарғона водийси, Бухоро ва Хоразм воҳасининг неча асрлик тажрибаси шундан далолат беради. Тадқиқот натижалари яқин ўтмишда бу водий ва воҳаларнинг 15—20 процент майдони дарахтзор, боғ-роғлардан иборат бўлганлигидан гувоҳлик беради. Суғориладиган пайкаллар кичик-кичик бўлганлиги, улар-

нинг чир атрофи турли хил дарахтлар билан ўраб олинганлиги, йўллар, ариқлар, қишлоқ ва шаҳар кўчаларининг бўйларига дарахтлар қалин қилиб экиб ташланганлиги, қишлоқларимизга атрофида кўкка бўй чўзган серсоя дарахтлар, давра қурган мингминглаб зилол сувли ховуэлар фэйз бағишлаб турганлигини қарияларимиз ҳозир ҳам яхши эслашади. Шунингдек, Фарғона водийсида ховлисида бир тупдан тоғ, ёнғоқ, ўрик, меваси нақ жийдадек оқ тут, ҳовлисининг ташида эса бир қатор терак ўсмаган бирорта хонадонни тасаввур қилиб бўлмас эди. Тилга олинган районларда тупроқ эрозиясига қарши курашиш учун махсус алмашлаб экиш — ҳимоя экинлари қўлланар эди.

Ҳеч ким барча эски усуллارни тиклаш тарафдори эмас. Бироқ нимаки ижобий бўлса сақлаб қолиш, ундан фойдалана билиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

1985 йилнинг кузида олимларимиз ва баъзи амалиётчи ходимлар ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбек Миллий Комитетида тўпландилар. Улар бу ерда суғориладиган зонада ихота дарахтзорларининг ялли ҳисаси масаласини ҳар томонлама муҳокама этдилар. Йигилиш қатнашчилари суғориладиган экин майдонларида ихота дарахтзорларининг энг қуйи ялли салмоғи қуйидагича, яъни шамол ва гармсел кучли бўладиган районларда 8—10, ўртача бўладиган районларда 6—7, кучсиз бўладиган районларда 4—5 процент бўлиши шарт, деган хулосага келдилар. Бу ўлчов 1986 йил мартида ҳимоя ўрмонлари барпо этиш масаласи бўйича бўлиб ўтган республика илмий-ишлаб чиқариш кенгашида ҳам маъқулланди. Бундай ўрмонзорлар барпо этилмас экан, республика қишлоқ хўжалиги оқсайверади, атроф-муҳитни тупдан яхшилашга эриша олмаимиз.

Суғориладиган ерларда ихота дарахтзорларини барпо этишдаги муҳим масалалардан бири уларни мавкур териториялар бўлиб жойлаштиришдир. Бизнингча, ихота дарахтзорларини хўжаликларнинг чекидаги ерлар, алмашлаб экиш майдонлари, пайкаллар чегараси, доимий йўллар, суғориш тармоқлари бўйи, қишлоқ ва посёлка кўчалари четида барпо этиш мақсадга мувофиқ. Амалда ҳар бир алмашлаб экиш майдони, ҳар бир суғориладиган пайкал, ҳар бир қишлоқ ихота дарахтзори билан ўраб олиниши керак. Дарахтзор ҳалқасининг эни шамолнинг тезлиги, гармселнинг кучи ҳамда конкрет иқлим ва тупроқ шароитига қараб турлича — 100—200 дан 400—500 метргача ва ундан ҳам энлироқ бўлиши мумкин. Айни пайтда, алмашлаб экиш майдонлари чегарасида 3—4 қатор, суғориладиган пайкаллар атрофида эса 2—3 қатор бўлгани маъқул.

Ихота дарахтзорлари барпо этилаётганда барча ҳолларда кўчатлар биологик барқарорлик, чидамлилиқ ва узоқ яшаш хусусиятига эга бўлиши лозим. Бу ўзгармас қоида бўлиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда асосий, ёрдамчи ихота дарахтзорибоп дарахт ва бута турлари танланади. Биологик хусусиятга кўра ўхшаш турлар ёнма-ён экилмаслиги, улар албатта арашштириб экилиши лозим. Айни пайтда ҳар бир ихота дарахтзорларида асосий дарахт тури 40—50 процент бўлиши керак.

Ўзбекистонда қўллаб қимматли аҳамиятга эга ҳамда тез ўсувчи дарахт ва бута турлари ўсади. Асосий турлардан терак, тоғ, қайрағоч, гужум, чинор, жийда каби дарахтлар айниқса қимматлидир.

Ер юзида теракнинг икки юздан ортиқ хили бўлиб, Ўзбекистонда шундан саксон хилга яқини ўсади. Теракнинг баъзи хиллари йилга 5—6 метр ўсади. Бу жиҳатдан ва кўп миқдорда сифатли қурилиш материалли бериш борасида теракнинг олдида туша оладиган бошқа бирор дарахт тури йўқ. Тоғ ҳам худди шундай аҳамиятга эга. Улар ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш хусусиятидан ташқари, дала ва ховлиларда ажойиб микроқлим вужудга келтиради.

Шу боисдан уларни йўқ қилмаслик, балки қаердаки имкони бўлса, ўша ерда экиш, ўстириш ва ҳар томонлама кенг тарқатиш лозим.

Ихота дарахтзорлари орасидан мевали дарахт турлари, айниқса, ёнғоқ, ўрик, жийда, олма, нок, беҳи ва ҳоказолар муносиб ўрин олиши керак. Қишлоқларда, дала бўйларига уларни ҳозир ахён-ахёнда учратиш мумкин, жийдани эса умулган учратмайсиз. Ҳозир бозорларда бир килограмм ёнғоқ 6—7 сўм. Хўл ўриқнинг баҳоси эса, дастлабки пайтларда 5—6 сўмга чиқиб кетади ва ҳосил айнаи гарқ пинган пайтда ҳам 2—3 сўмдан пастга тушмайди.

Ўрик инсон соғлиги учун бекиёс аҳамиятга эга. Ўриқда қимматли табиий шакардан ташқари, инсон организми учун ўта зарур бўлган 18 га яқин микроэлемент мавжудлиги аниқланган. 100 грамм қуриштирилган ўриқда инсоннинг бир суткалик истеъмол нормасини қоплатадиган энг керакли витаминлар бор. Ҳар кунини 100—150 грамм қуриштирилган ўрик ёки 300—350 грамм хўл ўрик истеъмол қилиниб турилса, ичаклар фаолияти яхшиланади, юрак бақувват бўлади. Кези келганда куйидаги маълумотни тилга олиш ўринлидир: Ҳимолай тоғларида — Қашмирнинг Хитой билан чегарадош жойида Хунза райони бор. Бу ерда буришқа халқи йшайди. Буришқалар — дунёда энг узок умр кўрадиган халқлардан бири. Улар жисмонан жуда бақувват ва соғлом, камдан кам касал бўлишади. Бу ҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қизиқтириб қолди. БМТ вакиллари сиңчиқлаб ўрганиш натижасида буришқаларнинг узок умр кўриши ва камдан-кам касал бўлишининг сабаби уларнинг жуда кўп миқдорда ўрик истеъмол қилиши билан боғлиқ эканлигини аниқлашди. Бу вилоят турли хил нав ўрикзорлар билан қопланган. Ўрик бу ерда одамларнинг нони ҳисобланади, уни мағиз билан турли кўринишда истеъмол қилишади. Буришқаларнинг суткалик истеъмол қиладиган озик-овқат ҳажмининг тахминан 70 проценти ўрик маҳсулотларидан иборат.

Ҳаммамизга яхши таниш бўлган ёнғоқнинг зўр ва гаройиб хислати ҳақида ҳам икки озгиз гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Ёнғоқнинг мағизи 45 дан 75 процентгача ёғ, 25 процент инсон организми учун жуда зарур бўлган эскривтив моддалар, А, В, С витаминларига эга. Ёнғоқ дарахти япроқлари орқали катта миқдорда фитонцид, яъни бактерияларни қириш хусусиятига эга бўлган модда чиқаради. Шу тариқа улар тева-рак-атрофни кўплаб зарарли микроблардан тозалайди. Бундан ташқари, ёнғоқнинг япроғи ёпишқоқ модда чиқариши туфайли тупроқ ва ҳаводаги чанг миқдори кескин камайдди. Қаерда ёнғоқ ўсса, ўша ерда чанг бўлмайди, хаво беғубор бўлади.

Шу боисдан ҳамма жойда — йўл ёқалари, канал бўйлари, пайкал четлари, қишлоқ ва посёлкалар, ҳатто йирик шаҳарларда ҳам мевасиз ва манзарали дарахтлар билан бирга мевали дарахтлар кенг миқёсда экилиши лозим. Визиничча, уларнинг дарахтзорлардаги ялли салмоғи камида 25—30 процент бўлиши керак. Бу борада Наманган областининг тажрибаси ва ташаббуси ҳар қанча қўллаб-қувватлаш, кенг ёйишга арзийди.

Республикада ихота дарахтзорлари муаммосини ҳал этишда жуда муҳим икки масалага эътиборни қаратиш лозим.

Биринчиси — суғориладиган пайкалларнинг катта-кичиклиги масаласи. Маълумки, урушдан олдинги, ҳатто 1950 йиллари ҳам пайкалларимиз жуда кичик бўлиб, кўпинча 0,15—0,5 гектарни ташкил этарди. 1950 йилдан кейин янгича суғориш системасига ўтиш муносабати билан пайкалларни оммавий йириклаштириш иши қизиб кетди. Ўша пайтларги мазкур масалани илмий ва амалий доираларда ҳар томонлама муҳокама этиш уюштирилганди. Беҳисоб ҳар томонлама муҳокамалар натижасида пайкалларнинг энг мақбул катталиги 8—10 гектардан ошмаслиги керак, деган қарорга келинганди.

Бироқ кейинчалик амалий ишда бунга ҳеч қим рию қилмади. Ҳайдов тракторлари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг юксак унум билан ишлаши учун шароит яратиш ниқоби остида, суғориладиган деҳқончиликдаги бошқа шароитлар бутунлай инкор этилган ҳолда, пайкаллар ҳаддан ташқари, яъни 25—30 гектар катталиқда йириклаштирилиб юборилди. Янги ташкил этилган совхозларда эса, ҳатто 80—100 гектарлик пайкаллар пайдо бўлди. Қадимдан деҳқончилик қилиб келинган зоналардаги пайкалларни йириклаштириш жараёнида сон-саноксиз дарахтлар йўқ қилиб юборилди. Энди эса бу майдонларда экинларни пайҳон қилиб, тупроқнинг унумдор қатламини учириб, шамол ва гармселар ўйнаяпти.

Пайкалларнинг катта-кичиклиги жойлардаги тупроқ, иқлим ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгилаши шарт. Улар техника юксак унум билан ишлай оладиган, барча дала ишларининг сифатли ўтказилишини кузатиб туришига имкон берадиган, энг асосийси — экин ва тупроқни шамол, гармсел ҳамда эрозиядан ишончли тарзда ҳимоялай оладиган даражада бўлиши керак.

Биз мазкур масалада умри колхоз-совхоз иши билан ўтган кўплаб ветеран ва ташкилотчилар, шунингдек, мутахассислар билан кўп бор фикр алмашдик. Улар ҳам, худди биз сингари, пайкалларнинг катталиги кучли шамол ва гармсел ўтадиган районларда 4—6 гектар, қолган районларда эса 8—12 гектардан ошмаслиги керак, деб ҳисоблашди. Биз республика Давлат агроаноат бирлашмаси мазкур масалани жиддий муҳокама этиши ва бу борада маҳаллий идора ва хўжаликларга қисса вақт ичида мукамал тавсия бериши лозим, деб ўйлаймиз.

Иккинчи масала ипакчиликнинг озука базасини ривожлантириш йўллари билан боғлиқ. Ипакчилик республикада қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан унинг озука базасини тўғри ва илмий асосда ривожлантиришга бутун диққатни қаратиш зарур.

Ипакчиликнинг озука базаси ҳозир қандай ташкил этилган? Республикада тут доимо бир жойда — йўл, ирригация тармоқлари бўйида, пайкаллар четига линияли ўтказиш асосида экиб келинмоқда. Тут қаерга тўғри келса, ўша ерга тартибсиз экиб ташланган. Агар пахта майдонларига қарасангиз, ҳамма жойда далаларнинг четига тут экиб ташланганлигини кўрасиз. Аксарият қишлоқ ва посёлкаларда, айниқса, Фарғона ва Бухоро областида, кўча бўйларига фақат қалин қилиб тут экилган. Қуриш материаллари, мева ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар берадиган мевали ва мевасиз дарахтларнинг ўрнида ҳам фақат тутни учратиш мумкин. Қишлоқларимиз пилла мавсумининг охирига келиб яланғочланиб қолади ва қариб бутун жазирामа ё давомида шу аҳволда бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда пахта монокультураси билан биргаликда, барча салбий оқибатлари билан ҳақиқий маънодаги тут монокультураси ҳам юзага келган. Колхоз ва совхозларимиз ипакчиликнинг озука базасини вужудга келтиришда илмий асосланган йўл — тут плантациялари барпо этиш йўлидан боришмади. Айни замонда, Хитой, Япония, Ҳиндистон каби илгор ипакчилик мамлакатларида тут плантация асосида экилади.

Тут, худди пахта сингари, вилт касаллиги, ўргимчаккана ва бошқа бир қанча касаллик ҳамда зараркунандаларни тўловчи ва тарқатувчи манба ҳисобланади. Шу боисдан пахта билан тутни ёнма-ён экиш уларнинг бир-бирини зарарлантиришини кучайтиради. Айни шунинг учун ҳам кўп жойлардаги тутзорлар вилт билан касалланган, уларнинг баъзилари қуриятти, кўпчилигининг эса ҳосилдорлиги псайиб кетган. Тут ўстиришининг ҳозирги системасида янада хавфлироқ касалликлар келиб чиқиши мумкин. Бу ипак етиштириш кескин камайиб

кетишига олиб келади. Грузия ипакчиларининг аянчили тажрибалари бизни бундан огоҳ этади. Грузиянинг гарбий районидаги ипакчилар тутзорларни асосан монокультура асосида барпо этишга берилиб кетган эдилар. Шу сабабли тутнинг хавфли бактериал касаллиги — тут баргининг майдаланиб кетиши касаллиги тарқалди. Бу касаллик жуда тез ва кенг тарқалиб, асосий қисм тутзорларни қуришиб қўйди. Натижада, бу районларда йиллик ипак етиштириш 4 минг тоннадан 1,8 минг тоннага тушиб қолди. Ўрта Осиё Ипакчилик институти мутахассисларининг тасдиқлашларича, мазкур юқумли касаллик республикамиздаги бир қатор районларда ҳам кўзга ташлана бошлаган. Бу хавфли сигнал ипакчиларимиз учун жуда жиддий огоҳлантиришдир. Шу боисдан биз ипакчилик станцияларимизнинг ижобий тажрибалари ҳамда илгор ипакчилик мамлакатларининг кенг тажрибасига таянган ҳолда тутзорларни пайкалларнинг четига линияли усулда барпо этишдан воз кечиш, кенг равишда плантация методига ўтиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Плантация методига экинни парвариш лаш, кенг механизмлаш, химиялаш ҳамда зараркунанда ва касалликларга қарши кураш йўлида комплекс агротехник тадбирларни тўла амалга ошириш имкони мавжуд. Энг асосийси, тутзорларни янгилаш (ҳеч бўлмаганда 10—15 йилда), тупроқнинг биологик соғломлиги ҳамда унумдорлигини ошириш йўлида илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш, шу тариқа монокультуранинг хавфли оқибатларидан қутулиш мумкин. Бу республикада ипакчиликнинг мустақкам озука базасини вужудга келтириш ҳамда ипак етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

Тутзорларни хўжалиқдаги мавжуд техникадан фойдаланган ҳолда қатор оралигини 90 см қилиб барпо этиш истиқболли ҳисобланади. Бу тутзорларни юксак даражада парваришлаш, энг сермеҳнат иш ҳисобланган тут кесиш ва баргини даладан олиб кетишни ҳам тўла механизмлаш имконини беради. Айни замонда қишлоқ ва посёлкаларимизнинг кўчалари тутзорлардан халос бўлади. Уларнинг ўрнига қишлоқларимизга фойз бағишлайдиган, дастурхонимизни ноз-неъматларга тўлдирадиган, жазирамга ёз пайтлари бизни соя-салқин бағрига оладиган мевали, ёғочбон ва манзарали дарахтларни экиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ ва посёлкаларимиз бошдан-оёқ ям-яшил, сўлим ҳамда гўзал бўлиши лозим.

Ипакчиликнинг озука базасини ривожлантиришга бундай ёндашиш далаларимиз ҳамда қишлоқларимиз атрофида самарали ихота дарахтзорлари барпо этиш, шунингдек, ипакчиликни барқарор ривожлантириш учун имкон беради.

Ёр тузуви ва территорияларни тартибга солувчи лойиҳалаш муассасалари хўжаликлар билан биргаликда алмашлаб экишни жорий этаётганда тут плантацияларини барпо этиш учун керакли майдонларнинг ажратилишини кўзда тутишлари зарур. Бу қийин вазифа эканлигини тушунамиз. Чуқки тутларни линияли усулда экиш қатъий қарор топди, пахта монокультураси ҳақида ҳам ҳозирча шундай дейишимиз мумкин. Бироқ биз фақат бугунги кун гази билангина яшамаслигимиз, истиқболга назар ташлашимиз, пахта, озука базаси, ипакчилик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бошқа тармоқларининг бундан буюнги тақдири ҳақида маъсулият билан фикр юритишимиз лозим. Агар суғориладиган деҳқончиликда пахта ва тут монокультураси негизидеги ҳозирги аҳвол сақланиб қолар, бирор-бир қатъий ўзгариш рўй бермас экан, бунинг оқибати биз тасаввур ҳам эта олмайдиган даражада оғир бўлади.

Ватан фанининг Докучаев, Тимирязев, Менделеев, Вильямс, Прянишников каби классиклари ўрмонзорлар барпо этиш, ерга ишлов бериш системаси ва алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш илмий деҳқончиликнинг



**Т**УН қаърини поралаб, оппоқ тонг отаяпти. Хәйтга мухәббатимиз, кўлимиздан тутган әзгу ниятимиз, химматли меҳнатимиз у билан бошланади. Уни кутиб, одамларга меҳр улашишга, кўнглини олишга шошиламиз. Емонликдан, бахилликдан, ўзгалар қайғусидан, текин-томоқликдан ҳаловат топган кўршапалаккина, кўршапалакка ўхшаш кишиларгина ўзини қоронғуликка уради, тонгдан, ёруғликдан кўрқади.

Мухаббат кўҳна нарса, аммо ҳар юрак уни янгилайди, деганларидек, тонг ҳам ҳар куни отади, аммо ҳар бирининг бетакрор шуқуҳи, жоибаси бор.

Бугунги тонг эса, яна бўлакча, бутунай бўлакча! Боболаримиз ва момоларимиз, оталаримиз ва оналаримиз бундан 70 йил бурун унинг бағрида туриб, унинг бўлакчаларини туншунганлар, уни ёруғлик душманларидан химоя қилганлар. Ахир, Октябрнинг ўша бўронли кунлари, эрк билан ҳукмронликнинг, мухаббат билан жаҳолатнинг, тинчлик билан урушнинг, тенглик билан разолатнинг, озодлик билан зулмнинг, садоқат билан хиёнатнинг аёвсиз курашига шохид бўлган ўша 25 октябрь (7 ноябрь) тонг отари дунёнинг янгилиниши эмасиди?! Инқилобнинг ҳал қилувчи давларида ақлу заковати ҳар бир дақиқача зарур бўлиб, ҳар бир инқилобчининг йўлини ҳам, дилини ҳам ёритиб, бир ҳафта давомида оёқда тик турган, уйқуну бутунай унутган Владимир Ильич Ленинни 26 октябрь тонготарида бир оз дам олишга ундайдилар. «Владимир Ильичнинг юзи гул-гул очилган:

— Ажи баҳрали тонг, ҳатто ётиб ухлагинг ҳам келмайди.

— Йўқ, унақаси кетмайди, ухлаш, ухлаш, ухлаш керак, — дейди қатъий оҳангда Бонч-Бруевич.

курроқ ботириб олди ва оқ қоғоз устига шитирлаб, кўк тусли сўзлар ёзила кетди:

«Ер тўғрисида Декрет». Совет ҳокимиятининг, ишчи ва деҳқон ҳокимиятининг биринчи қонуни ана шундай вазиятда яратилди. Советлар съездининг 26 октябрь кечқурунги мажлисида эса, Янги ҳокимиятнинг биринчи сўзи сулҳ тўғрисида бўлди. «Революция вуҷудга келтирган ишчи ва деҳқон Ҳукумати, — деб тантанали суратда ўқиди Владимир Ильич Декрет сўзларини, — барча урушувчи халқларга ва уларнинг ҳукуматларига адолатли демократик сулҳ тузиш ҳақида дарҳол музокара бошлашни таклиф қилди». Ер масаласи, халқлар орасидаги ҳамишалик сулҳ масаласи — инсониятнинг азалий орусси, юрак-бағри эзилиб интилгани, ушалмаган армони бўлгани учун ҳам бу сўзлар бутун дунёга худди офтобдай таралди. Офтоб ва зулматнинг ҳаёт-мамонт курашини бошлаб берди. Инқилобчиларнинг, сеvimли доҳий-мизнинг бирор дақиқа ором олиши учун ҳамон вақти йўқ эди.

Тун бўйи  
чамалаб кўрди  
дунё вазиятини,  
Эрталаб эса,  
эълон қилди:  
«Ҳаммага!  
Ҳаммага!»  
Яъни қондан эсанкираган  
фронтларга,  
Ҳамма хилдаги  
қулларга!  
Бойларга қул қилиб  
сотилганларга:  
Ҳокимият — Советларга  
Ер — деҳқонларга!  
Тинчлик — халқларга!  
Нон — оҷларга!

Бу — улуг пролетар шоири Владимир Маяковскийнинг шиддатли овози эди. Унга жўр бўлган франгуз ёзувчиси Анатолий

ажралмас қисми эканлигини, фақат уларгина бошқа комплекс тадбирлар билан биргаликда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, атроф-муҳитни яхшилашга қодирлигини доимо таъкидлар эдилар. Бу қондалар бизнинг қурғоқчилик ўлкамизга бошқа ҳамма ўлкалардан ҳам кўра кўпроқ тааллуқлидир. Афеуски, биз амалий фаолиятда деҳқончиликни юриштининг ушбу илмий асосларидан жуда ҳам узоқлашиб кетдик, ерни бош-кўзимизга қарамасдан шафқатсизларча эксплуатация қила бошладик, монокультурани жорий этдик, далалардан дарахтларни қуритдик.

Буларнинг натижасида эса, очик тан олиш керак, ерларимизда бузилиш жараёни бошланди, яъни улар яроқсиз ҳолга кела бошлади. Йилдан йилга тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетаётганлиги, зах сувларнинг кўтарилаётганлиги, сугориладиган зонанинг катта қисмида қайта шўрланиш ва ботқоқланиш рўй бераётганлиги, бегона ўтлар, зараркунандалар, касалликларнинг оммавий таркалаётганлиги, тирик жонотларнинг ҳалок бўлаётганлиги, умуман, биосферанинг кескин ёмонлашганлиги маданий воҳаларимизга чўлнинг ҳалокатли даражада бостириб келаётганлигининг рад этиб бўлмас далилидир.

Экологик ҳавф бошланиб бўлди. Бунинг учун бизнинг ҳозирги авлод айбдор ва масъулдир. Бундай ҳол бундан буёғига давом этиши мумкин эмас, бу жараёни тўхтатиш зарур. Бу — бизнинг энг биринчи вазифамиз, келгуси авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз. Бунинг учун ишга янги-часига, масъулият билан ёндашиш, деҳқончиликни, умуман, хўжаликни қатъий илмий асосда юришти талаб қилинади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ фаровонлиги йўлида ер, сув, ўрмон, ҳайвонот ва бошқа табиий ресурсларни химоя қилишга доимо улкан аҳамият бериб келмоқдалар. КПССнинг тарихий XXVII съезди ҳамда унда қабул қилинган «СССР-ни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»даги қарорларни муаммоларни ҳал этишимизда янгича ечим, янги қувват беради.

Бу вазифаларни ҳал этиш ҳар биримизга, айниқса, Давлат агросаноат бирлашмаси, ўрмончилик министрлиги ва унинг жойлардаги идоралари, илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳалаш муассасалари ходимлари зиммасига улкан масъулият юкляди. Олдинга қўйилган улкан вазифаларнинг тақдирини уларнинг ишни ташкиллаштириш билан даражаси, маҳорат ва ташаббусларига боғлиқ.

Мақоламизни «Табиат — бизнинг дўстимиз, аммо...», деб номладик. Ҳа, табиат бизнинг дўстимиз. Лекин шу ҳақиқатни ҳам унутмаслик керакки, дўстлик икки томоннинг истаги, меҳри, оқибати туфайли туғилади. Шу маънода рўйи-рост айтишимиз керакки, биз кўп ҳолларда она табиатни ранжитиб қўймоқдамиз, унга нисбатан шафқатсизларча муомалада бўлмоқдамиз. Бу ҳодисанинг нечоғлик хунук оқибатларга олиб келгани маълум. Демак, биз табиат билан дўст тутишимиз учун уни ардоқлашимиз, авайлашимиз, кўз қорачиги сингари асрашимиз лозим.

# «ЯША, ШҶРО!»

— Ухлаш керак, ухлаш керак! — деган сўзлар билан кутиб олади коридорда Владимир Ильични Надежда Константиновна. — Ҳозир ҳеч нима ҳақда сўзлашмайман.

— Ҳўй, ухлаш керак бўлса, ухлаш-да, — итоаткорона рози бўлади Владимир Ильич.

Ленин ўзи учун тайёрлаб қўйилган хонага кириб, қаравот устидаги одеялни очади, оғир бошмоқларини ечиб, дўқиллатиб полга қўяди. Чироқни ўчиради. Қаравотга ўтириб, эшик остидаги, равшан шўьлага қараб туради: қачон тинчир экан бу Владимир Дмитриевич?

Ҳамма унинг оромини истаяпти. Унга озгина бўлса-да, эрталабгача бўлса-да, ором керак-ку?!

Нега у Бонч-Бруевичнинг кетишини, ҳаманинг тинчишини, чироқлар ўчишини кутаяпти? Ҳа, доҳий ухлолмасди. Зоя Воскресенская ўз эсдаликларидега ёзганидек, «...нафасини ичига ютиб, эрталабки салқин шабададан қаттираб, секингина ёзув столи ёнига борди, абажур устига газета қоплади ва чироқни ёқди, қулоқ солиб турди — ҳамма жим. Папкасидан бир энг яхши қоғозни олди, перони сиёҳдонга секин ботириди. Чироқ шўьласида перонинг учи кўкиш тусда йилтираб кетди. Одатича қўлларини чаккаларига босди. Лекин бошида парик йўқ эди. Енгил нафас олди.

Перонинг йилтираб турган учи қоғозга текканича қотиб қолди.

«Нима деб атасам экан?» — деб ўйлади Владимир Ильич. — Нима деб аташнинг аҳамияти жуда катта?» Бармоқларини столга секин тикиллатиб урди. Уйлагани дарров миясига келди. Энди перони сиёҳдонга чу-

Франс: «Рус халқи учун чоризм зулматидан қутулишини йўли йўқдек эди, — деди юрак-юракдан ҳайратланиб, — аммо Россия шундай мамлакатки, унда ақл бовар қилмас воқеалар ҳам рўйбга чиқади».

Революция жараёнини ҳаяжон билан кузатган Италия ва халқаро коммунистик ҳаракат арбоби Антонио Грамши: «Келажақ тарихи айти Россияда бошланади, — деди, — янги дунё ҳаёти айти Россияда ниш отади». Япония ва халқаро ишчилар ҳаракатининг арбоби Сен Катаяма: «Октябрь инқилоби рўйи заминнинг барча гўшаларида пролетариат кўтарилишларига туртки бўлди», деб таъкидлади.

— Россиядаги ажойиб ишлар менга обиҳаётдек таъсир қилмоқда, — деб Германиядан немис халқининг оташин фарзанди Роза Лүксембург овози эшитилди. — У ерда рўй бераётган воқеалар бутун жаҳонга халоскорлик таъсирини ўтказиши керак ва ўтказади. Россияда юз бераётган воқеалар ўз нури билан бутун Европани мунаввар этиши даркор. Ана шундай овозлар Францияда, Италияда, Японияда, Эронда, АҚШда, Болгарияда, Финляндияда, Хитойда, Польшада, Туркияда ҳам янграб, бойлар ҳокимиятини титратди. Ҳиндистоннинг улуг фарзанди Жавоҳарлал Неру Улуг Октябр, Ленин партияси ҳақида тўлқинланиб:

— Совет Иттифоқи, — деди, — кишилик жамятини анча илгари сурди ва ёркин бир машъала ёқдики, уни ёчирши мумкин эмас.

Биз, ўзбеклар эса, рус, украин, тожик, туркман, қозоқ, татар, қирғиз ва бошқа қатор-қатор қардошларимиз билан қўли қўлга бериб, инқилобни, Совет ҳокимиятини:

Яша, Шўро! Яша, Шўро!  
Сен яшайдирган замон.  
Ишчи ўгли, шухратингдан  
Балқисин рўйи жаҳон!—

деб кутиб, уни қўриқлашни — эрку тенгликини, имонни, ор-номусни, одамийликни, отабоболар руҳини, фарзандлар бахтини, тинчликни, тоза ҳавони қўриқлаш деб, ҳатто ўз жонимиздан ортиқ кўрдик. «Яша, Шўро!» — деб курашдик. Дарҳақиқат, эзилган, бир умр эзilib ўтган кишилар учун, айниқса, чор Россиясининг чекка мустамлакаси ҳисобланган Ўлка меҳнаткашлари учун башариятнинг зулмдан батамом халос этган, илмий коммунизм ғояларининг турмушда амалга ошишини исботлаган жаҳон тарихининг кейинги бутун жараёнига чуқур таъсир кўрсатган Улуғ Октябрдан ортиқ бахт борми?!

Инкилоб ғалабаларини амалга оширишда, тарих бизнинг олдимизга қўйган ғоят улкан вазифаларни хал қилишда ишчилар синфи, бутун совет халқи коммунизм ғояларига беҳад содиқлигини, мардлиги ва фидокорлигини, юсак онглилиги ва уюшқоқлигини намойиш қилди. Халқ ўз инкилобини қон кечиб, жон чекиб қўриқлади. Қўхна тарих саҳифалари ҳар бирига минг дoston бағишлагудек воқеаларни эслатади. Вари бир — бугунги бахтнинг, бугунги дориламон ҳаётнинг қўлга осонликча киритилмаганининг шохиди! Рус оғанинг, зулумот чачвонини улоқтириб, мазлум элларга ҳам ҳуррият шабадасини олиб келган буюк рус оғанинг самимий мададини ким дил-дилдан ҳис этмайди?! Асримиз бошларида «Вестник воспитания» журнали Туркистонда аҳолини саводхон қилиш учун 4 минг 600 йил керак бўлади, деб ёзган эди. Юртимиз келажигига, наҳотки, шунчалар нописандлик билан қараганлар?! Бу «башорат» ўлкамиз халқларига шунчалик паст назар билан қараганларими ё ўша вақт ҳаётидаги тургунликка ишорамиди? Октябрь инкилобига ҳар ҳолда шундай тушунча бор эди. Шундан 10—15 йил ўтиб, граждaнлар уруши кетаётганига, чекчега расиз қийинчиликларга қарамай, 1917—1924 йилларда Туркистон АССРда ҳар йили

ўртача 129 тадан янги ўқув юртлири очилди. 1920 йил сентябрда Ленин томонидан имзоланган Декретта мувофиқ Тошкентда ташкил этилган университет илк қадамлариданоқ 3 минг 17 студентни бағрига олди. 40-йиллардаёқ бутунлай саводхон ўлкага айланган республикамизда бугунги кунда 9 минг 380 та мактаб, 590 та ҳунар-техника билим юрти, 238 та техникум, билим юртлири ва 43 та олий ўқув юртида 5 миллиондан зиёд ёш авлод таълим олаётти. Бугун республикамиз ҳар ўн минг аҳоли ҳисобига тўғри келадиган студентлар сони бўйича Англия, Франция, Германия Федератив Республикаси, Япония, Италия каби ривожланган капиталистик мамлакатлардан қандай қилиб ўзиб кетди?! Ҳозирги кунда Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европадаги 78 та мамлакатдан келган кўпгина йигит-киз республикамиз ўқув юртлирида таъсил олмоқдалар.

Бу туйғулар нималарни хаёлга келтирмайди?! Яна Октябрни, Ленинни, унинг юртимизда бўлган сафдошлари Ш. Элиева, В. Куйбишев, Я. Рудзутақ, С. Гусев, И. Зелинский, Ф. Голошкин ва В. Ивановларни шарафлаймиш. Туркистон фронтининг қўмондони Михаил Васильевич Фрунзе, атоқли революционер саркарда Полторацкий, ишчи-солдат депутатлари Қўқон шаҳар Советининг биринчи раиси Е. Бабушкин, Бешариқ ва Ашоба атрофларига уя қурган Раҳмонкул қўрбоши ва бошқа босмачиларни «борса келмас» дунёга улоқтирган отряднинг йўлбошчиси Василий Алексеевич Сеницин, «Қўқон мухторияти»ни узил-кесил тугатишда баҳодирлик кўрсатганлардан Иван Алексеевич Греховларни ким унутади?! Оталаримизга меҳр қўлини чўзган, қалбларимизни Ленин меҳри билан илк марта илитган, Ўзбекистонда Совет ҳокимияти учун курашда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбоев, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Усмон Юсулов, Низомиддин Хўжаев, Очил Бобононов, Динмуҳаммад Устабоев, Тўраохон Иброҳимова, Бузрукўжа Усмонхўжаев, Мелибой Абдуллаев, Яҳё Афзалий, Исмоил Аликулов, Ҳайдарбек Абдужаборов, Абдулла Набиев, Исроил Охунов, Ҳожисафо Жўра

боев, Абдурахмон Суллонов, Саидсултон Сайдалиев, Уринбой Ашуров, Назиржон Халилов, Акбар Исмоилов, Саидаҳмад Орифбоев каби халқимизнинг ажойиб фарзандларига йўлбошчилик қилган ҳам ўшалар! Дошиманлар айтганларидек, кимнинг қалби ҳамма учун тепаётган бўлса, у одам чинакам буюқдир. Таъзим ва эътиқодимиз ана шу буюқларга! Қандай бахтлимиз — биз уларнинг ворисларимиз!

Октябрь тонги. Унинг бағрида ким беихтиёр антикиб-антикиб, ширин-ширин югиниб қўймайди?! У тонг тушунчаси билан шундай уйғунлашиб кетганки, Октябрь дейилганда қоп-қора тунни ёриштирган ва ризку рўз йўлини очган офтоб, тонг дейилганда дунёнинг дунёлигини кўз-кўзлайдиган оппоқ нур жилоланади. Хотин-қизлар озолиги ташиқлотчиларидан Тожихон Шодиева:

— Октябрь тонги, — деган эди, — гўзал, ниҳоятда гўзал қизнинг паранжисини улоқтирган дақиқалардаги ловуллаган юзига, қақнаган кўзига ўхшайди.

Эса қоладиган образ. Республикамизда 13,2 минг хотин-қиз илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётгани, улардан 70 киши Фанлар академиясининг академиги, мухбир аъзоси ва профессор экани ҳақида гап кетганда суҳбатдошимиз — геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Фарғона Политехника институтини профессори Маҳфуза Сайдалиева:

— Ана шу хотин-қизларни паранжи ичида тасаввур этиб кўринг, — дейди, — қандай даҳшат?! Ҳозир бу хотин-қизларнинг ҳар бири тонг. Ҳар бири Октябрь очган алоҳида-алоҳида тонг!

Уша тонг ёришяпти. Сен — яхшилиқ, энг эзгу ният, сен — одамнинг одам бўлиб танилиши, тенглик ва дўстлик, сен — муҳаббат ва тинчликнинг барқарорлиги! Революция ғалабаси ҳақида хабар берган ўша муқаддас дунёни ёритиб, машъаласи борган сари қуёш билан тенглашиб бораёпти. Боболар қўшиғи дилимизда ва тилимизда:

— Яша, Шўро!

Йўлдош СУЛАЙМОН

Фарғона

Тошкент Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ишчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Суратда: 6-цех ишчилари Холмурод Холиқов, бригада бошлиғи Болтабой Абдужаъфаров, Зинаида Мўминова, Баҳодир Ҳакимов.

В. Мосият фотоси



Шундай қилиб, уста Раҳимнинг ўғли Олим мардикорликка олинди. Содиқ бойваччанинг арзандаси ўрнига. Бойвачча пора бериб қутилди. Элликбоши Шариф охун унинг аркатойи учун мўмай пул олиб, Олимни унинг ўрнига рўяхатга тиркади. Уста Раҳим ўғли Олим, Шайхонтохур даҳасидан минг йигит қатори 1916 йил декабрининг изгиридли кунларидан бирида мардикорликка жўнади. Ушанда укаси Едгор 21 ёшга тўлган эди. Рўзгор ташвишлари энди унинг зиммасига тушди. Қиш бўлса, мардикор бозори касод. Ишсизликдан Едгорнинг боши қотиб юрган кунларнинг бирида уйига поччаси Абдулла ва унинг акаси Тўхта Ҳайитбоевлар ҳол-аҳвол сўрашгани келишди.

— Едгорбой, сизбоп иш мана бизларда топилади. Қаерда дейсизми? Шу ўзимиз ишлайдиган темир йўл устахоналарида!

Едгор уларнинг Тошкент Бош темир йўл устахонасида ўн уч йилдан бери ишлашаётганидан хабардор эди. Маҳалла аҳли уларни ака-ука мастеровойлар деб аташини ҳам биларди.

— Урис ишчилари кўп хунарманд халқ. Улар билан ишласангиз, хунар ўрганасиз, — деди Абдулла.

— Ҳеч иккиланманг, ука, — қўшимча қилди Тўхтавой.

Эртасига улар Урта Осиё темир йўл жандармерияси бошқармасига бирга боришадиган бўлди. Ўзбек аҳолиси ишга киришдан аввал жандарм бошқармасидан ишонч қозони олиши расм эди.

Абдулла қайниси билан идора бошлиғи қабулга кирди. Полковник князь Микаладзе бу икки ўзбекка шубҳали кўз ташлади.

«Бузғунчилар уяси бўлиши темир йўл устахоналарига сартларнинг серкатнов бўлиб қолгани шубҳали. Рус ишчиларидан улар ҳам исёнкорликни юқтиришлари турган гап. Агар икки шахар ҳам айниса, нима бўлади? Обдан суриштириб чиғирмадан ўтказиб ишга олиш керак». Бошлиқнинг хаёлида шундай ола фикрлар гужгон ўйнади.

Полковник эринмай савол устига савол ёғдириди. Абдулла қайнисига уларни таржима қилди, жавобларини ўзи берди.

— Кетдик, Едгор. Иш битди, — деди у ниҳоят.

Микаладзе нималарнидир ёзиб олгач, уларга кетишга рухсат берди.

— Жавобини полицмейстер хабар қилади.

Абдулла Едгоржоннинг елкасига қокди.

— Уйингизга бораверинг, энди. Бир неча кундан сўнг худо хоҳласа ишга кирасиз.

Едгор шунда устахонага кириш

ҳазилакам иш эмаслигини тушунди.

Учинчи куни пешинда унинг эшиги тақиллаб қолди. Келган шоп мўйловли сариқ миришаб унга важоҳат билан деди:

— Қани, олдимга туш.

— Нимага? — довираб қолди йигит.

— Сени полицмейстер йўқлапти. Тез бўл!

Едгорнинг хаёлидан минг фикр ўтди. Олмазордаги эски шаҳар полиция бошқармаси томон яқинлашаркан, ундаги ваҳима тобора кучайди. Худди шу бинода ёз ойида қанчадан-қанча одамларнинг қони тўкилмади, дейсиз. Шўрлик Ризов биби Аҳмаддон қизи ўғлини мардикорликка юбормайман, деб шу жойда кўксидан ўқ еган. Пристав Мочалов зулмидан дод деганлар шу идорани тошбўрон қилган эдилар.

Полиция бошқармасида уни полицмейстернинг ўзи, зар погонли чор офицери сўроқ қилди. Тилмоч таржимасида берилган саволлар турлича эди. Анча-мунча гаплардан сўнг полиция офицери мақсадга кўчди.

— Темир йўл устахонасига ишга киришингдан асл мақсадинг нима?

— Пул топиш, тўрам.

— Нега бўлмаса бойларга ёллаймадинг?

— Кўпроқ пул топиш учун. Устахонада яхши пул ишлаш мумкин дейишди. Ҳунарли ҳам бўлмоқчиман.

Полицейстер унинг гапларини қозғога битгач, таҳдид ила деди:

— Текшириб қўрамиз жавобларингни. Натижасини ўша ўзинг борган темир йўл жандарм бошқармасига хабар қилама. Кетавер, уйингга!

Едгор энди гап нимадалигини тушунди.

Ниҳоят, бир ойдан сўнг Едгор ишга кириш учун рухсатнома олди. Уни қузов цехига ишга тайинлашди.

Устахонада иш куни 13—14 соат давом этаркан. Иссиқ цехда кун бўйи тиска юриб тер тўкишининг ўзи бўлмайти.

Едгор меҳнатдан қўрқмаган. Болалигидан бинокор усталарга шогирдлик қилиб ҳавозалар тепасида гишт, лой узатган. Оғир меҳнат нималигини яхши билади. Унинг меҳнатсеварлиги кўзга ташланди. Бир қанча вақт дастёр — югурдак, қора ишчи бўлгач, уни мастерга шогирдликка беришди.

## СЕҲРЛИ СЎЗЛАР

1917 йил баҳори кириб келди. Едгор энди унча-мунча русча гапирадиган бўлиб қолди. Устози — мастер Украинцев укувли шогирдидан мамнун.

Едгорни самимий қаршилаб, бир чеккага бошлади.

— Янгиликдан хабаринг борми? Подшо тахтдан ағдарилди!

Едгор нега бугун барча ишчилар чехраси очик, бир-бирларини табриклашаётганининг боисини тушунди. Ажабо, подшо ҳам тахтдан йиқиладими? Уни ким ағдарган?

— Ҳозирча ишни йиғиштириб тур. Темир йўл черкови олдига борамиз, — деди Украинцев, — катта митинг бўлади.

Едгор тасдиқ ишорасида бош иргадди. Устахона ишчилари тўп-тўп бўлиб ўзаро нималарнидир гаплашишмоқда. Бир чеккада эски шахардан устахонага қатновчи ўзбек ишчилари ҳам қизгин баҳслашишмоқда. Едгор улар орасида поччаси Абдулла, унинг укаси Тўхтавой, дўстлари Умар, Жалол акаларни кўрди. Улар ҳам ҳаяжонда.

— Хуррият!

— Янасин озодик!

Шундай хитоблар билан ишчилар устахонадан чиқишмоқда.

— Пойдем, товарищ! — деди кимдир елкасига қўл ташлаб. Едгор уни таниди. Мастер Фетисов.

— Товарищ!

Бу унга қартилган сўз эди. «Сарт», «сартенок» ёки «узбеченок» деган гапларни эшитавериб кулоғи ўрганиб кетгани учунми, бу сўз жуда ёқимли эшитилди. Темир йўл черкови олдигаги борчага келганда эса у яна кўп гаройиб гапларни эшитди. Қўлига қизил ленталар таққан кишилар тўп-тўп ишчиларни бошлаб келишмоқда. Ҳамманинг юзида шодлик барқ уради.

Едгор «митинг» сўзининг маъносини ўша ерда англади. Кўз таниш ишчи ўртага чиқиб маъруза қилди.

— Қонхўр Николай тахтдан ағдарилди. Энди Россияда республика, озодик!

Едгор Украинцевдан аста сўради.

— Гапирётган ким?

— Александр Першин, — деди мастер секин. Худди шу митингда Едгор «эсер», «меньшевик», «большевик» ва «Совет» сўзларини эшитди.

Першин ҳаяжон билан нималарнидир гапирди. Тўпланганлар гулдирос қарсақлар чалишди.

Едгор, гарчанд кўп гапларнинг маъзини чақолмаса-да, лекин эшигаётган янги сўзлари истиқболда бошланаётган янги ҳаётга ишоралигини қалбан англай бошлади.

Эртаси куни ишдан сўнг у устозидан: «Большевик деганлар ким?» деб сўради.

— Большевиклар ким бўларди, улар ҳам сенга, бизга ўхшаган оддий камбағал ишчилар,

улар партия тузишган, бу партия ишчилар манфаатини кўзлаб, ҳокимият тепасидан бойларнинг вакилларини тушириш учун курашмоқда.

— Большевиклар-чи?

— Улар шу партия ичидаги бузғунчилар.

— Эсерлар ким бўлмаса?

— Усти ағтироқ, ичи қалтироқлар. Гапга бандларвозу ишга келганда мазаси йўқлар. Ўзбекчасига айтганда аросат бандалари.

— Совет дейишгани нима?

— Сен ҳам жуда чатоқ чиқдинг-ку, Едгор. Совет дегани бизлар, яъни ишчилар вакилларининг кенгаши. Тушундингми, йигитча?

Устахонадаги ишчилар ўртасида тез-тез қизгин суҳбат, мунозаралар мазмуни энди унга аён бўла бошлади. У яна бир нарсани тушундики, ишчилар ўртасида сиёсий масалалар юзасидан бўлган тортишувларнинг кучайиши большевиклар, эсерлар ва меньшевиклар ўртасидаги курашнинг айнаи ўзи. Улар фақат сиёсий масалалар юзасидангина эмас, балки, ўз сафларига кўпроқ ишчиларни жалб қилиш юзасидан ҳам кураш олиб боришмоқда.

Устози Украинцев ва унинг маслакдош дўстлари Фетисов, Сирияков каби ишчилар тез-тез Ляпин, Шумилов, Першин каби большевик ишчилар ҳақида гапиршиганидан Едгор уларнинг бари большевиклар йўлидан боришаётганини англади.

## ЙИГИТЛАР АҲДИ

Хуррият сўзи тиллардан тушмаси-да, аммо у хали ҳаётда қарор топмаётган эди. Воқеаларнинг бориши ҳақиқий озодикка чиқиш учун революцион кураш яна давом эттириш керак, деган большевиклар шiori тўғри эканлигини кўрсата бошлади.

Ана шундай кунларнинг бирида Едгорнинг акаси Олим мардикорликдан қайтиб келди. У Едгор билган аввалги Олим эмас эди.

Анча ўзгарибди. Минск шахрида ишлаган келари у кўп нарсанинг тағига етибди. Фикрлари салмоқли, гаплари босиқ. У укасининг мастеровойлар қаторига қўшилганидан ҳурсандлигини яширмади. Уян ҳам устахонада ишламоқчи эканлигини айтди.

— Жуда яхши, — деди поччаси Абдулла Ҳайитбоев, — мана, Едгорбой ҳам кам бўлмапти.

Едгорнинг ёдига Украинцев айтган гаплар келди. У устахонага кўпроқ ўзбек ёшларини жалб қилиш зарурлигини айтган эди.

— Бу большевиклар топшириғи сенга, Едгор. Ўзбек дўстла-





Файзулла ХУЖАЕВ.

тезда изига қайтди. У Ревком тошширини бажаргани шошилган эди.

Жанглар энди устакхона ташқарисига кўчди. Куннинг ик-

кинчи ярмида Низомиддин Асомидинхўжаев бoshчилигидаги 200 га яқин ўзбек қуроли дружинаси оқларнинг орқасидан хужум қилиб, ишчилар ёнига ёриб ўтди. Революцион қўшинлар қаторига большевик Наум Финкельштейн темир йўл вокзалидан бошлаб келган 600 нафар етти-сувлик солдат ҳам қўшилди.

Жанговар ташаббус эндиликда кўзголончи ишчилар ва солдатлар қўлига ўтди. Кечқурун оқлар шахарнинг барча кўчаларидан суриб чиқарилди. Улар сўнгги таянчлари бўлган ҳарбий қалъага беркиниб олишди.

Оқларнинг қўмондони генерал Коровиченко таслим бўлиш ҳақидаги таклифни рад этиб: — Тошкентни қонга ботирсам ботирман-у, лекин Вақтли ҳукумат ҳокимиятини бермайман, — деди.

Генералнинг жавоби қатъий эди. Аммо жони ширин юнкерлар ўқ-дори омбори яқинида бирикки снаряд портлагач, таслим бўлиш фикрига келишди. Коровиченко буйруғидан бўйин товлаб, қалъа дарвозаларини очиб юборишди.

31 октябрь кеч соат иккида Тупроққўргонда революциянинг голиб қизил байроғи ўрнатилди.

1 ноябрь куни ака-ука Раҳимовлар қўлларидаги қурол билан устакхонага қайтишди. Тумонат одам йиғилган. Ҳамма ғалаба билан бир-бирларини табриклашарди.

— Саломатмисан, Едгор!

Украинцев бақувват қўллари билан Едгорни кўчди. Олим бўлса, дўсти Абдураҳим Толиповни белидан олиб чиқирак қилмоқда. Барча шоду хуррам.

Кўплар кўз ёшларини тия олишмади. Тўрт кун давом этган қонли жангларда ҳалок бўлган дўстларини аслашди.

Уларнинг қони беҳуда оқмади. Революция ғалаба қилди. Олдинда янги ҳаёт! У қандай бўлади? Кимни нима кутади? Вуни ҳеч ким билмасди.

Едгор акаси билан уйига қориб келишга рухсат сўради.

— Ҳали хотиржам бўлишга вақт эрта, йигитлар, — деди Дубровский жиддий, — душман боши янчилса-да, ҳали думи узун. Милтиқларни ҳали жойига қўйиш вақти эмас.

Командир шундай дея уларга рухсат берди.

Эски шаҳар эндиликда ака-укалар кўзига бошқача кўринди. Нимадир бўлган, нимадир ўзгаргандек эди.

Уйларига яқинлашган сари Едгорнинг юраги дийдор қувончдан дуқиллаб ура бошлади. Ақасида ҳам шундай ҳолат.

Мана, таниш кўча. Ажаб, улариде нега одамлар, йиги-сиги? — Вой, болам!

— Шаҳид болам!

Маҳалла одамлари ака-укани қўришдию жим қолишди. Олим ва Едгор ҳалок бўлибди, деган хабар келибди-ю, уларга аза очилган экан. Аза тўйга айланди.



Генерал Собир РАҲИМОВ.

Едгор ва Олимни дўстларияо қариндош-уруғлари қутлашди. Севинч ёшлари тўкилди. Орадан уч йил ўтгач, Олим укаси Едгорни большевиклар партиясига ўтгани билан чин юракдан табриклади.

Ҳамдам СОДИҚОВ

## ТОНГДА УЗИЛГАН ЎҚ

Кичик ҳикоя

Тонг... Дераза қўққисдан тақиллади. Чўчиб уйғонган ЧК ходими сапчиб ўрнидан турди-да, тизма қатор ўқ қадалган тасма ва ёстиги остидан револьверини олиб, дераза олдига келди:

— Ким у?!

— Мурод ака, бу мен, Қодирман, комсомол ячейкасида.

Мурод деразани очиб: «Нима гап?» деган маънода Қодирга қаради. Қодир оёқ учиде кўтарилиб, Мурод билан сўрашди:

— Салом, Мурод ака. Содик бобонинг уйига кимдир ўт қўйиб, муаллима қизни ботқоқ томонга олиб қочибди аблаҳ...

— Мен ҳозир...

Мурод лаҳза ўтмай кийиниб чиққанида, Қодир ботқоқ томон тикилиб турар, қишлоқнинг кун оғиш тарафидаги — томига беда ғарами босилган уйдан тутун буриқсиб, аланга аралаш кўкка ўрлар, теварак-атроф ёришган эди.

— Сен аскарларга югур, мен Одили олиб, уларнинг орқасидан қуваман.

Мурод ҳаллослаганича Тўқайзорнинг очик жойидан чиқди-да, у ёқ-бу ёқни кўздан кечириб, ботқоқликка яқин келиб қолганини англади ва:

— Ботқоқликдан ўта олмайди,

сой кўприкисиз, демек, у шу ерда, — дея ўз-ўзига пичирлади. — Қандай бўлмасин қизиллар келгунча у номардни қочирмаслигини керак!

Мурод нафасини ростлаб олиб, атрофни кузатиш ниятида синган қамишлар қоплаган дўнғликка чиқиб кулек солди. Ҳаммаёк жим-жит. Кучсизгина шабада сарғайган қамишларнинг попугини тўзғитиб ҳар ён учиради, шийадек тиниқ осмонда битта-ярымта юлдузлар, сомон йўли элас-элас кўзга ташланади. Аҳён-аҳёнда қамишлар штирлайди, қурбақалар қуриллади. Ботқоқликнинг қўланса ҳиди анқийди. Сувнинг бир меъёрада шовуллаши қулоққа чалинади. Узоқ-узоқдан итларнинг ҳуриши, қишлоқ томондан от туёқларининг дупур-дупури эшитилди.

— Келишайпти, — деди ўзига ўзи Мурод. У гимнастёркасининг ёқасини очиб, намхуш тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб симирар экан, қўлидаги узун бесўнақай револьвернинг учи билан қошига-ча босиб тушган фуражқасини сал кўтариб, энги билан манглайидаги тер резаларини артиб, энди ўрнидан турган эди, шу яқин орадан аёл кишининг бўғиқ инграган товуши келди. У сесканиб турди-да, қаёққа

боришини билмай, бир дақиқа турган жойида саррайиб қолди. Сўнг таҳмин қилиб сой томонга югурди. Мурод қанча югурганини билмади, тўсатдан ундан икки-уч одим нарида тизза бўйи синган қамишлар орасида сочлари тўзғиган, оғзига дастўмол тиқиб, қўллари орқасига қайириб боланган муаллима қиз — Раънонинг ҳушсиз ётганига кўзи тушди. У аёл кишини биринчи марта бу ҳолда кўрганиданми, даҳшат ичра тарашадек қотди. Жон ҳолатда қизнинг томирларини ушлади, тирик эканига ишонч ҳосил қилгач, унинг оғзидан дастўмолни олди. Қиз ўзини бироз енгил ҳис этиб, чуқур нафас олганида, Муроднинг юзига табассум югурди. У сал нарироқда қизнинг чанг ва лойга беланиб ётган рўмолини олиб, унинг очик баданига ёлди. Душманнинг қай томонга қуён бўлганини билолмай, энди ўрнидан кўзгалганида, тўсатдан орқа томондан — тўқайзорни ларзага солгудек, тонг сукувати қаърини йиртиб миллиқ пангиллади, унинг аке-садоси узоқ вақтгача гулдураб турди. Мурод кўкенин чангаллаб ортига ўгирилганида, яна ўқ узилди. Мурод нафаси бўғилиб, боши тошдек оғирлашганини, аллақаси зирқираб қў-

лидаги револьвер ерга тушганини сездди. У қўққисдан оқаётган қони тўхташга уриниб, гимнастёркасини гижимлаб, олдинга бир қадам қўйган эди, юрагига нашта қадалгандек кўз олдида осмон чархпалак бўлиб айланди-ю, шилқ этиб ҳушсиз ётган Раънонинг ёнига чўзилди.

Шу пайт сой томондан:

— Бу ёққа, бу ёққа! Саид, Мардон, орқасидан қувиб тирик ушланглар! — деган таниш жарангдор сўзлар унинг қулоғига аранг чалинди. Мурод икки қўлига таяниб товуш келган томонга тикилди-ю, йўлида учраган шох-шаббаларни шиддат билан ёриб ўзи ва Раъно ётган томонга от чоптириб келаётган қизил аскарларни кўриб, оқариб келаётган юзларига хиёл табассум ёйилди.

— Сой... томонга қоч...ди номард, — деди зўрға, тобора қовжираб бораётган лабларини қимтиб. У яна бир нималар демоқчи эди, лекин вужуди мадорсизланиб кўм-кўк қамишлар устига чўзилди.

Қизиллар этиб келишганида, унинг жонсиз, лекин ҳали иссиқ кўксидеги қон томчилари қуёш нурларида ялтираб турарди.

Бухоро

Рашид АСЛОНОВ

# ТАЛАБЛАР РУҲИДА

**Д**АСТЛАБ, завод, партия, касаба союз, комсомол ташкилотининг раҳбарлари билан суҳбатлашиб, бухгалтерия ҳисоботи билан яқиндан танишиб чиқдик, сўнг барча ишлаб чиқариш цех ва участкаларини кўрдик, ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг иш жараёнлари билан танишдик. Шунда Уяли луб заводининг иши яхши изга тушганлиги ҳақидаги гаплар бериб эмаслигига қаноат ҳосил қилдик.

— Киска муддат — икки йил ичида муваффақиятларга қандай қилиб эришдиларингиз? — дея луб заводи директори Рустам Бўтаевга мурожаат қилдик. Шунда у сокин оқабатга Сирдарё томонга қараб:

— КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг 1987 йил Январь ҳамда Июнь пленумлари қарорларида ишлаб чиқаришни янги технология асосига кўчириш, омилкор кадрларни тарбиялаш, мутахассисларнинг масъулиятини ошириш сингари муҳим масалалар илгари сурилди. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги шу муаммоларнинг тўғри ва уюшқоқлик билан ҳал этилишига боғлиқ...

«Утмишни масъулият билан таҳлил этиш, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток М. С. Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладда, — келажак йўлини тозалаб беради, ўткир муаммоларни тортинчоқлик билан четлаб ўтадиган чала ҳақиқат эса, реал сиёсатни ишлаб чиқишга тўсқинлик қилади, олга томон ҳаракатимизга халақит беради».

Ҳа, 1985 йилнинг охирида заводда раҳбарликни қўлга олган янги директор қаттиқ интизом бўлган жойда меҳнат унумдорлиги ошишини, резервларнинг ишга солиниши учун кенг имкониятлар очилаётганини, ўзининг кўп йиллик бой иш тажрибасидан яхши билар эди. Эски хўжалиқнинг янги раҳбари ишни худди ана шундан бошлади. Бир ҳафта ичида ишга ўз вақтида келиб-кейтиш масаласи тўлиқ ҳал қилинди — ишга кеч келиб, эрта кетувчилар, прогучилар билан қаттиқ ҳисоб-китоб қилинди.

«Инсонга, унинг меҳнати, моддий фаровонлиги ва дам олишига тааллуқли барча масалаларда биз ниҳоятда эътиборли бўлишимиз керак», деб уқтирди ўрток М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида. Худди шу ҳаётини масалаларга Уяли луб заводида алоҳида эътибор берилди бошланди. Заводдаги муҳим ишлардан бири — техника хавфсизлигидир. Техника хавфсизлиги бўйича инженер Фонуз Муслимов биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Техника хавфсизлиги учун ажратилган фондлар 1985 йилда 25 минг, 1986 йилда 27 минг, 1987 йилда эса 30 минг сўмдан ошди. Заводнинг ички ва ташқи территориясида техника хавфсизлиги учун зарур бўлган қурилмалар, ёнғинга қарши воситалар — ўт ўчирувчилар, белкураклар, қум тўлдирилган аяклар, анг асосийси, кучли босим остида ишлайдиган қурилмалар ўрнатилган. Завод ишчилари алоҳида махус коржомалар билан таъминланганлар. Техника хавф-

сизлиги ҳолати муттасил текшириб борилди. Яқинда касаба союз техник комиссияси томонидан заводда текширув ўтказилди. Бу текширувда заводда меҳнатнинг қўриқланиши ва техника хавфсизлиги юқори баҳо олди. Ҳақиқатан ҳам кейинги икки йил ичида заводда кўнгилсиз ҳодисалар юз бергани йўқ.

Завод касаба союз комитети (раиси Собир Юсупов) ишчилар меҳнатини муҳофаза қилишда ва уларга иш шaroитларини яхшилашда жонкуярлик қилмоқда. Масалан, завод қошида доимий ишлайдиган ошхона, чойхона, магазиннинг мавжудлиги ишчиларнинг ўз вақтида савдо қилишлари, овқатланишлари учун қўлайлик туғдиrhoқда. Яқинда завод қошида нон ёпиладиган пех очилиши ҳам айни муддао бўлди. Кўп миллатли завод ишчилари ва хизматчиларининг болалари учун эса кўркам боғча ишлаб турибди. Заводнинг 300 ўринли клубида кўнгилли ҳордиқ чиқаришга қаратилган маданий тадбирлар — меҳнат ва уруш ветеранлари ҳамда фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар, ёшларнинг кечалари мунтазам ўтказилиб турилади. Шунингдек, клуб қошида бадий хаваскорлик ва халқ ижодий тўғараклари ишлаб турибди.

Заводда оммавий физкультура ва спорт ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда янги спорт комплекси бунёд этилган



бўлиб, унда футбол, волейбол, баскетбол майдонлари мавжуд. Спорт залида эса ишчилар бўш вақтларида шахмат, шашка, теннис, биллард ва спортнинг бошқа турлари билан машғул бўладилар. Ҳозирги вақтда заводнинг ҳар бир ичкиси спортнинг у ёки бу тури билан шугулланишда.

Ҳа, ишчиларнинг яшаш ва иш шaroити масалаларида яхши томонга кидийли ситжиш бўлаяпти. Завод маъмурияти томонидан ишчиларнинг уй-жойи шaroитини яхшилаш ва уларга ёрдам бериш учун алоҳида ремонт-қурилиш бригадалари ташкил этилган. Мазакур бригадалар кучи билан ишчиларнинг уй-жойлари ремонт қилинади.

Заводда комсомол-ёшлар жуда кўпчиликини ташкил қиладилар. Корхонада комсомол-ёшлар бригадаси тузилган. Айниқса, 3-комсомол-ёшлар бригадаси ҳамма кўрсаткичлар бўйича пешқадам. Еш ишчиларнинг фидойилиги туфайли 1987 йилнинг I квартал плани 108 фонз қилиб бажарилди.

Заводдаги барча хайли ишларга коммунистлар етакчилик қилмоқдалар. Улар завод партия ташкилотининг секретари Ғайбулла Мўминов бошчилигида ташкилий ва тарбиявий ишларни уюшқоқлик билан амалга оширмоқдалар. Ҳозирги вақтда партия ташкилотига 31 коммунист бирлашган. Илгор коммунистлардан Фотима Мухторова, Ешқа Рубина, Раъно Қодирова каби фаол ишчилар ишлаб чиқариш нормаларини ошириб бажариш билан бирга, ёшларга мураббийлик қилмоқдалар. Масалан, тайёр махсусотлар-

ни қабул қилиш ва жўнатиш цехида ўттиз беш йилдан бери ишлаб келаятган коммунист ишчи Фотима Мухторованинг ёшларга устозлик фаолияти айниқса таҳсинга лойиқдир.

— Ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши кўп томонлама кадрлар бўлимига боғлиқ. Уяли луб заводи ҳам интернационал саноат корхоналаридан ҳисобланади, — дейди кадрлар бўлимининг бошлиғи Гулнора Жонталиева биз билан суҳбатда. — Заводда ҳаммаси бўлиб 320 нафар киши меҳнат қилади. Шуларнинг ярмидан кўпини қизлар ташкил этадилар. Завод маъмурияти хотин-қизларга алоҳида эътибор бериб, уларнинг меҳнат ва яшаш шaroитлари ҳақида гамхўрлик қилмоқда. Корхонамизда ишлайтган ўзбеклар, қозоқлар, татарлар, руслар, тожиклар, корейлар, яҳудийлар, турклар ва туркманлар қўлини қўлга бериб, интернационал коллектив бўлиб бир-бирига кўмақдош, устозу шогирд бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Корхона касаба союз комитети ва маъмурияти завод ишчиларининг малакасини оширишга ҳам муттасил эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги вақтда заводда 12 нафар олий маълумотли, 9 нафар ўрта-махус ва 167 нафар ўрта маълумотли кадр меҳнат қиляётган. Ҳар йили завод йўлланмаси билан бир киши Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати инженерлари тайёрлаш институтига, икки киши эса хунар-техника билим юртига ўқишга юборилади. Бундан ташқари, завод ўз кадрларини республикамизнинг илгор корхоналарига тажриба алмаштириш учун мунтазам юбориб туради.

Заводда янги технологияни жорий этиш борасида бирмуно муваффақиятларга эришилмоқда. Масалан, «ТММ — 20 ОК», «АЛВ», «АЛВ — М», «АЛТ», «ЛО» маркали агрегатларнинг, «СЛГ — 120 Л1» маркали қуритиш машинасининг ишлаб чиқаришда қўлланилиши яхши самаралар бермоқда. Ҳозир корхонада иккита комплекс поток линия ва битта ярим поток линия тинимсиз ишлаб турибди.

Заводаги поток линияда, яъни махус ҳовузларда ивтиллган қўй, ифлос луб пюси тўппа-тўғри махсусотни ҳалти ишлайдиган машинага юборилади. Бу ердан тўхтамасдан бир йўла ҳамма жараёнлар (ювиш, қуритиш, тозалаш) бажарилади. Линиянинг охирига бориб бир йўла тоза, қуруқ, сифатли оппоқ тола чиқарилади. Масалан, ивитиш цехидан Бердибек Тайсалов, агрегат ишчиларидан Раъно Қодирова, Ешқа Рубина, Жумагул Сўфияева, Лида Сантоева, пресловчи Ҳайдар Абдуқодиров, слесарь-ростловчилар Серикбой Дусенов, Қодир Утебенов, слесарь Нафе Улкан, мастер Раҳимберди Ҳакимов сингари малакали ишчи мутахассислар бу жараёнларни мохирлик билан бошқармоқдалар.

— Бизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар бор, — деди завод директори Рустам Бўтаев резервлар ҳақида гапираркан. — Ишлаб чиқаришда қатор ташкилий масалаларни ҳал этишимиз керак. Техник қурилмалар, жиҳозлар ва агрегатларнинг тақомиллаштирилиши анча суст. Қурилган жиҳозларда ва ишлатилаётган машиналарда ҳам қатор техник носозликлар мавжуд. Масалан, янги, тақомиллашган машина «АЛТ» маркали механизм ҳисобланади. Техник ҳужжатларида кўрсатилишича, бу машинада саккиз киши ишлаши керак. Лекин унга бир ярим киши баравар кўп ишчи жалб этилган. Машинанинг олдинги қисмида, ивитиш ҳовузаридан махсусотни қабул қилиб, кейинги қайта ишлаш жараёнларига узатадиган жойда техник етишмовчиликлар бор... Шунинг учун ҳам бу ерда икки киши ўрнига олти киши ишлайди. Умуман, биз қўл меҳнатини тезроқ қисқартиришга эришишимиз керак.

Иттифоқимиздаги илгор саноат коллективлари қаторида Уяли луб заводи ишчилари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Яраш ҒАФФОРОВ

**Б**ИЗ ЯШАЁТГАН ҳозирги давр — яхшилик, истиқбол томон туб бурилиш, қайта қуриш, янгиланиш, покланиш даври. У жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасига улкан масъулият ва юксак бурч, долзарб вазифалар юклайди. Адабиёт замоннинг ойнаси сифатида инсон омили, инсон улугворлигини бадиий ифодалаши нуқтаи назардан жамиятга таъсир этувчи, янги тафаккур ва ғоялар берувчи мафкуравий қуролдир.

Партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида, бошқа партиявий ҳужжатларда бу ҳақда қайта-қайта эслатилмақда. КПСС XXVII съездида қилинган Сисий докладда шундай дейилган эди: «Жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамлар яшайдиган маънавий муҳит кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатнинг аҳволи билан белгиланади. Адабиётимиз янги дунёнинг туғилишини акс эттириб, шу билан бирга янги дунёнинг қарор топишида фаол қатнашди, ана шу дунё кишини — ўз она юртининг ватанпарварларини, чинакам интернационалистни воёга етказди. Бу билан адабиётимиз умумхалқ ишидаги ўз ўринини, ўз ролини тўғри таллаб олди. Аммо халқ, партия ёзувчининг, санъаткорнинг ишига баҳо беришда, адабиёт ва совет санъатининг ўзи ўз вазифаларига ёндашишда қўлланадиган мезон ҳам ана шундан иборатдир».

Шуни мамнуният билан қайд этиш мумкинки, кейинги йилларда адабиёт ва санъатнинг мамлакат ижтимоий-маънавий ва иқтисодий ҳаётига аралашуви сезиларли даражада ошди, бадиий асарларнинг ҳозиржавоблиги, турмуш ҳақиқатини ошқора ва тўғри акс эттириш томон жадал юз бургани, уларда долзарб публицистик руҳ кучайганлигини кўрмоқдамиз. Винобарин, ҳалоллик ва ижтимоий адолатни, инсоннинг қадри-қиммати ва бахт-саодатини улуглаш, барча яхшилик, эзгуликларни, шу билан бирга, истиқболга тўсиқ бўладиган, социалистик жамиятимизга ёт ҳодисалар — халқ ва давлат мулкни талон-торож қилиш, порахўрлик, лаганбардорлик ва ўз манфаати йўлида ортиқча имтиёзлар яратиб, кўзбўямачилик ва бўйруқбозлик, ғоявий-тарбиявий ишлардаги субъективизм, энг ёмони — баъзи мансабдор шахслар томонидан айрим совет граждандарининг шаъни оёқ ости қилиниши, социалистик қонунчилик ва демократиянинг бузилиши ҳолларини адибларимиз рўй-рост кўрсатиш орқали ўз асарларининг мундарижасини бойгаёттирлар.

Бу ерда бошқа бир ҳолини ҳам назардан қоқирмаслик керак. Баъзи китобларда худди конфликтсизлик назариса ҳукм сурган йиллардагидек, ҳаётда нимага қўл урмасин, иши осонгина, муваффақиятли кўчарадиган, план ва топширилари ҳаммиша юздан ошириб бажарадиган, ўз коллективи, жамият олдига доим «юзи ёруғ», «иши беш», ҳар бир айтган сўзи ҳамма учун қонун бўладиган «ижобий қахрамон» образлари кўпайиб кетди. Бунинг устига, етмишчинчи йилларнинг бошларида баъзан раҳбарлар шахсига сиғиниш, уларни кўр-кўрона, асосиз улуглаш, хоҳиш ва истакларини қатъий қонун, муҳим кўрсатма сифатида қабул қилиб, хушомадгўйлик йўли билан уни бажаришга интилиш ҳоллари содир бўлганди. Адабиётга кўчган бу хилдаги «қахрамонлар» худди эртақлардагидек ҳаракат қилиб, афсонавий баҳодирлардек ўз режа ва мақсадларини бекамикўст, бежирим амалга ошираверар эдилар.

Тўғри, бу каби образлар таъсирида ҳам қандайдир конфликтлар, улар билан тўқнашадиган салбий қахрамон образлари ҳам яратилар эди. Аммо бу хилдаги салбий персонажлар ҳаётийлик, реализмдан узоқда бўлиб, кўпрок ёзувчининг зўрма-зўракилиги, субъектив хоҳиши билан асарга киритиларди. Охир-оқибатда бу хилдаги персонажлар асарда бошқа образ сифатида тасвирланаётган қахрамоннинг бир ҳамласи, илк тўқнашуви натижасида йўқ қилинар эди.

Фикримизнинг исботи учун баъзи асарларга мурожаат қиламиз. Иброҳим Раҳимнинг мамлакатимиз Нокоратпроққ районларини ўзлаштиришга отланган ватанпарварлар ҳаётига бағишлаб ёзган «Оқибат» романида мавзу актуал, ният аниққай. Буни адибнинг ўзи ҳам китоб сўзбошида шундай эътироф этди: «Хурматли китобхон. Ушбу асар Ўзбекистон халқ ҳашарчиларининг Россиядаги унумсиз ерларни обод қилишидаги жасорати йилномаси бўлиб, унда меҳр-оқибати замондошларимизнинг биродарлик бурчига садоқати, ҳаёти, фаолияти, қисқаси, ишчан одамларимизнинг матонатли, машаққатли меҳнатининг бадиий йилномаси» ичига олинган.

Хўш, романда марказий Россия территориясида ётган минг гектарлаб ерларни ўзлаштиришга отланган ватанпарварларнинг «жасорати» тўлақонли очиб берилди? Ёзувчи катта воқеалар, одамлар, уларнинг ишлари, «биродарлик бурчига садоқати, ҳаёти, фаолияти, қисқаси, ишчан одамларимиз матонатли, машаққатли меҳнатининг бадиий йилномаси» ичига олинган?

Роман воқеалари содир бўлган давр — бугунимиз жуда мураккаб зиддиятлар, қарама-қаршилик, синовларга бой йиллар. Қахрамонлари — дунёқараш, психологияси жуда мураккаб ва ҳар хил кишилар. Ешлигидан кўникиб қолган, одатланган юрти, қадрдон уйи, шаҳри ва қишлоқидан узоқда, ҳозирча шароити оғир (ватанпарвар

дириб келдилар ва ҳаётда учрайдиган камчилик ва иллатларни фош этишга ҳаракат қилдилар, ҳар қандай вазият ва муҳитда ҳам ҳалол ижод қилиб, ўз асарларида турмуш ҳақиқатига хилоф йўл тутнига йўл қўймадилар. Адабиётимизнинг етмиш йиллик тарихий йўлига назар ташланса, Ҳамза ва Абдулла Қодирийдан бошлаб то ҳозирги адибларгача, уларнинг ҳаётий ва ижодий жасоратлари даврлар оша ибрат намунаси бўлиб келаётди, улар яратган ажойиб бадиий дурдоналар инқилобий нафасдан, интернационаллик ва миллийлик, тарихий ўтмишга фарзандлик садоқати ва доғишмандлик, коммунистик юксак идеалларга фидойилик ва ҳақиқатгўйлик, ўз қаламига нисбатан талабчанлик ва ёшларга бағри кенгликдан сабоқ бермоқда.

А. Қаҳҳор, Уйғун, С. Аҳмад, Шукрулло, Невмат Аминов, А. Муҳиддинлар жамиятимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган негатиш ҳолларни, нохуш иллатлар қуртакларини кўп йиллар олдин ҳам кўриб, ўткир ҳажвий асарлар яратганлар. А. Қаҳҳорнинг «Тобудан товуш» драмаси бугунги кунда кескин қораланаётган порахўрлик, шахсий бойлик дўшманга қизиқиш, обрў ва бойлик йўлида давлат манфаати, социалистик қонунчилигини назар-писанд қилмаслик ва маънавий қашшоқликни фош этган эди.

Мамлакат ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар, қайта қуриш, ошқоралик, кишиликни ларзага солаётган она-ер, она-табиат мувозанати, муҳит соғломлиги, инсоний муносабатлар самимиёлиги, аждоқлари тарихига ихлос сингари жиддий ва долзарб муаммоларни адабиётда кўтариш сари интилиш салмоқига аҳамият қасб этмоқ-

## УЛУҒ ТОНҒНИ КҮЙЛАБ...

ҳашарчилар ҳар қанча самимиёлик ва илиқлик, гамхўрлик билан қуршаб олинган бўлишларига қарамасдан, қиш фасли ғоят совуқ бўладиган жойда — Шимолда ишлашади. Бунинг устига, баъзи раҳбарлар нўноқ, кибр-ҳаволи, мақтанчоқ, мансабпараст ёки одамлар қадрига етмайдиган кишилар. Шуларга қарамасдан, иш осонлиқа кўчаради, романда берилишича, муваффақиятлар кетидан муваффақиятлар келаверади, қахрамонлар худди байрамлардагидек ҳаракат қилаверадилар.

Хусусан, етмишчинчи йилларнинг социал зиддиятлари: рақамбозлик, раҳбарларни кўр-кўрона улуглаш, шахсий манфаатдорлик психологияси, социалистик қонунчилики баъзан бузиш ҳоллари, хушомадгўйлик ва шу каби иллатлар асар қахрамонлари характерида гўё таъсир қилмагандек, улар дунёқараш чўқур психологик таҳлилдан холи. Асар бош қахрамонининг руҳий ҳолатини кўрсатиш учун келтирилган қуйидаги тасвирдан китобхон нимани тушуниши мумкин: «Нурдан кулиб турган хонага боқиб, унинг ғаш кўнгли ҳам ёришиб кетгандай бўлди».

Ёзувчи қахрамонларнинг ички кечинмалари, дунёқарашини оддий газета хабаридек, бирин-кетин айтиб ўтаверади, журналистик баёнчиликка оғиб кетади.

Тўғри, ўзбек совет ёзувчилари баъзан объектив ва субъектив сабабларга кўра содир бўладиган ижтимоий-ахлоқий тебаранишлар, турғунлик ва чекинлишларга ўз муносабатларини у ёки бу даражада бил-

да — ижодкорлар эътиборини адабиётнинг ҳаёт инъомаси эканлигини унутмасликка даъват этмоқда.

Бадиий тафаккур соҳасидаги қайта қуриш адабиётшунослик фани ва танқидчиликда ҳам ўзининг яхши қуртакларини намойиш қилаяпти. Республика ёзувчилари союзи правлениесининг пленумлари, поэзия, проза, драматургия, адабиётшунослик ва танқид бўйича йиллик ҳисоботлар Матёкуб Қўшонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Бахтиёр Назаров, Норбой Худойберганов, Иброҳим Ғафуров ва бошқа мунаққидларнинг янги китоблари, газета ва журналларда эълон қилинаётган таҳлил ва далилларга бой проблематик мақолаларида, ўнлаб бадиий публицистик асарларида ҳам кўринаяпти. Халқ оғзаки дурдоналарини тўплаш, қўшиқчилик, болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантириш соҳасида ҳам силжишлар ёрқин намоён бўлаётир.

Ўзбек совет адабиёти — бугун навқирон ёшда. У бой тажрибага эга йирик намоёндаларга, билги ғайратга тўла навқирон истеъдодларга, оташнафас шоирларга эгаки, уларнинг улугвор овози Иттифоқ миқёсида доимо баралла жаранглаб туриши эзгу ниетимиздир. Бу овозни бизга Улуғ Октябрь социалистик революцияси берди. Келинг, башарият тарихида янги даврни бошлаб берган ўша улуг ТОНҒНИ тараннум этавераёлик.

Исроил МИРЗАЕВ,  
филология фанлари кандидати

## Ҳ А Е Т

Ҳар эрта қуёшдан бўса оламан,  
Тириклик завқидан энтикади дил.  
Ҳаёт!

Чин ошигинг ўзим бўламан,  
Васлингга қонмайман яшасам минг йил.  
Борлигим —

бағрингда бир воқеъ вужуд,  
Нигоҳим —

ўзингга ошуфта олам.  
Кўксим — сен жой олган макон беҳудуд,  
Дил — меҳринг тафтидан ловулар лоланг.  
Қийногинг —

мен учун пишмоққа имкон,  
Тобланиш йўлида синодир зарбанг.  
Сенга фарзанд бўлиб нетдим, онажон,  
Агар кўтармасам баъзида зарданг?!  
Қадринг билмасалар,

ҳаёт, айт, ахир,  
Қандай плинж билан сенга келади?  
Завқингдан бенасиб қайси тошбағир  
Сени ёмонлашга журъат қилади?  
Яшаш — бу,

ҳар кимга маълум муддатда  
Дунёга эғалик қилиш ҳуқуқи.  
Ўзлигин кўрсатиш шодлик, кулфатда,  
Инсонлик шарафин билиш ҳуқуқи.  
Яшаш — бу,

одамлар олами аро  
Эзгу юмушлар-ла қолдирмоқлик ном.  
Яшаш — бу,

Ватанга бермоқлик оро,  
Унинг камолотин эттирмақ давом.  
Ҳозир мен дунёга эканман соҳиб,  
Йшайман шу буюк номини оқлаб.  
Ҳама ҳам мен каби гар бўлса содиқ,  
Заминда тинч ҳаёт қолинар сақлаб.



## ТОҒ МАНЗАРАСИ

Қичқиртиб ётибди шамол тонларни,  
Тоғларнинг музбадан дараларида.  
Шаршара уйғотар мудроқ онглари  
Минг қуёш ёндириб зарраларида.

Инсоннинг оёғи етмаган қоя  
Қоинот сирларин англаб, сарбаланд,  
Тилсиз табиатдан тинглаб ҳикоя,  
Элга мағрурликдан панд айтади, панд.

Тубанда,  
эркинлик завқи билан маст —  
Тўлғаниб оқади бўтана дарё.  
Тоғнинг сукутига, балки, қасдма-қасд,  
Пойига бош уриб кўтарар фарё.

Бепарво юксаклик устидан гўё  
Қаҳқаҳа уради сергак ишчанлик.  
«Тоғ борки, кенгликлар — кулф урган дунё!»  
Дегандай жар солар атрофга каклик.

Душанбе



# СОДИҚ ЛЕНИНЧИ

**К**ОММУНИСТИК партия ва совет давлатининг атоқли арбобларидан бири, латиш фарзанди Ян Эрнестович Рудзутакнинг фаолияти, қисқа ва мазмунли ҳаёт йўли ленинчи большевикларга хосдир. РСДРП нинг II съезидан сўнг ташкил топган Рига комитети раҳбарлигида шаҳарнинг кўпгина заводларида социал-демократик группа ва тўғараклар шакллана бошлади. 1904 йилда Я. Э. Рудзутак шундай тўғаракларнинг бирига аъзо бўлиб кирди ва ўзининг бутун ҳаётини революция ишига, пролетариат озодлиги учун курашга бағишлади.

1905 йилда Я. Э. Рудзутак ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. У В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси сафига қабул қилинди. Биринчи рус революцияси йилларида ёш большевикнинг ташкилотчилик ва тарғиботчилик қобилияти янада ёрқинроқ намоён бўлди. Ўз тақдирини Буюк Инқилоб ғалабаси йўлига бағишлаган Ян Рудзутак бир неча мартаба чор самодержавияси таъқибига дучор бўлди.

Оғир реакция шароитида Ян Рудзутак Виндова (ҳозирда Винтспилс) шаҳрида тор-мор этилган социал-демократик ташкилотни тиклашдек муҳим тошпирқ олди. У қисқа давр ичида бу ишнинг уддасидан чиқди. Шаҳарда РСДРП Виндова комитети раҳбари Рудзутак ёзган, чоризмга қарши курашга даъват этувчи варақалар пайдо бўла бошлади. Чор охраникаси Ян Рудзутакни «хавфли сиёсий жиноятчи» сифатида қидира бошлади. Партиявий ҳаракат жуда махфий тутилганига қарамай, 1907 йил июнда полиция Ян Рудзутак ва Виндова комитетининг бошқа аъзоларини қамоққа олди. Тергов ишлари икки йил давом этгач, 1909 йил ноябрда ташкилот аъзолари устидан ҳукм чиқарилди. Ян Рудзутак 10 йил муддатга сургун қилинди.

Ригада, қамоқ шароитида Я. Э. Рудзутак сиёсий маҳбусларнинг очлик эълон қилишини уюштиргани учун Москвадаги Бутирск турмасига кўчирилди.

Ян Эрнестович озод этилгандан сўнг ишчи-тўқимачилар орасида қасаба союzlари ташкилотларини тузишга зудлик билан киришди.

1918 йил январда у Тўқимачилар союзи Вутунроссия Совети раиси ва ВЦСПС аъзоси қилиб сайланади. Шу йил май ойида партия уни Халқ Хўжалиги Олий кенгашига ишга юборди.

Ян Эрнестович мамлакатда қасаба союzlари ишини қайта қуришга кўп куч сарфлади. Ишда принципиаллик, фракциячи ва турли хил оғмачиларга қарши аёвсиз курашиш унинг характериға хос эди. У совет давлатчилигини, шунингдек, мамлакатимиз халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг бу борадаги



истеъдоди Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилишига ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини мустаҳкамлашга амалий ёрдам бериш мақсадида Вутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1919 йил октябрда тузилган Туркистон комиссияси составидаги фаолиятида айниқса яққол сезилди.

Ян Эрнестович ташаббуси билан Москва, Петроград, Иваново-Вознесенск тўқимачилари ҳамда туркистонлик пахтакорлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ўлкада пахта майдонларининг кенгайишига, пахта тозалаш заводлари ишнинг жонланишига, тўқимачилик саноати учун муҳим хом ашё — пахта толаси ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада ошувига олиб келди.

Турккомиссия ўлкада миллий сиёсатни оғишмай амалга оширишда, босмачиликни тугатишда, Қизил Армия сафларини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. 1920 йил ноябрь-декабрь ойларида В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатларини имзолади. Бу муҳим сиёсий-партиявий ҳужжатларнинг ишлаб

чиқилишида унинг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи аъзоси Ян Эрнестовичнинг ҳам алоҳида хизматлари бор эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Урта Осиёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини ривожлантириш босмачиларга қарши кескин кураш шароитида олиб борилди.

1922 йил баҳорда Туркбюронинг РКП (б) МК Урта Осиё Бюросига айлантирилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Шундай қилиб, эндиликда Урта Осиё бюроси Туркистон, Бухоро ва Хоразм компартияларига, бу республикалардаги хўжалик қурилишига раҳбарлик қила бошлади. Урта Осиё республикалари ўртасида мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик ва ягона хўжалик сиёсати йўлга қўйилдики, бу босмачиликни тутатиш ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

Коммунистик партиянинг Туркистондаги сиёсатига РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё Бюроси аъзоси, 1922 йил августдан эса унинг раиси Я. Э. Рудзутак бевосита раҳбарлик қилди. Жумладан, Ян Эрнестовичнинг тақлифи билан Туркистон, Бухоро ва Хоразм Совет республикалари иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилди, ягона Урта Осиё иқтисодий Совети тузилди ва у бевосита РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё Бюроси раҳбарлигида ишлади.

В. И. Ленин Туркистонда янги совет республикалари тузиш масаласига тўхталиб, 1920 йил июнда ўлкани Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистонга бўлиш учун (этнографик ва бошқа) карта тузишни, бу уч қисмнинг қўшилиш ёки ажрალიш шартларини тафсилотларигача аниқлаштиришни тақдир этган эди. РКП(б) Марказий Комитети, унинг Урта Осиё бюроси бу масалани бир неча бор синчиқлаб ўрганиди ва мақсадга мувофиқ деб топди. В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак ва Г. В. Чичеринлардан иборат махсус комиссия тузилиб, унга миллий чегараланишни охирига етказиш вазифаси топширилди. Ниҳоят, узок ва пухта тайёргарликдан сўнг 1924 йил 26 октябрда РКП(б) Марказий Комитетининг Пленуми Урта Осиёда миллий-давлат чегараланишни ўтказиш тўғрисида РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Я. Э. Рудзутак ахборотини эшитиб, уни тўла маъқуллади.

СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил октябрда бўлган II сессияси Туркистон, Бухоро ва Хоразм халқлари хоҳиши-иродасини ҳисобга олиб, 27 октябрда СССР составида янги совет республикалари: Ўзбекистон ва Туркманистон ССР, Ўзбекистон ССР составида Тожикистон АССР, РСФСР составида Қирғизистон, Қозоғистон АССР составида эса Қорақалпоғистон автоном областлари тузилганлигини ҳамда Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган районлари Қозоғистон АССР составига кирганлигини қонуний мустаҳкамлади.

Шундай қилиб, Ян Эрнестович Рудзутак Урта Осиё совет республикаларининг, шу жумладан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши ва ривожланишида фаол роль ўйнаган коммунист-интернационалистлардан бири бўлиб қолди.

Ленин мактабининг атоқли намоёндаларидан бири бўлиб шакланган Я. Э. Рудзутак 1926—1937 йилларда СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳамда Мехнат ва Муҳофаа Совети раиси ўринбосари сифатида партия иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишда, дастлабки беш йиллик планларини ҳаётга татбиқ этишда, 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган социализм Конституциясини тайёрлашда бевосита иштирок этди.

Я. Э. Рудзутак бутун онгли ҳаёти давомида Ленин ғояларига, Октябрь революцияси ғояларига, социализм ишига содиқ қолди. Унинг номи дилларда ва тилларда ҳамиша эъзоз-лидир.

Искандар ҲАЙИТОВ,  
тарих фанлари кандидати, доцент



## ХОРУНБОЙ ТОҒА

Қува «девятки», маълумки, тўрт район боларини, пахта далаларини ённинг энг нисеқ кунларида сув билан таъминлайди. Бу сув омбори қурилишига ўз вақтида шу район ижрокўмининг раиси Хорунбой Эрматов бош-қош бўлган эди. Вугун эса ана шу обихайёт нахри Хорунбой тоға измида — у киши Каркидон сув омборининг бош мироби.

— Сизга айтсам, пелесига чиққан куним жуда кичик бўлган, — дейди Хорунбой тоға. — Ичкари кирман, ташкари чикаман денг, уйда-қовлида ҳеч қаерга сизмайман... Шунга ҳам йигирма йил бўпти, умрининг тез ўтишини қаранг-а! Одамларга жуда ўрганиб қолган эканман. Гоҳ-гоҳ газета ўқнига ҳам вақт топилаётти. Бир вақтлар «Маргилон ҳақиқати» газетасида маъсул котиб, бош мухаррир бўлиб ишла-

ганман. Еанига жуда кичик қардим. «Камбагал дехқон» газетасида хабар ёки мақола чикиб қолгудек бўлса, худди ёш боладек бўлса, йўқ хурсанд бўлиб кетардим. Хўп кичик вақтлар бўлган-да, — дея яқин ўтмишни бир-бир эсладилар тоға...

Ҳа, у киши Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбоев, Усмон Юсуповлар билан ишлаган, уларнинг таълими оingan сардоқатли шоғирлардан бири...

Ана шундай, Хорунбой тоғанинг номини Тошлоқ, Қува, Олтиарик, Бувайда, Риштон, Охунбоев районларида катта-ю кичик эҳтиром билан тилга олади. У киши 1944 йили ярадор бўлиб фронтдан қайтганидан кейин то 1969 йилгача ана шу районларда маъсул лавозимларда ишлаган. Хорунбой тоға ҳам Ватан олдида, ҳам эл-юрт олдида ўз бурчини ҳалол бажарган замонамиз қаҳрамонларидан...

Маврудди келганда шунини ҳам айтиш керакки, у киши ишни деб турмушни, оилани, одамлар кўнглини унутиб кўнчлардан эмас. У ҳам жамият фарзанди, ҳам халқ фарзанди. Ота учун беш ўғил, икки қизни вояга етказиб элга қўпишининг, беш келинининг қайноғаси, 32 неваранинг бувиеси бўлишининг ўзи ҳам қаҳрамонликка тенг гап. Қарангки, бир оилада етти фарзанднинг ҳаммаси

олий маълумотли. Гап фақат маълумотда эмас, албатта, эл назарига тушишда ҳам... Давраларда фарзандлар тўғрисида гап кетса: «Ҳаммаси яхши, ҳаммасидан кўнглим тўқ, миннатдорман», дейди Хорунбой тоға. Ҳа, ота бир мусаллоф дарё бўлса, фарзанди невараларни дарёга итидулди, ҳаётни аниқлашчи обихайёт жилғаларига ўхшатишим келаяди.

Ииллар ўтди. Қир-адирлар усти ҳам ям-шил боғу роғларга бурналди.

— Бу боғларнинг хосилти шундай, бир экиб қўйилса бас, юз йилда мева бераверади, «бобо ёнгоқ»ларга ўхшаб. Сув омборини ҳам тоғдан тушган сувларга лиммо-лим тўлиб, одамларга, дехқончиликка обихайёт улашаверади. Бир қурлиб қолди-да ўзи ҳам... Шундай дориланом замонда яшаётганимизга, бунёдкор авлод бўлганимизга шукур, — дейди Хорунбой тоға сув омбори атрофидаги оромгоҳ боларни кўрсатиб.

Хорунбой тоға билан Жанубий Фарғона каналининг кўприги устида хайралишди. Феруза осмондек яшил денгиз узра сокинлик ажаб-товур бир манзара касб этган пайт. Оқшом бахмали тўшалган улкан обихайёт юзаси ўз кўрнига сайқал бераётгандек, гоҳ-гоҳ жимирлайди. Шўх, намқуш шабада диллимизга ором бағишлайди.

Бекмирза МАҲМУДОВ



Бобо ва неваралар. (1926 йилдан КПСС аъзоси, партия ва меҳнат ветерани Фозилжон Юнусов Андихон районидagi пионер лагерида).

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ)

# САМАРҚАНД КУЗИ

Мисли зангор рангга чайилган Самарқанднинг осмони узра Куз ҳаловат истаб ёйилган — Қалқиб турар намхуш манзара. Мақбаралар адоғида боғ, Сўнмоқдадир сочиб шуълалар, Озор чекма лек, эркам, бу чоғ, Учиб кетди дея турналар. Най ноласи не деб бош урар, Ғури Амир равоқларига. Балки, бунда у сўйлаб турар, Уткинчи ёз фироқларидан. Оловланган вужудим шу кез, Япроқларга айланиб қолса, Утар бўлсанг, малагим, ҳур қиз, Изларингни пойига олса.

Ўқтам МИРЗАЕРОВ таржимаси

\* \* \*

Болаликдан орзум:

кушлардай —  
Ҳар томонга сидиктам қанот.  
Соқин туннинг бағрин шитоб-ла  
Ериб ўтсам жаладай, ҳайҳот.

Одамлари арилардай гуж,  
Шаҳарларнинг устидан учсам.  
Келсам денгиз елларига дуч,  
Қучоқ очиб уфқни қучсам.


Дунё кучиб бўлмас, на англаб  
Пайдо бўлди ғалати жунбуш.  
Иссиқ юртлар ҳақида — матлаб  
Бир хаёлким ёқимли, сархуш.

Океаннинг мовий фазоси,  
Чакалакзор — қуёшли воҳа.  
Мафтун қилди уларнинг сози —  
Юрагимни этди истило.

Сусайтирди мавжуд шитобни,  
Бир кун етиб келганда ёшлик.  
Орауларим ҳодисаларнинг  
Суронига келгач тикма-тик.

Интилмадик ёлғиз ул томон  
Мадад берди бизга Россия.  
Куч тўплаган нав-ниҳол, ўрмон,  
Ўсаверди ҳақиқат дея.

Атрофдаги ҳар не ўзгарди,  
Ўтли куйга айланди шаҳар.  
Ортга қайрилмади болалик,  
Ииллар ўтиб гамнок, оч-наҳор.



Яшаганлар йиллар абадий  
Довулардай инди юракка.  
Мен қанотли бўлдим бургутдай  
Болаликнинг изи бор бунда.

Ва бир умр бўлиб миннатдор  
Унга раҳмат айтаман ҳар зум.  
Афсонавий йил учун ўшал,  
Россияга қиламан таъзим.



\* \* \*

Ииллар ўтар, бу ҳақда ҳеч қайгурмайман,  
Асрагайман мен бахтиёр ҳамда пинҳон —  
Туйғуларим қаъридан сўз қидиргайман,  
Ҳам жарангдор, ўзим каби синчков, шодон.

Қонадилар эзгуликка тўлиб турган  
Кечирмоққа доим тайёр соф меҳримга.  
Қайтармоқнинг иложи йўқ тўсган билан —  
Хотиралар учиб-учиб етар — йилга.

Мен осмондан, юлдузлардан, булутлардан  
Урганаман яшамоқнинг соддалигин.  
Бўлсалар-да асрлардай йироқ биздан  
Юракларга ҳамоҳангдир улар, лекин.

Покланишни қўшиқ каби ҳис қиламан —  
Изтиробни туярганман ёнғил, гоҳо  
Уялмайман тақдиримдан, кўзларимдан  
Нафисгина сиркираган ёпдан ҳатто.

О, Ватаним, ҳаёт йўлим ёритдинг сен  
Ижодимни, дўстлигимни, фикрим ҳар он.  
Мен-чи, сохта ҳам ёлғонсиз ўтсам дейман,  
Юз бурмаслик учун мендан ҳеч бир инсон.

\* \* \*

Атом асрин аёлларин — болалари,  
Театри, китоби бор, иши тайин.  
Кўз ўнгида кечган ўтмиш, юз йиллари  
Бир куларким, унутмоқлик жуда қийин.

Атом асрин аёлларин — ўсмирлиги  
Ғалаёнда, ғамли куну тунда ўтган.  
Ҳар қандайин қийинчилик елкасида,  
Эътиқоди кучли бўлган оловлардан.

Бизнинг аср юксак турар юлдузлардан  
Аёллардан етиштирди мард изкувар.  
Бул-да ғўзал олам муқим туриши-чун,  
Бизга керак тинчлик қуши — кабутарлар.

Яшнар экан бунда барглар соқин, омон,  
Аёлларда мавжуд битта орзу, истақ.  
Тинчлик бўлсин, ҳам йўқолсин уруш тамом,  
Инсонийлик ҳақиқати турсин юксак.

\* \* \*

Ленин проспектидан октябрнинг бошида  
борарканман жим, аста.  
Тингласам-да турфа хил қушларнинг мусиқасин,  
сенсиз юрагим хаста.

Бу ерларда сен билан олганмиз инқилобнинг  
мусаффо нафасидан.  
Юрганмиз бу йўлларда чоригимизни судраб  
шу кунлар ҳавасида.

Бизда ҳар неки мавжуд, ҳаёт эса базмдай  
кўринарди бизларга.  
Муррак қалблар ёнарди, биз атрофга боқардик,  
босиб ўтган изларга.

Ҳали кўп сирлар мавҳум, бунда баррикадалар  
руҳи хукмрон эди.  
Бу сирли мавҳумликлар бизларни жуда жиддий  
ўйлашга қақирарди.

Бизлар кутиб олардик, тонгги субҳи сабони,  
ернинг бугини масрур.  
Турналардай бечора, бўлаолмабмиз айёр,  
кута олмабмиз мағрур.

Ҳатто тушимизда ҳам ишонч билан ўйладик,  
умид — бизга андоза.  
Қўрқмадик биз ҳеч кимдан самимий бўлмоқликка  
биринчи қордек тоза.

Ўзгаришларни кутдик, эҳтиросли қувонч-ла  
ҳамда ҳаяжон билан.  
Қаригунча осуда ўтган йилларимизнинг  
ўрнин талаб қилмасдан.

...Ленин проспектидан октябрнинг бошида  
Вормоқдаман жим, аста.

1987 йил.  
Тошкент

Комил ЖУМАЕВ таржималари



**А**СЛ ижодкорлар ўз даврининг солномачиларидир. Улар қайси жамиятда яшамасинлар, бари бир жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларга ўз муносабатларини билдирадидлар. Зеро, қалам аҳли жамиятнинг илғор, ижтимоий онгининг яхлит шаклланишига камарбаста кишилардир. Демократик адабиётининг илғор вакилларида бири, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган Завқий шеърларида ҳам бу ҳолни яққол кўрамади. Завқийнинг ўтли, қиличдек кескир сатрларида замоннинг бедодлиги, одамларнинг норасолигию тартибларнинг ноўринлигидан шикоят қилинади. Шоир шеърларида турмуш, ижтимоий тузум ва қонун-қондаларнинг моҳияти ҳақидаги сиёсий қарашлар, орзу-истаклар акс эттирилади. Айниқса, унинг «Замона кимники?», «Дар мазаммати замона», «Бўл», «Мунча кўп» каби шеърларида ҳар нарса бойлик билан ўлчанадиган жамиятнинг асосларини усталик билан очиб ташлади, «қайга борса бағри қон», «бағри қабоб» бечора халқнинг аянчи қисматига ачинади.

Шоир халқ вакили экан, демек, унинг ҳар бир оташин сўзи ҳокимият вакилларига қарши афқор омманинг бўғиздан отилиб чиққан нафрат янглиғ жаранглайди, одамларни эрка, хурриятга етаклайди, турғунликдан исёнкорликка даъват этади...

1905 йилдан кейинги давр ўзбек буржуа ҳаракати — жадилизм адабиёти тугилаётган бир давр эди. Завқий илғор демократик йўлда изчил туриб, жадид адабиётига, унинг намояндаларига қарши асарлар битди. Ашаддий реакционер «Шўройи исломчилар» ношири бўлмиш «Ал-ислоҳ» журнаlining 1916 йилги сонларида Фуқрат ва Муқимийга ҳужум қилинади ва улар жамият ахлоқини бузишда айбланади, турли ифлос сўзлар билан бадном қилишга уринилади. Бунга жавобан Завқий ҳам «Ал-ислоҳ»да бошланган мунозараларга қатнашади ва бу демократ шоирларни ноҳақ ҳужумлардан ҳимоя қилади. Реакционерлар Завқийга ҳужум бошлайдилар, уни «Шўройи саҳфо» («жинни шоирлардан») деб ҳисоблайдилар ва матбуот саҳифасида ўз мақолалари билан чиқишдан маҳрум этадилар.

Улкада ички ва ташқи зиддиятларнинг авж олгани сайин Завқийнинг қалами ҳам чархланиб бораверади. Унинг сатрлари энди инқилобий тус ола бошлайди. Бу ҳусусда унинг хоризмининг уруш сиёсатига қарши, келгусидаги овоз, фаровон халқ ҳаётига зўр ишонч руҳи билан сўғорилган «Замона», «Ажаб эрмас» каби машҳур шеърлари ва 1916 йилги Қўқондаги халқ қўғолонига оид «Қаҳатчилик» достонини тилга олиб ўтиш жоиздир.

Шоир хон ва беклар даврини қоралаш, Туркистоннинг Россияга қўшиб олинишига хайрихоҳлик билдириш, халқ ҳаётида вужудга келган янгиликларни илқ қаршилаш, мустамлака давридаги халқ турмушининг аянчи манзараларини тасвирлаш билан чекланиб қолмайди. У келажакка ишонди, ҳали нурли кунлар келишини орзу қилди. Тўғри, у дастлаб 1917 йилги Февраль буржуа революциясининг моҳиятини дарров тушуниб етмади, унга яхши умид боғлаб адашди. Аммо бу кайфият шоирда узоқ давом этмади. Оммада ҳоким синфларга нисбатан қаҳр-ғазабнинг ўсиб бориши Завқийнинг неқбин руҳда ижод этишига туртки берди.

Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг шоир ўз ижодида революция душманларига бутунлай қарши чиқди. Туркистонда Совет ҳокимиятининг мустахкамланиши учун фаол кураш олиб борди. Завқий сиёсий фаолиятининг мазмуни ва моҳияти 1917 йил охирида майдонга келган миллий буржуа ҳукумати — «Қўқон мухторияти»га бўлган муносабатда очик кўриниб туради. Маълумки, «Қўқон мухторияти»да Эргаш қўрбоши муҳим ҳарбий лавозимни эгаллар эди. Унинг кирдикорларидан яхши хабардор бўлган

# ШОИР ЗАВҚИЙ ҲАҚИДА

шоир 1918 йил бошларида «Раҳзан Эргаш» («Йўлтўсар Эргаш») сарлаҳали сатирик шеърини ёзиб, Эргашнинг қароқчи эканлигини фош этади ва уни ҳукумат тепасига ўтказиб қўйган «мухториятчилар»ни танқид қилади.

Қўқонда ҳокимият Советлар қўлига ўтгач, 1918 йил 20 февралда Эргаш ўз каллақесарлари билан Совет ҳокимиятига таслим бўлишдан бош тортиб, эски шаҳарнинг жуда кўп жойларига, қишлоққа ўт қўйиб қочиб кетади. Босмачиларга қарши кураш, янги ҳокимият учун жонфидолик Завқийнинг сатрларига ҳам, қундалик турмушига ҳам сингиб кетади. Завқий Қўқон Советининг топшириғига мувофиқ, бир муддат пойабзал растасининг оқсоқоли бўлиб ишлади. 1919—1920 йилларда очликка қарши кураш комиссиясининг ишларида фаол қатнашди. Ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, Эргаш қўрбошига қарши курашиб, у билан музокаралар олиб боровчи ҳукумат комиссияси составида иштирок ҳам қилади. Душманлар Завқийнинг бу амалий фаолияти ва ўткир ҳажвиётига дош беролмай, ундан ўч олмоққа киришадилар. Оқибатда Завқий Хўжанд, Самарқанд, Бухоро томонларда юради. Лекин шоир яна Қўқонга қайтиб келиб, ўз фаолиятини давом эттиради. Унинг «Фарғона» шеърини аксиниқилибчи «мухторият»чилар, «Шўройи исломчилар» ва босмачиларнинг ифлос башаралари, ваҳшиёна ҳаракатлари тўла фош этилади.

Завқий ўз тушунчасига кўра «большевиклар мададга келган Фарғонага» бахт-толе ёр бўлишига муқаррар ишонади. Завқий бу мураккаб даврда фақатгина шеърлар битиб қолмасдан, омма орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам олиб боради.

Эргаш томонидан Қўқон бозориди

раста-дўқонларга, маҳаллаларга ўт қўйиб кетилганидан сўнг шаҳар ҳукумати пойабзал бозорини Ҳоким оғим мадрасасига кўчириш ҳақида буйруқ беради. Бу буйруқни бажариш Завқийга топширилади. Мадрасада «Шўройи ислом»чи уламолардан бири Мўйдин маҳсум деган киши мудarrisлик қиларди. У мадрасага бозорнинг киритилишига тўсқинлик қилади. Шоир бу эътирозга қарамасдан, бозорни у ерга жойлаштиради. Бундан ғазабланган Мўйдин маҳсум ундан ўч олиш пайига тушади.

1920 йилнинг июль-август ойларида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнаткаш омманинг қонини бекорга тўқмаслик мақсадида Фарғонанинг бир қанча шаҳарларида босмачиларни сулҳга ташвиқ қилувчи комиссиялар тузилади. Қўқондаги комиссия таркибиде Завқий ҳам бор эди. Афуски, бу музокаралардан натижа кўнглидагидек чиқмайди. Босмачилар Завқийдан ўч олмоққа киришадилар ва 1921 йилда шоирни Қаримбобо қишлоғида қўлга туширадилар ва зиндонга ташлайдилар. Ваҳшийлар 68 ёшли кекса шоирни роса қийнайдилар. Завқийнинг ёру дўстлари катта пул эвазига уни озод қиладилар. Шоир икки ой уйда қимирламай ётади ва вафот этади.

Шоирнинг ўтли сатрлари оммани янги даврон йўлида баҳамжиҳат курашиш йўлига етаклаган эди. Шоир асарлари омма дарди-га малҳам бўлди, «Инқилоб рост йўлга етаклагай», деб хайкирганида юз бора ҳақ эди, ҳақлигини эса етмиш йилдирки, кўриб турибмиз...

Раҳима ЖҲРАБОВА,  
ҳуқуқшунослик фанлари кандидати



Хоразмда Биринчи Совет қурултойининг очилиши. Хева, 1920 йил.



«Бунча шомма кўз ёш билан, қайгули, Бунда ётган — графмас, чўчка мангу».

## Киви жумбоқлари

Нима учун киви қушининг тухуми бунчалик катта деган савол олимлар учун жумбоқ бўлиб келди. Кивининг катталиги табиий товуклар билан тенг бўлса-ю, тухуми уларникидан тўрт баробар катта бўлса! Қизиқ, битта тухумнинг оғирлиги мода киви вазинининг чорак қисмига тенг бўлиб, бир йилда икки-учта тухум қўяркан.

Бир неча биологлар буни эволюциянинг баъзи «хазил»ларига йўймоқдалар, яъни киви қушлари ўзларининг бўлажак болаларини ҳаётнинг барча қийинчиликларига тайёр ҳолда чиқаришади. Ҳақиқатан ҳам киви тухумининг 61 проценти саригидан иборат бўлиб, бирорта қуш ўз боласи учун бунчалик жон куйдирмас экан. Киви жўжаси тухумини ёриб чиққанда патлари чиққан, бунинг устига қорни тўқ бўлади! Уч суткадан зиёроқ у онасидан бирор ейимлик талаб қилмайди, ўзидаги тухумнинг саригини ҳазм қилади. Бешинчи куни ёки куни билан тўққиз кун деганда пўстлоқдан ташқарига чиқиб, ўз қорнини тўйгазиш ҳаракатига тушади.

Ҳозирги пайтда яна бошқа мулоҳаза ҳам тутилган: киви ҳам туяқушининг барча турлари сингари аввалда улкан қуш бўлган эмиш, вақт ўтган сайин у ҳам, тухуми ҳам кичрайиб борган, лекин танасига нисбатан тухумининг ҳажми анча суст кичрайган, деган мулоҳаза ўртага ташланмоқда.

## ДЕЛЬФИНЛАР ОВИ

Америкалик балиқчилар Атлантика океани соҳилларида дельфинларнинг гаройиб овини кўпдан кузатиб келадилар. Ов тўлқиннинг соҳилга қайтиш маҳалида содир бўлади. Уч-тўрт дельфин биргаликда балиқларнинг бир галасини олдиларига солиб, соҳил томон ҳайдашади. Балиқлар тўлқиннинг зарбидан қирғоққа урилади. Тўлқин қайтгач эса дельфинлар соҳилга судралиб чиқишади-да, ёнбошларига ағдарилаганча тайёр тушликни пок-покиза туширадилар. Шуниси қизиқки, овқат ланаётганларида албатта уларнинг думи сувда турар экан. Негаки,

зарур бўлганда бу орқага — сувга сакраши учун қулай-да.

## Нурлантириш ёрдамида

Бермуд оролида яшовчи Тедди Такер — балиқ овининг ашаддий ишқибозларидан. Шуниси борки, у ҳар хил майда балиқларни эмас, кучли ва ўта хавфли найзабалиқларни тутишни хуш кўради. Балиқчи олатда овининг бароридан келиши учун кучли ва эгчилгина эмас, балки амалий тажрибага ҳам эга бўлиши керак: найзабалиқ унчамунчага қармоққа илинаверадиганлар хилидан эмас. Ана шу пайтда балиқчиларга люминесцент (газ, суяқлик ёки қаттиқ жисмининг совуқ ҳолда нур сочиши) бўёғи қўй келаркан. Тедди Такер мана шу суяқлик солинган пробиркаларни сувнинг чуқур қатламига туширади. Натижада ҳар қандай сув ости жонивори ҳам бу мўъжизани четлаб ўтолмас экан, оқибати ҳаммага маълум, улар қармоққа ёки тўрға илғидилар.



## Тилларанг маймунлар

Тилларанг маймунлар бошқаларига қараганда бирмунча йирикроқ бўлишади: эркакларининг бўйи бир метргача, ургочларни улардан сал кичикроқ, оғирлиги тахминан 20 килограммлар атрофида бўлади. Улар асосан Хитойнинг марказий районларидаги ўрмонларда учрайди. Ёз пайтлари бу тур маймунлар гала-гала бўлиб яшашади, галанинг сони ўртача 300 ва ундан ортиқроқ бўлиши мумкин. Қиш кунлари эса улар бирқанча майда гуруҳларга бўлинишади. Маймунларнинг мағрурлиги ва мусибатлари — товланувчи тилларанг терилари қадимдан юқори баҳоламини дидир. Улардан иссиқ кийимлар тайёрланиб келинган. Уларни овлаш минг йиллардан бери давом этиб келмоқда. Эндиликда тилларанг маймунлар сони камайиб кетганини учун давлат муҳофазасига олинб, қўриқхоналарда сақланмоқда. Олимларнинг аниқлашларича, уларнинг сони ҳозирги кунда тўрт мингдан етти минггачадир. Уларнинг фақат ўз ҳолларича кўпайиши, ҳайвонот боғларда урчимасликлари ҳам қайд этилган.

## АНТИҚА ҲАЙКАЛ ТАРИХИ

Асрлар давомида экологик ҳайвонлар ёдгорликлари ўрнатилганлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди. Мисол учун, медицинага хизмат қилган итларга ўрнатилган ёдгорликлар мавжуд, почтачи қабутарларга... Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб давом эттириш мумкин. Лекин шуниси борки, уларнинг аксарияти уй ҳайвонларига ўрнатилгандир. Аммо XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшган англиялик графиня Маунт-Эккамб бу борада ўта олижаноблик кўрсатди.

Плимутдан чиқаверишдаги бўм-бўш баланд тепаликда ҳозиргача сақланиб қолган графинянинг содик дугонаси — Куиндон (ажабланманг, чўчканинг исми)га ўрнатилган ўн метрлик ёдгорликни кўриш мумкин. Бу чўчка боласи графинянинг шаҳар чеккасидаги алоҳида бўдмасида яшар, хонимнинг барча сайру сەҳнатларида ҳамроҳ бўлар эди. Хатто Куиндонни графиня бирмунча мудатта Лондонга қилган визити пайтида ҳам ёлғиз ташлаб кетмаган, пойтахтга ҳам бирга олиб борган. Куиндоннинг ўлимидан кейин олтин тобутта жойлаб кўмган. Қизиги шундаки, графинянинг пири чўчқани шундай ҳолича кўмишга қаршиллик кўрсатган, аллақандай жониворнинг хотирасини ўн метрлик тошгина абадий сақлайди, дея маслаҳат берган. Шоир Жон Уолкот эса Куиндоннинг ўлимига шундай марсия ёзган:



КЕЧА



«Фабриканинг йўлида бахтимни топиб олдим».

А. Жданов фотоэтюди



Бозор тўқилиги — халқ фаровонлиги.

М. Пенсон фотолари





Бахтли болалик.

В. Никерин фотоси



Дастурхон кўрки.  
А. Жданов фотосюди



Чархпалакда учиш қандай завқли!


М. Пенсон фотоси



Марс сайёраси.

Зухал сайёраси.

В. Мосия фоторепродукцияси





Зомин районидаги «Сайқал» чой-хонаси уруш ва меҳнат ветеранлари, нуруний отахонлар ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳга айланган.

В. Алексеев фотоси



ЎзССР ФА Археология институти илмий ходими Шокиржон Пидаев Эски Термиз қалъасидан топилган қадимий буюмларни кўздан кечирмоқда.


А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ)

Навбатчи elektrik Конибек Суйимбоев билан машинист Дамир Хидирбоев. Кимё-бактериология лабораториясида ҳар қатра сув назорат остида бўлади. Сурагда: (чапда) катта инженер-химик Татьяна Федорова билан лаборант Ножиya Меметова иш устида.



# БУГУН



Тошкент сув иншоотининг насос станцияси.



Қодиря сув ҳавзасининг бош тинитиш иншооти.

В. Мосин фотолари

Фильтрлаш цехида.



Сардоба.




Қудук.



Мешқобчи.





# МАННОН УЙҒУР

М. РАХМОНОВ,

ЎзССР ФА мухбир аъзоси

**Б**УЮК санъаткорлар аксарият ижтимоий ҳаётнинг кўтарилиш даврида туғилдилар, уларга даврнинг ўзи, унинг ижтимоий муаммолари катта материал, янги маъзу беради. Ижтимоий-синфий тўқнашувлар, конфликтлар санъаткорлар ижодининг мазмуни бўлиб қолади, уларни халқ курашини, орауларини ифодаловчи буюк санъаткорларга айлантиради, улардаги истеъдод кўламини бойитади. Бу фикр Уйғур (Маннон Мажидов) шахсига, унинг ижодий фаолиятига ҳам айнан монанддир.

Маннон Уйғур — ҳақиқатан ўзбек маданиятининг йирик номиядаси, Ҳамза Ҳакимзода Ниязий билан бир сафда туриб ўзбек

совет театр санъатига асос солган, унинг шаклланишига ва тараққиётига бекиёс катта ҳисса қўшган, ўзбек актёрлик ва режиссёрлик санъатининг тамал тошини қўйган, ижод кўлами бениҳоя кенг ва сермазмун санъаткор эди.

Уйғур ижоди, унинг беназир анъаналари ҳали чуқур ўрганилмаган. Ахир, у қарийб 40 йил давомида ўзи ташкил қилган ҳозирги Ҳамза номли Академик театрга раҳбарлик қилди, 150 га яқин пьесани саҳналаштирди, саҳна асарлари ёвди, саҳна усталарининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирди, театрни дунёнинг илғор театрлари қаторига олиб чиқди. Хўш, бунинг сирини нимада? У қандай истеъдодга, қандай сеҳрли кучга, қандай мўъжизакор қудратга эга эди? Унинг бой фантазиясининг негизи нимада?

Нега унинг номи, унинг санъати ХХ аср бошидан буён театр жамоатчилигининг оғзидан тушмайди? Булар ҳали тўла-тўқис очиб берилгани йўқ.

Бу санъаткор ўз ҳаёти ҳақида бирон нарса қолдирмаган. У ўзи ҳақида, ҳаётининг аччиқ-чучук дамлари ҳақида, ижоди тўғрисида сўзлашни ёқтирмади. У ўта камтарин, оғир, камсухан эди. Унинг қалбидаги ўт-аланга, ижодий жўшқинлик ботиний характерда эди. У ҳар вақт нималарнидир ўйлаётган, хаёлга чўмган ҳолда кўринарди, мусоҳабалар пайтида суҳбатдошига ён беришга уринарди. Берган жавоби ҳам кўпроқ «ўзинг топиб ол» маъносига бўларди. Унинг ўз қўли билан тўлдирилган анкета ва таржимаи ҳоли ҳам жуда қисқа, расмий ёзилган бўлиб, кўп ҳаётий лавҳалар айтилмай қолган.

Кейинчалик у билан ёшлиқдан бирга ўсган дўстлари, сафдошлари эса, Уйғурнинг мадрасада ўқиб юрган чоғларидаёқ Тошкентга гастролга келган рус, татар, озарбойжон театрлари томошаларига қатнаб юргани, 1916 йилдан бошлаб эса Абдулла Авлонийнинг «Турон» труппасида хуфия равишда кичик-кичик ролларда чиқиб тургани ҳақида ҳикоя қиладилар.

Борган сари ёш Уйғурнинг театрга қизиқиши унинг қалби, руҳий оламига ҳукмронлик қила бошлайди. Бу оруз оғушида у ўзида катта куч ҳис этади, ҳеч қандай тазийк ва оилавий монийликлардан ҳайқмай, ёшча ақидаларга қарши чиқади, мадрасани тарк этади, оила кучоғидан ҳам бадарга қилинади. Шу-шу, бутун онгли ҳаётини саҳна санъати билан боғлайди. Инқилоб арафаларида уйғониб келаётган халқ товушини эшитади, унинг озодлик учун кураши руҳи билан яшайди. Мана шу зўр инқилобий муҳит Уйғурнинг ташкил этажак театри учун бой материал бўлади. Қисқаси, Уйғурнинг янги театр яратиш йўлидаги орузси Октябр инқилоби туфайли амалга ошади, инқилобий ўзгаришлар унинг ижодига катта куч бахш этади.

Нигоҳимизни театр музейидаги экспонатларга қаратамиз. Унда Уйғурнинг бутун ижодий фаолияти, ҳайратомуз жўшқин кечган ҳаёти ўз аксини топган. Тарихий лавҳалар... суратлар... Сарғайиб кетган афиша ва низономаларда Уйғурнинг йирик ҳарфлар билан ёзилган муборак номига кўзингиз тушади, хаёлингиз узоқ тарихий йилларга саёҳат қилади. 1918, 1919, 1920 йиллар... «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Ҳалима», «Фаргона фожиалари»... Ўзбек театри эндигина майдонга келаётган даврда — ижтимоий ҳаётнинг ўша энг мураккаб йилларида томошабин руҳига кучли таъсир этган бу спектаклларнинг моҳиятини бир хотирингиздан ўтказинг!

Маннон Уйғур 1918 йили ўзи ташкил этган Карл Маркс номидаги труппанинг Ҳамзанинг революцион гоаяларни тарғиб қилувчи «Улка сайёр труппаси» нидан боришини ва унинг репертуарига эргашишини бирдан-бир тўғри йўл деб тушунарди. Бу ерда ҳар икки санъаткорнинг гоаявий-

эстетик маслаклари бир жойдан чиққанди.

1919 йилнинг 22 июнида Карл Маркс номидаги труппа саҳнасида ўйналган, катта шов-шувга сабаб бўлган «Бой ила хизматчи» спектаклида Уйғур янгича талқин қўллади. Бунда у асарнинг ижтимоий мазмуни янада чуқурлаштиришга интилди, спектаклда жирканч феодал ҳаётнинг ҳақиқий башарасини, Солиҳбойлар дунёсининг, дин пешволарининг, подшо амалдорларининг зулму адолатсизлик ва ҳайвоний ҳирсларини кескин фош қилишни мақсад қилиб олди ва бунга эришди ҳам. Ҳали ўйнаган Гофир образида эса синфий кураш чизигини ўта кучайтирди, асрлар бўйи эзилб келган меҳнаткашни ҳимоя қилди, уларни эксплуататор синфларга қарши кескин курашга чақирди. Бу — эски дунё адолатсизликларига қарши Уйғурнинг ҳам баланд овози эди.

«Бой ила хизматчи» спектакли, Гофир образининг бундай талқини инқилобий кўтарилиш давларида томошабини инқилобий кураш руҳида тарбиялашда ижобий роль ўйнагани шубҳасиз. Труппанинг шу асар билан 1919 йилда Оренбург ва Оқтепа фронтларида минглаб қизил аскарларни жангга олтантиришда канчалар муҳим аҳамият қабл этганини яққол тасаввур этиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу спектакль ва Уйғурнинг Гофир образи ўша йиллари матбуотда юксак баҳоланганди («Иштиркион» газетаси, 1920 йил, 16 январь).

Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», Гулом Зафарийнинг «Ҳалима» спектаклларида режиссёр асрлар бўйи тўрт девор орасида тутқунликда яшаган ўзбек аёлларининг мушкул аҳволини, уларнинг эрк учун интилишларини шу қадар таъсирли ифодалаб берган эдики, Махсума Қориева яратган Марьям ва Ҳалима образларининг юрагидан отилиб чиққан ҳар бир нидо ўзбек аёллари қалбига эрк учун кураш туғғини жўш урдириб юборганди.

Гражданлар уруши йилларида Маннон Уйғур ўз истеъдоди ва санъатини акселинқилобий кучларни фош қилишга қаратди. Инқилобий оҳанг, эски дунё иллатларини фош этиш, революцияни ва кириб келаётган янги ҳаётни улуглаш бу санъаткорнинг ўзи ёвди, ўзи саҳналаштирган «Туркистон табиби», «Фанций уй», «Ун икки соатлик ҳокимият» каби пьесаларида ҳам ўз аксини топди. «Туркистон табиби»да халқни алдаб келган фирибгар табиблар ҳажв остига олиниб, табибиёт илми устуни қўйилади. «Ун икки соатлик ҳокимият»да сотқин Осиповнинг 1919 йилдаги контрреволюцион ҳаракати фош этилади.

1920—1924 йилларда Маннон Уйғур Карл Маркс номи труппа замирида биринчи ўзбек давлат труппасини ташкил қи-



лишда база родини ўйнади. Бу йилларда Чўлпоннинг «Еркиной», Фитратнинг «Хинд ихтилолчилари», «Чин севиш», Озарбойжон драматургларидан Хусайн Жовиднинг «Иблис», «Шайх Санъон» каби қатор йирик асарларини сахналаштирди. «Еркиной»да халқ исбанини бостиришда зolim хонлар қўллаган зулмини кўрсатишга, Пўлат ва Еркиной каби халқ қахрамонларини романтик руҳда тасвирлаган алоҳида ургу берди. «Хинд ихтилолчилари», «Чин севиш»да муаллиф гоёсида келиб чиқиб, инглиз мустамлакачиларининг манфур қилмишларини кескин фош этди, хинд халқининг мустамлакачиларга қарши курашини тасвирлаб берди. Чуқур фалсафий мавзуда ёзилган «Иблис»да биринчи жаҳон урушининг халқ бошига келтирган оғир жафолари тасвирланди, империализм, уруш ўтини ёқувчлар фош қилинди. «Шайх Санъон» спектаклида дин ақидаларидан эркин муҳаббатнинг устуни эканлиги таъкидланди. Бу спектакллар ўзининг бадиий юксаклиги билан Маннон Уйғурга шухрат келтирди, шунингдек, театрнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим роль ўйнади.

Шулардан маълумки, Маннон Уйғур ўзининг дастлабки ижодий эстетик ва гоёвий қарашлари ҳамда актёрлик фаолияти билан ўзбек совет театрининг йўналишини тўғри белгилаб берди.

Еш истеъдодлар билан ишлаш, уларни қидириб топиш ва уларга профессионал таълим бериш Уйғур ижодий фаолиятининг муҳим томонларидан эди. У театрининг келажак тараққиётини маънавий сахна кучларига боғлиқ деб қарарди. Унинг ташаббуси ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамда ўша даврдаги РСФСР Маориф халқ комиссари А. В. Луначарский ёрдамида 1924 йили Москвада биринчи ўзбек драма студияси Маннон Уйғур бошчилигида Аброр Ҳидоятлов, Я. Бобожонов, Х. Сиддик, Ф. Умаров, С. Эшон-тўраева, Т. Сайдаимова, З. Ҳидоятлова, Т. Султонова, Ш. Қаюмов, Л. Назруллаев, Х. Латипов, С. Табибуллаев каби 20 дан кўпроқ истеъдодли ёшлар Москвада таълим олдилар. Уйғур бу ерда рус санъаткорларидан кўп нарса ўрганди. Студияда уч йил таъсил кўрган даврида унинг санъати, режиссёрлик билими ўз миллий маданиятининг энг прогрессив томонларини, рус демократик санъатининг ютуқлари ва сирларини, И. С. Станиславский таълимотини ўзлаштириш йўлида юксалиб борди.

Уша йилларда Уйғурнинг студияга ўқувчилар танлашдаги лаёқатига қўйил қолиш мумкин. Чунки у танлаган ёшлар кейинчалик ўзбек театрининг атоқли устозлари бўлиб етишдилар.

Москвадалик пайтида Маннон Уйғур студия раҳбари сифатида актёрларни ўқитиш жараёнида

рус муаллимлари билан бир қаторда иш олиб боради. Шунингдек, рус устозлари томонидан сахналаштирилган Биль-Велоцарковскийнинг «Акс садо», К. Гоццининг «Маликаи Турандот», Н. В. Гоголнинг «Ревизор» каби ўқув спектакларида инкичи режиссёр бўлиб иш кўради. Институт архивида ўша даврда студияда дарс берган В. С. Канцел, Р. Н. Симонов, П. А. Свердлин эодаликларидан Уйғур истеъдодига, унинг режиссураси ва ташкилотчилик фаолиятига жуда юксак баҳо берилган ёзувлар сақланиб қолган.

Москвадаги студияни битириб келганларнинг кўпчилиги ҳозирги Ҳамза номи театрга асос бўлган санъат даргоҳининг етакчи актёрларидан бўлиб қолдилар. Маннон Уйғур шундан кейин ҳам театр учун ёш истеъдодларни қидириш ва тарбиялашни давом эттиради, театр составини Шукур Бурҳонов, О. Хўжаев, Н. Раҳимов, М. Еқубова, А. Турдиев, М. Ҳамидов, Ғ. Аъзамов каби ўнлаб ёшлар билан тўлдириб боради. Умрининг охирида эса, Тошкент Театр ва рассомлик институтида актёрлик ва режиссёрлик маҳоратидан дарс беради.

Игирманчи йилларнинг охири, ўттизинчи йиллар Маннон Уйғур ижодий маҳоратининг кўтарилиш йиллари бўлди. Бу даврда у сахналаштирган «Икки коммунист» (К. Яшин) драмаси катта муваффақият қозонди. Туркистонда граждандар уруши ҳақидаги бу асарда Совет ҳокимиёти тиклашда жонбозлик кўрсатган халқ қахрамонлари, коммунист образлари йирик бадиий планда тасвирлаб берилди. Бу спектаклнинг ҳақиқий социалистик реализм асари сифатида майдонга келгани матбуотда ҳам таъкидланди.

«Арслон» (Фитрат), «Муштум-зўр» (Чўлпон), «Эндирамиз» (Яшин), «Тарих тилга кирди» (З. Саид, Н. Сафаров), «Бургут янчили», «Никоб йиртилди», «Сотқинлар» (З. Фатхуллин) каби спектакллар ҳам Маннон Уйғур режиссурасига мансуб бўлиб, уларда республиканинг ўтмиши ва социализм қурилиши давридаги синфий курашлар жараёни ўз аксини топди, совет халқларининг социализм қурилишидаги аjoyиб фазилатлари намоён бўлди.

1935 йилга келиб Маннон Уйғур ҳақли равишда «Шекспир режиссёри» деган ном олди. Бунга «Ҳамлет» спектаклининг юксак муваффақияти асос бўлганди. Негаки, Шекспир асарларини сахналаштириш, унинг буюк санъатига қўл уриш учмаунча режиссёрнинг қўлидан келавермайди. Шекспир асарларининг гўлжои бўлган «Ҳамлет»ни сахналаштириш жуда катта ижодий куч, билим ва маҳорат талаб қиларди. Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида Уйғур «Ҳам-

лет» спектакли сахна вариантининг аjoyиб намунасини яратди. Бу спектакль ўзбек театрининг ва умуман ўзбек совет маданиятининг энг катта ютуғи деб баҳоланади. Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшон-тўраева сингари Уйғурнинг ўзи тарбиялаб вояга етказган шогирдлари санъатининг ҳам чуққисси эди бу асар!

Маннон Уйғурнинг Н. В. Ладигин билан ижодий ҳамкорликда 1941 йили сахналаштирган «Отелло» спектаклининг ва Отелло ролини ижро этган А. Ҳидоятловнинг шухрати мамлакатимиздагина эмас, хатто хорижий мамлакатларга ҳам ёйилди. 1946 йилда инглиз парламент аъзолари «Отелло» спектаклини томоша қилиб, театрининг фахрий дафтарига: «Биз ҳеч қачон, ҳеч қачонда, ҳатто Лондоннинг ўзида ҳам ўзбек театридан ўтказиб қўйилган «Отелло»ни кўрган эмасми!» деган қутлов сўзларини ёзишган эди.

Улғу Ватан уруши йилларида атоқли режиссёр ўзининг бутун ижодий истеъдодини халқ онгида фашизмга қарши нафрат уйғотишга, Ватанин ҳимоя қилишда совет кишиларига мадад бўлгувчи халқ қахрамонларини яратишга қаратди. Бу эзгу мақсад «Улим босқинчиларга» (Яшин), «Муқанна» (Х. Олимжон) (С. М. Михоэльс билан бирга сахналаштирилган), «Жалолиддин» (М. Шайхзода) каби ниҳоятда кенг қўламли ишланган юксак бадиий спектаклларда ўз аксини топди.

«Алишер Навоий» (Уйғур, И. Султон) спектакли сахна шеъриятининг энг буюк намунаси бўлган эди. Уни сахналаштиришда Маннон Уйғур барча билимини, юрак қўрнини, вақту имкониятини аямасди. Устоз Навоийга бўлган ҳурмат ва муҳаббатини шу асарга сингирди. Аслида Уйғурнинг ўзи ҳам навоийшунос олим эди. Асарни сахналаштиришда муаллифлар билан узоқ изланишлар олиб борди, ҳар бир ижрочини Навоий яшаган давр муҳитига олиб кириш устида кунт билан ишлади.

«Навоий» драмаси устида иш бошлаган кунлардан бирида бир иш билан Уйғурни қидириб театрга бордим. Театрда йўқ экан, уни уйиндан топдим. Қалин кўрпача устида катта бир китобни мутулаа қилиб ўтирган экан. Китоб «Ҳамса»нинг XIX асрда Тошкентда кўчирилган нусхаси эди. У фақат пьеса устида эмас, XV асрнинг мураккаб ижтимоий муҳитини, Навоий характеридаги муҳим белгиларни ўз асарларидан қидираётганини айтиб, шундай деди: «Бу бошлаган ишмики жуда масъулятли. Ахир, бу буюк сиймонинг руҳини, асарларини 500 йилдан буён халқ ардоқлаб келади. Унинг асарлари халқнинг қалбига сингиб кетган. Биз Навоийга бўлган мана шу ихлосни сахнада бера оламизми, унинг ҳаққоний образини ярата оламизми? Мен учун ҳам, актёр-

лар учун ҳам бу бениҳоя мураккаб ижодий масала».

Узоқ изланиш ва оғир меҳнат натижасида Аброр Ҳидоятлов, сўнгра Олим Хўжаев Навоий образини худди Маннон Уйғур талаб қилганидек бутун буюклиги билан яратиб бердилар. Томошабин сахнада тирик Навоийни ҳис этарди. Спектаклнинг узоқ йиллар сахнадан тушиб кетмаганининг боиси ҳам шунда эди.

Маннон Уйғур фақатгина драматик театр режиссёригина эмасди. У 20-йиллардаёқ «Ҳалима» (Ғ. Зафарий), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» (Хуршид) каби музыкали асарларни сахналаштириб, музыкали режиссурага ҳам асос солган эди. 1953 йили Муқимий номи музыкали театрга қўйилган «Муқимий» музыкали драмаси (С. Абдулла, Т. Жалилов)нинг сахнавий муаллифи ҳам ана шу санъаткор эди.

Маннон Уйғур, санъатнинг бош мезони — сифат, деб уқтирарди. Шунинг учун ҳам спектакль ва актёр ўйинида юксак «академизм» учун курашарди. У ҳар бир истеъдодга зўр ишонч ва ҳурмат билан қаради, уларнинг гамхўри ва отахони эди. У театрда ижодий интизом, маънавий ахлоқнинг поклиги учун қаттиққўллик билан иш тутарди.

Драматурглар билан ижодий ҳамкорликни театр, режиссёр ва актёрларнинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисобларди. У драматургларга театр эшигини кенг очиб қўйишни, улар билан эринмай ишлаш зарурлигини уқтирарди. Ўзи эса драматурглар олдида жуда катта оёрбўта ва ишончга эга эди. Чўлпон, Фитрат, Яшин, З. Фатхуллин, Н. Сафаров, Уйғур, И. Султон, Х. Олимжон, М. Шайхзода каби драматургларимизнинг ижодий ютуқлари Маннон Уйғур билан ижодий ҳамкорликларининг самараси бўлган, деб бемалол айтиш мумкин.

Афсуски, йиллар ўтган сари академик театримизда мана шу анъаналар йўқолиб бормоқда. Маннон Уйғурнинг ижодий фаолияти театр танқидчилиги билан чамбарчас боғлиқ эди. Зеро, у танқидий мулоҳазаларни диққат билан тингларди. Уйғур: «Театр принципиал ва дўстона танқидсиз яшай олмайди», дегар эди. Бу анъанани ҳозирги кунда танқидни кўтара олмайётган, унга ҳам эътибор бераётган ёш режиссёрлар ўзлари учун дастуриламал қилиб олсалар арзийди.

Хуллас, Маннон Уйғур ижоди катта тарихга, бой бадиий анъаналарга эга. Уни чуқур ўрганиш келажакда ёш санъаткорлар учун муҳим мактаб хизматини ўтади. Негаки, театрларимизда шу кунларда ҳам Уйғурдек санъаткорлар сиймоси, унинг буюк санъати етишмаётганини ҳар қадамда сезмокдамиз... Уйғурнинг Ҳамза номи Академик театридаги жойи ҳамон бўш турибди.

# Бобур

Нуриддин МУХИТДИНОВ

(Давоми, боши журналимининг 10-сониди)

Э НДИ Ҳиндистонда Бобурийлар давлати тарихи хусусида. Бу қадимий кўпмиллионли мамлакатнинг воқеаларга бой минглаб йиллик тарихида ҳукм сурган давлат бошлиқлари орасида Акбар, Ашок ва Нерунинг номи алоҳида хурмат-эҳтиром билан тилга олинади. Шох Ашок бутун йилдан ҳам кўпроқ аввал Ҳиндистон музофотида ҳукмронлик қилди; Акбар бутун Ҳиндистонни бирлаштирган ва маърифатли қилган шахс сифатида тарихга кирди; Жаҳоҳарлал Неру эса, янги, мустақил Ҳиндистон республикасининг биринчи бош вазири бўлди.

Биз мавзу бўйича Акбар шахсиятига тўхталиб ўтамиз. Маълумки, Бобурийлар шажарасининг олти авлоди Ҳиндистон давлатига 189 йил давомида: Бобур — 1526 йилдан 1530 йилгача, Ҳумоюн — 1530 йилдан 1556 йилгача, Акбар — 1556 йилдан 1605 йилгача, Жаҳонгир — 1605 йилдан 1627 йилгача, Шохжаҳон — 1627 йилдан 1658 йилгача, Аврангзеб — 1658 йилдан 1707 йилгача ҳукмронлик қилдилар. (Гарчи шундан кейин 1858 йилда вафот қилган Баҳодиршоҳ II гача Буюк Мўғуллар шажарасининг вакиллари номигагина шох ҳисобланиб келган бўлсалар-да, ҳокимият амалда британ мустамлакачилари маъмурияти қўлида эди.) Ана шу олти авлод вакиллари орасида Акбар энг машҳури бўлган.

Шайх Абул Фазлнинг «Акбарнома» номли илмий асарига, бошқа юзлаб китобларда, очеркларда, дарсликларда Акбарнинг ҳаёти ва фаолияти зўр муҳаббат билан тасвирланади; Ҳиндистонда кўпгина аҳоли турар-жойлари, кўчалар, меҳмонхоналар, ошхоналар, ўқув юрталари Акбарнинг номи билан аталади; унинг ҳар хил катталикдаги расмларини давлат идораларида, олимларнинг илмий ишхоналарида, чангалзорларда яшовчи аҳолининг кулбаларида, ҳатто мисқолланган чой қутиларида учратиш мумкин; унинг тасвири туширилган кўпна тангалар, нақшолик буюмлари ва кўкрак нишонлари — сайёҳлар, студентлар ва мактаб ўқувчилари учун арзирли совға ҳисобланади. Акбар замонида қурилган саройлар, маҷитлар, макбаралар ва бошқа иморатлар туристлар, чет эллик меҳмонлар борадиган жойлар программасига киратилади, ҳиндларнинг ўзлари томонидан муттасил зиёрат қилинади.

Буларнинг сабаби нимада? Аграда менга шундай афсонани айтиб бердилар: эмишки, Бобур ўлими олдида ўғли Ҳумоюнни ва невараси Акбарни ҳузурига чақиртирибди. Уларнинг олдига қилич билан қалам қўйибди-да: «Давлатни қилич ёки қалам ёрдамида бошқариш мумкин. Мен эрта-индин бу дунёдан кўз юмаман, давлатни бошқариш сизларга қолади. Ким нима билан ҳукмронлик

қилмоқчи бўлса, қозир танласин», дебди. Шунда Ҳумоюн қиличга, Акбар эса, қаламга қўл қўйибди... Аслида бу гап — афсона. Чунки Бобур Акбарни кўрмаган (Бобур 1530 йили вафот этган, Акбар 1542 йили туғилган). Аммо халқ бу афсонага чуқур мазмун — Акбарга нисбатан меҳр-муҳаббатини сингирган. Зеро, қалам — фан, маориф, адабиёт, санъат, маданият тараққиёти — бутун мамлакатни юксалтириш рамзидир.

Маълумки, Бобур билан Ҳумоюннинг барча хотинлари мусулмонлардан эди. Акбарнинг эса учта хотинидан Султонотаги — мусулмон қизи, Жодова — ҳинд қизи, Мария — христиан қизи эди. У ана шу тариха Ҳиндистоннинг барча аҳолиси билан қонқардошлашиб кетди. У ҳаминча мусулмонлар, христианлар, ҳинд динидагилар, бутпарастлар, жайнистлар ва бошқа эътиқоддагиларга хурмат билан қарарди. Ҳинд олимларининг таъкидлашларича, Акбар бутун мамлакатни бирлаштиришни асосан сиёсий воситалар билан, тинчлик йўли билан амалга оширган, бошқа давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатган.

Акбарнинг туғилиши ва болалиги ҳам ҳайрон қоларли даражада ғаройибдир. Отаси Бобур ўлиmidан сўнг тахтни эгаллаган Ҳумоюн кеска муддатда подшоликни қўлдан бериб қўяди, ҳокимиятга Шерхон эга бўлади. Яна бир томондан Ҳумоюн ўз укалари — Бобурнинг ўғиллари Комрон, Ҳиндол, Аскарйиларни бирлаштиролмайди. Шу билан бирга у ўзининг ўғли — вориси йўқлигидан ҳам азият чекади.

Подшоликни қўлдан бериб қўйган, укаларидан ажралиб, ажалланди қолган Ҳумоюн тоғлару водийларда дарбадар юрди, кўп ҳолларда душманлардан қочиб қишлоқларга, қўрғонларга беркинади. Қунарлардан бир кун у подшо хонадонига яқин бўлган Мирбобо Дўстининг қизи Ҳамидабонуни кўриб қолади. Қиз гоёт гўзал ва яхши раққоса эди. Ҳумоюн унга кўнгили қўйиб, ўз ҳузурига таклиф қилади. Бироқ саркаш Ҳамида унинг таклифини рад этади, ўртада турган кишиларга: «Подшоҳларни фақат бир марта кўриш мумкин, иккинчи мартаба кўриш номаҳрамлик бўлади», деб жавоб беради.

Ҳумоюн Ҳамидабонуга уйланмоқчи бўлиб, қирқ кунгача совчи юборади. Бироқ қиз ўз сўзида туриб олади. Ҳумоюннинг онаси Дилдорбегимнинг ялиниб-ёлворишларига эса: «Мен қўлимни узатсам бўйинига етадиган кишига тегаман, қўлимни узатганимда этагига ҳам етмайдиган кишига тегмайман», деб жавоб беради. Шохнинг қўлдан-қўл панд-насиҳатлари ва севиғ-вафо боида қасам ичиб берган ваъдаларидан кейин, ниҳоят, Ҳамидабону розилик беради, тантанали тўй бўлиб ўтади... Ҳамидабону 1542 йилнинг 14 октябрида қумлик саҳрода ўғил туғади. Ҳумоюн бу ҳақда бир неча кундан сўнг эши-

тади ва ўз ўғлига Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ деб исм қўяди. Бола икки ёшга тўлган пайтда ўз қўшини билан бостириб келган Мирзо Аскарйи уни Ҳумоюннинг укаси ва ашаддий душмани Комронга бериб юборади. У эса Акбарни тарбиялаш учун аммаси — Бобурнинг опаси Хонзода бегимга топширади.

Фалокатлардан қутулиб қолган Ҳумоюн Хуросон султонларидан катта ёрдам олиб Комронга қарши ҳужум бошлади. Комрон энгилиб, 12 минг кишилик қўшини билан бир қўрғонга беркинади. Ҳумоюн қўрғонни тўплардан ўққа тутишга ва уни ҳужум қилиб қўлга киритишга буйруқ беради. Шу пайт қўрғон ичкарасидаги баланд тоьда қўлида бола кўтарган аёл пайдо бўлади. Бу бола Акбар эди. Ўғлини кўрган Ҳумоюн ўз буйруғини бекор қилади ва Акбарни қайтиб бериш шarti билан қўрғонни қамал қилишдан воз кечади. Шу тариха тўрт ёшли Акбар қўрғонга беркиниб олган ва ўлимга маҳкум этилган бир неча минг қўшинни, аёллар ва болаларни ўлимдан қутқариб қолади.

Ҳумоюнга омад қилиб боқади: у Комронни асирга олиб, кўзига нил тортиради; унинг бошқа укалари ҳам ҳаёт билан видолашадилар. Қобул қўлга киритилганидан кейин Ҳумоюн билан Ҳамида беш яшар ўғиллари Акбар шарафига тўй берадилар. Шу муносабат билан меҳмондорчилиги халқ сайиллари, хушчақчақлик кечалари уюштирилади, меҳмонларга совға-саломлар тарқатилади. Қобул аҳолиси ўртасида ана шу тўй ҳақида халигача афсонавий ҳикоялар юради.

Ҳумоюн, вақти етиб, аввалги куч-қудратига эга бўлади ва 1556 йилнинг июль ойида яна тахтга ўтиради. Бироқ, орадан олти ой ўтиб, 1556 йилнинг январида Ҳумоюншоҳ Дехлидаги ўз қутубхонаси олдида тасодифан силлик мармар устида қоқилиб кетади, тил тортмай ўлади. Бу пайтда у 49 ёшда эди. Уша кунларда Панжобда бўлган 13 яшар Акбар шонлинич равнишда чақиртирилади ва шох деб эълон этилади. Ҳамидабону Дехлида эри Ҳумоюннинг улғувор мақбарасини қурдиради. У узок йиллар мамлакатни бошқаришда ўғлига ёрдамлашади.

Акбар 50 йил ҳукмронлик қилади ва 1605 йили 68 ёшида вафот этади.

Ҳиндистонда Акбарнинг улғу ишлари ҳақида кўп ривоятлар эшитиш мумкин. Қўида рус революционер демократи Н. А. Добролюбов ва жаҳон пролетариатининг дохийси К. Маркснинг бу ҳақдаги фикрларини келтирамиз.

Н. А. Добролюбов шундай деб ёзади: «XVI—XVII асрлардаги мўғул ҳукмати ўзининг дошимандонда давлат бошқаруви билан Ҳиндистонда кўп излар қолдирди...

Акбар амалдорлар маъмуриятининг ижобий қонун-қоидаларини белгилаб берди, солиқ йиғишининг яхши системасини жорий этди, давлатнинг даромадларини оширди, йўллар солдирди, алоқа-почта ишларини таъсис қилди, қўшинлар ўртасида яхши интизом ўрнатди, шунчалик кўп ва хўб иморатлар қурдирдики, ҳатто улар ҳозиргача ҳам саяҳатчиларда ҳайрат уйғотади» (Н. А. Добролюбов, Собр. соч., том 2, стр. 16—17).

«Акбар ҳақиқий буюк кишилар сирасига мансубдир» (Уша жойда).

К. Маркс ўзининг «Ҳиндистон тарихи бўйича хронологик ёзувлар» (1947 йилда Госполитиздат нашриётида босилган) асарида Акбарга катта ўрин ажратади. Яъни, Акбарнинг ҳарбий ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти тасвирига тўла 5 саҳифа (26—30-бетлар) бағишлайди. Бунда у Акбарнинг ўз империясини тувиш учун қадам бақадам қилган ҳаракатини, янгича солиқ системасини жорий этганлигини, ер реформаси ўтказганлигини, давлатни 15 вилоятга бўлганлигини, қўшинларга хазинадан муттасил мойна тўлашни қонунлаштирганлигини, Дехлини жаҳоннинг ўша пайтдаги энг катта ва гуллаб-яшнаган шаҳарларидан би-

рига айлантирганлигини муфассал таъриф-лайди.

Акбар ҳақида Жавоҳарлар Неру куйида-гиларни ёзади:

«...улуғ кишилар фақат оддийгина фази-латлари билан: одамларни ўзларига мафтун этадиган оҳанраболари билан ажралиб турадилар. Акбар худди шундай оҳанрабо-га эга ва зуваласи пишиқ шахс эди: унинг мурид-мухлислари томонидан таъриф-ланган мафтунор кўзлари «бамисоли денгиз сувида синиб қайтган қуёш нуридек нигоҳ-ларни қамаштирарди». Бу одамнинг ҳали ҳам ўзига нисбатан таъзим-эҳтиром уйғоти-шига ва унинг ҳақиқатан шохона ва ҳақиқатан мардонга сиймоси фақат подшоликдан бўлак ҳеч нарсани билмаган инсонлардан юқорироқ туришига ҳайрон қолинмаса ҳам бўлади». (Дж. Неру. Вгляд на всемирную историю, т. 2, стр. 64).

Шу нарсга ҳам эътиборга моликки, Акбар ўзининг шуҳрату шараф чўққисига бўлган бир пайтида ўз бобоси Бобурга нисбатан чуқур меҳр-эҳтиром кўрсатди. Махсус ра-вишда Кобулга ташриф буюриб, бобоси қабрини зиёрат қилди, қабр устига оқ мар-мардан ёдгорлик тоши қўйдирди, Бобур асарларини тўплаб, нашр эттирди, уни шажаранинг ва давлатнинг асосчиси сифа-тида шон-шарафга буркади.

Отаси Ҳумоюн ҳам, онаси Ҳамида ҳам, Акбарнинг ўзи ҳам Афғонистонда турилди-лар.

Дарвоқе, Акбар ўз даврида шажаранинг барча вакилларига ва Ўрта Осиё халқларига алоҳида ғамхўрлиги эътибор кўрсатди ҳам-да Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқларининг яқинлашуви, улар орасидаги алоқаларни яхшилаш борасида кўп ишлар қилди.

Бобурийларнинг барча вакиллари орасида Аврангзеб ҳақида салбий фикр билдирадилар. Ҳатто уни отасини ўлдирган оқдлар, давлатни патарат топтирган кимса деб атай-дилар.

Император Шоҳжаҳон (болаликдаги исми Хуррам эдининг 5 ўғли ва 7 кизи бор эди. Еш жихатидан ўртанча ўғил бўлган Аврангзеб, отам тахтни акаларимга топши-риб қўйиши мумкин, деган шубҳаю кўрқув остида фисқу фасод йўли билан ҳокимиятни қўлга олади ва давлат бошлиғи — отасини Акбар кўрғонининг хоналаридан бирига қамаб қўяди. Мазкур кўрғон Агра шаҳрида, Жамун дарёсининг қирғоғида эди. Дарёнинг нариги қирғоғида эса, тахминан икки қақи-рим узокликда Шоҳжаҳон барвақт ўлиб кетган сеvimли хотини Мумтозбегим хоти-расига ёдгорлик сифатида машҳур Тож Маҳал саройи — мақбаралар комплексини қурдираётган эди. Аврангзеб отасини ҳоки-миятдан четлатиб, унга шунчалик азоб бер-дики, Шоҳжаҳон зиндондан чиқолмади ва ўзи қура бошлаган Тож Маҳал саройида ишинг боришини кўрғондаги битта дераза ортидан кузатиб вақт ўтказди. У саккиз йиллик қамокдан сўнг 1666 йили вафот этди.

Тож Маҳал 22 йил давомида қурилди. (Таққослаш мақсадига эслатиш жоизки, Самарқанддаги машҳур ва гўзал Вибихоним мадрасаси 4 йилда — 1397—1401 йилларда қурилган эди).

Тож Маҳал қурилишининг муаллифлари ва раҳбарлари Муҳаммад Исо билан Маҳмуд Салим эдилар. Қурилишда бир йўла 20 минг киши ишларди. Исо ҳам, Салим ҳам, чамаси, аслан ўртаосиёлик эдилар. Улар X—XV асрларда Ўрта Осиё шаҳарларида қурилган ёдгорликларнинг меъморийлик жиҳатларини, айрим иншоотларнинг шакллари-ни, ҳажмларини, бўёқлар ва қурилиш материал-ларининг, нур ва соянинг турли-туман ўйун-лигини ҳамда бошқа фазилатларини чуқур ўргандилар ва амалда қўлладилар.

Аврангзеб 89 ёшида вафот этди. Португал-лар, французлар, айниқса, инглизлар худди шу Аврангзеб замонида Ҳиндистонга кириб келдилар ва ўз вазиятларини яхшилаб олди-лар. Аврангзебнинг ўлими насаси (1707 йил) Ҳиндистонда буюк мўғуллар идорасининг амалий адоғи ҳисобланади. Аврангзебнинг

номи фақатгина бир жиҳатдан, машҳур шоира Зебунисонинг отаси бўлгани учунгина ижобий тилга олинади. Худди шу Зебунисо йирик шоир Мирзо Бедилнинг гўзал кизига устозлик қилди.

Аврангзеб ана шундай бир иш қилган — XVI аср ўрталарида Самарқандда рўй бер-ган нохуш воқеалар натижасида Темур ва унинг невараси Муҳаммад Султоннинг қабр-лари, уларнинг атрофидаги масжид ва мадрасалар шикастланган эди. Бундан ха-бар топган Аврангзеб ўз аждодининг боши бўлган соҳибқирон ва унинг фарзандлари, невараларининг қабрларини тузатиш, мас-жид ва мадрасаларни ишга солиш исми тахминан 1690 йилларда Мулла Вали исмли киши бошлиқ бир гуруҳ дин ходимлари ва усталарни асбоб-ускуналар, кўпгина пул билан Ҳиндистондан Самарқандга жўна-тади.

Бобурушносликдаги муҳим мавзулардан бири — Ватанга муҳаббат мавзусидир. Бо-бурнинг ўзи 1504 йили Амударёдан нариги ёққа кечиб ўтганидан бошлаб умрининг охиригача (1530 йил) ҳамisha Ватан ҳақида ўйлади, уни соғинди, Ватанга қайтишни орзу қилди. Кобулдалиги вақтида ҳам, Ҳинди-стонда турганида ҳам у Мовароуннаҳрга, Фарғонага қайтиш имкониятларини такрор-такрор ўйларди, ҳатто ҳарбий куч ишлатиб киришни ҳам хаёл қиларди. Менинг нияти-ми балки ўғлим амалга оширар, деган илинж билан Ҳумоюнга ҳам бу ҳақда сўзлаб қўяр-ди. Бундай хати-харакатнинг амалга ош-маслигига, Ватанга қайтиш имкониятлари йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин эса, ўзини Кобулга дафн этишларини васият этади.

Мавзунинг мураккаблигини таъкидлаш, шунингдек, мазкур шажарага иккала мам-лакат халқлари ҳамда ҳукуматларининг муносабатларини кўрсатиш мақсадида Бо-бурнинг, бобурийларнинг Афғонистон ва Ҳиндистондаги ҳаётлари, фаолиятлари хусу-сида бу ерда муфассал тўхталиб ўтдик. Бобур ва унинг шажараси ҳақидаги маълумотлар-ни Афғонистон ва Ҳиндистон олимлари бил-лан ҳамкорликда, биргаликда ўрганиш ва ёритиш айниқса муҳимдир.

Бобурга нисбатан ана шундай холис муно-сабат бизнинг кўз олдимизда уни ўз Ватани ни мажбуран ташлаб кетган ва туғилиб ўсган жойларига қайтиб келишдек эзгу ниятига етолмаган шахс сифатида гавдалантиради. Унинг қўшни мамлакатларда туғилган ва эсини таниган болалари, неваралари, эварал-ари эса, гарчи аждодлари Ватанини кўр-маган бўлсалар-да, унинг ишини давом эт-тирдилар, орадан 3—4 аср ўтганидан сўнг ўша мамлакат халқларида ўз бобокалонлар-ини етиштириб берган Ўрта Осиё халқлари билан яқинлаштиришга ҳисса қўшдилар. Демак, шундан маълумки, асрлар оша ўтган замон ва ҳозирги замон авлодларининг яқин-лашуви мумкин экан. Бобур ва унинг авлод-лари ҳозирги замон кишиларига янада яқин-роқ туюлишлари, СССР, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқнинг мустақкамлашувига хиз-мат қилишлари мумкин.

«Бобурнома» даги қуйидаги сатрлар Бобур-нинг Ватанга самийий муҳаббатидан ҳикоя қилади: «Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечун унутқай... Бу фурсатда бир қовун келтириб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамоом йнглаб эдим». (Маъ-лумки, Ҳиндистонда қовун битмайди. Неру Тошкентда бўлган вақтида қовунни жуда хуш кўриб истеъмол қилганди. Шундан кейин биз унга ҳар йили қовун юбориб тур-дик). Бобурнинг юқоридаги сўзлари унинг Аграда турган пайтларига тўғри келади.

Шоир ўзининг Ватанга муҳаббатини қуй-идагича тасвирлайди:

Эд этмас эмиш кишини гурбатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгули меҳнатда киши,  
Кўнгулм бу ғарибликда шод ўлмади, оқ,  
Гурбатда сеvimмас эмиш, албатта киши.

Бобурнинг Ватанга муҳаббати хусусида

сўзлар эканман, айрим нуқталар ҳақида тўх-таб ўтишни жоиз деб биламан.

Виргина 1983 йил давомида мен тақозо билан: январь ойда Бобур ҳукмронлик қил-ган ва вафот этган Агра (Ҳиндистон) шаҳри-да, август ойда шоир туғилиб ўсган Анди-жон ва Ахсикатда, сентябрь ойда эса, унга мақбара қўйилган Кобулда бўлдим.

Ҳиндистонда Тож Маҳални, Ҳумоюн мақ-барасини, Акбар саройини ва бобурийлардан кимдир қурдирган, улардан кимнингдир шарафига қурилган бошқа обидаларни муқаддас тутиб, зиёрат қилдилар; бу ёдгор-ликларни Ҳиндистонга келган барча киши-ларга беаҳо миллий бойлик сифатида кўрс-тадилар.

1958 йили биринчи марта Афғонистонда бўлганимда, Боғи Бобурга бориб, шоир мақ-барасига гулдаста қўйган эдим. 1980 йилда эса, илтимос қилишимга қарамасдан, аф-ғонистонлик дўстлар у ерга боришни уюшти-ра олмадилар. Чунки ўша пайтларда мақбара жойлашган бог ичида жангал давом этарди. Сўнгги марта (1983 йил сентябрда) Кобулга борганимизда, яна Боғи Бобурга ташриф буюрдик. Визни майор Салом бошлиқ авто-матчилар группаси кузатиб борди. Сержант Арселон менинг асровчи-ҳамроҳим эди. Виз-ни — Совет Савдо ваколатхонаси раисининг ўринбосарлари Борис Степанович ва Валерий Михайловични, инженер-экономист Попов-ни, делегация аъзоси А. В. Пановни ва мени, шунингдек, АДР Савдо ваколатхонасининг бош секретари Мусани Боғи Бобурнинг янги мутасаддиси Ҳабибулло Тохарий ва бош-қалар дарвоза олдида кутиб олдилар. Ҳамма-ёқда урушнинг дахшатли излари кўзга таш-ланиб турарди. Езги қароргоҳ, яъни қабул заллари, ошхоналар, ётоқхоналар, ҳаммом бутунлай вайрон этилган, деворлар, гул экил-ган идишлар, ариқлар, фавворалар дабдала қилинган эди. Вироқ Бобур ва унинг қарин-дошлари қабрига тегинилмаган эди. Афти-дан, ҳатто душманлар ҳам халқнинг қар-ишидан кўрқиб, уни бузишга юраклари бетламаяган ўхшайди. Қабр устидаги қуй-даги ёсув ҳам аниқ-равшан билиниб турар-ди: «Бу дунёда янги подшоҳ пайдо бўлди. Бобур подшоҳ Муҳаммад динининг шамчи-роғи эди, ўз давлатининг буюклиги, диний ривож топтиргани билан шуҳрат қозонди. Ақл-заковатининг кучи билан зафар кучди, қудратли қўшинга эга бўлди, унинг даври такрорий зафарлар билан ёришиб турди. Бобур подшоҳнинг доимий ётадиган ўрни шу ерлардир».

Унинг ёнида онаси Кутлуг Нигорхоним ва опаси Хонзода бегимнинг қабрлари бор.

Биз қабрларга гул қўйиб, фахрий қоровул-да турганимиздан кейин бутун ёдгорлик комплексини айланиб, кўздан кечирдик. Ҳаммаёқда тиклаш ишлари давом этарди.

Шу нарсга диққатга сазоворки, АДРнинг янги ҳукумати Бобур мақбарасининг ёғи зиёратгоҳини таъмирлашга кўмаклашишни сўраб Ҳиндистондаги ташкилотларга муро-жаат этибди. Деҳли ва Аградан етиб келган мутахассислар бу ишининг 35 миллион афғ-онийдан иборат бўлган харажатини кўзда тутадиган лойиҳа ва сметасини тузибдилар.

Боғи Бобурни кўздан кечириб бўлган-нимиздан кейин биз программа бўйича Ко-бул савдо палатасининг президенти Қарим-зоданинг хос ҳовлисига келдик. Визининг делегациямиз билан учрашиш учун бу ерга мамлакат вилоятларидан (шу жумладан, вақтинча душманлар қўлида турган жой-лардан ҳам) 20 кишидан кўпроқ савдогарлар келишган экан. Улар асосан пуштунлар, то-жиклар, ўзбеклар, хазораслар, туркманлар эдилар. Бу ерда бир неча министр ва улар-нинг ўринбосарлари ҳам бор эдилар. Мен уларга Боғи Бобурни томоша қилганимизни ва янги ҳукуматнинг мазкур комплексини тиклаш учун 35 миллион афғоний сарфлаш-дек олижаноб мақсадга ҳақида гапириб бер-дим. Шу пайт савдогарлар ўзаро қисқа-қисқа сўзлашиб олдилар-да, бундай савобли хара-жати ўз зиммаларига олажақларини бил-дирдилар.

Зеро, Афғонистоннинг улуг фаранди бўлган, халқ ва мамлакат учун кўп ишлар қилган Бобурнинг макбара-зиёратгоҳини қайта тиклашда шахсан қатнашиш улар учун катта шараф бўлиб туялди. Эртасига АДР Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештманд билан учрашдик. Мен унга савдогарларнинг истакларини айтиб бердим. Ву хабарни у хурсанд бўлиб тинглади ва таъмирлаш ишларини тезлаштириб юборишга ваъда берди.

Бобур яшаган даврга оид ёдгорликлар бизнинг мамлакатимизда ҳам анча-мунча.

Анджон шаҳридаги Бобур қўрғонини ўтган асрда бузилиб кетди. Уш шаҳрининг чеккароғида, Бароқўх (Сулаймон тоғи) ёнбағрида, Жаннатариқ бўйида гўзал бир ҳужра бўлгучи эди. Бироқ, ўтган 400 йил давомида шамоллару ёгингарчиликлар, қуёш нурию зилзилалар, паррандаю даррандалар, тузлар таъсирида ёдгорликнинг бўёқлари, гуллари ўчиб, гумбазу деворларининг, мрамрларнинг оралари очилиб қолаётган эди. Утмишда маҳаллий шайхлар, бу ҳужрада бир маҳаллар Сулаймон пайгамбар қўниб ўтган, деб эълон қилишиб, анча-мунча фойдаланиб ҳам қолишган. Совет олимлари ҳақиқатини — ўша ҳужранинг 1497 йили ёш Бобурнинг буйруғига биноан қурилганини аниқлади, у ердаги ёдгорлик тошига шу ҳақда ёзув битиб қўйилди.

1948 йили ўша ҳужрани қўриб, қадимги меъморларимизнинг маҳоратларига ҳайратини ошган эди. Бироқ 1978 йили у тарафга қайта ташриф буюриб кўрдимки, 1963 йили қандайдир бино қурилиши пайтида ҳужранинг меъморий ва тарихий қимматини билмаган кишилар уни бузиб юборибдилар. Яқинда бир хушхабар эшитдим: Қирғизистоннинг раҳбарий идоралари ўша ҳужрани тиклашга қарор қилибдилар.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур даҳаси инқилобгача диний марказ ҳисобланарди. Бобурнинг бобоси Юнусхоннинг 1487 йили қурилган мақбараси ҳам шу ердадир. 50 йилларнинг аввалида шаҳарнинг янги бош планини ишлаб чиқиш пайтида Шайхонтохурни қайта қуриш кўзда тутилган эди. План лойиҳасида мақбарани ўрта асрнинг маданий ёдгорлиги сифатида сақлаб қолиш тавсия этилди. Шайхонтохурда Ижодий союзлар уйи комплексининг лойиҳаси муаллифларига мақбарани сақлаб қолганлари учун ташаккур билдириш лозим. Мақбардаги ёдгорлик тахтасига қуйидагича ёзув битилган:

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меъморчилик ишлари бошқармаси XV аср меъморий ёдгорлиги — Юнусхон мақбараси Давлат томонидан қўриқланади Шикаст этказиш қонун билан жазоланади».

Энди Ахсикат ҳақида. Қадимда Фарғона давлатининг пойтахти Андижон, подшоҳлар ва уларнинг оилалари қароргоҳи Ахсикат эди. Бу шаҳар водийнинг бой, гўзал, гуллари бог-роғларга кўмилган пучмоғида жойлашгани билан ҳам аҳамиятли эди. Қўрғон шундоқина Сирдарёнинг бурилиш қирғоғида қурилган эди. Стратегик ва ҳарбий нуқтаи назардан ҳам бу ер географик кулай нуқтада эди. Бу ердан Сирдарёнинг икки қирғоғига жойлашган водий салкам уфққача қафдагидек кўриниб турарди. Умаршайх, унинг уч хотини: Фотимасултон, Қултур Нигорхоним ва Қоракўз бегим, болалари: Хонзода бегим, Бобур ва Жаҳонгир уларнинг кўп вақтларини Ахсикатда ўтказардилар. Умаршайх давлат арбобларини, бекларни, элчиларни, аҳолининг турли табақали вакиллари шу ерда қабул қиларди. У худди шу ерда 1495 йили дарўл киргоғининг сувга ўпирилиб тушиши оқибатида ҳалок бўлди. Ахсикат учун юзлаб қонли жанглар бўлиб ўтганлиги тарихдан маълум.

1984 йили биз Наманган область партия комитети номидан область тарихини ва ёдгорликларни ҳар тарафлама ўрганишни илтимос қилиб Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-

миясига мурожаат этдик. Мурожаатимиз эътиборсиз қолмади.

Тошкентдан таниқли академиклар Я. Ғ. Гуломов ва А. Н. Бернштам бошчилигида Тарих ва археология институтининг бир группа ходимлари ташриф буюрдилар. (Тўғри, уларни кўпроқ Қушанлар даври қизиқтирарди). Улар биз билан биргаликда Янгиқўрғон, Қосонсой, Тўрақўрғон районларида бўлдилар. Бир неча марта Ахсикатга ҳам чиқиб бордик.

Институт коллективи ана шу ҳаракатлар хулосаси асосида ўз кучларини Ахсикат ва Чортоқни ўрганишга қаратди. Қазув ишлари Ахсикат шаҳарчасининг тарихи ва хусусиятлари ҳақида қимматли материаллар берди.

Олимлардан О. А. Сухарева ва М. А. Бекжонова институтнинг бошқа экспедицияси томонидан 1950—1953 йилларда олиб борилган ишларни умумлаштириб, «Ойқирон қишлоғининг ўтмиши ва ҳозирги кунин» номли китоб ёздилар. Китоб 1955 йили Тошкентда босилиб чиқди.

Ахсикатга мен биринчи марта 1947 йилда борган эдим, сўнги марта 1983 йили у ерда бўлдим. Ҳўш, салкам қирқ йил давомида бу ерда нималар юз берди?

1983 йилнинг 22 август кунин биз: «Чортоқ» санаториясининг бош врачин Миршоҳид, унинг шофёри Қамбаржон, невараларим Нуриддин, Нодира ва мен, ҳеч кимга ҳеч нима демасдан, Ахсикатга бордик. Қўрғонга кўтарилдик, кун бўйи тепаликларни айланиб юрдик, қазув олиб борилган жойларни кўздан кечирдик, қабристонда бўлдик, ахсикатликлар билан суҳбатлашдик.

Авалло, яхши таассуротлар хусусида. Илгариги паром ўрнида Сирдарёдан Ахсикатга ўтадиган замонавий кўприк қурилибди, дарёнинг икки тарафигади йўлга асфальт ётқизилибди, Задарё районининг маркази ободонлаштирилибди.

Ахсикат қўрғонини остонасидаги қишлоқ авваллари Қарқишлоқ деб аталарди. Мен дастлабки келганимда бу ерни Гулқишлоқ деб аташларини тақлиф этувдим. Йўлнинг бурилиш жойларида «Гулқишлоқ» деган ёзувларга кўзимиз тушди. «Шарқ юлдузи» колхозининг собиқ раиси Самихон Хўжаев, илтимосларга биноан, қўрғонга кириб бориб йўлида, қирғоқ бўйида жойлашган омборхонанинг икки хонасини бўшатиб берибди: барча археологик топилмалар, шунингдек, нашр этилган айрим рисоалар ва илмий тадқиқотлар ўша хоналарга жойлаштирилибди. Хоналарнинг эшиги устида эса, бу ерда об-ласть Моддий-маданий ёдгорликлар бошқармасининг музейи жойлашган, деган мазмундаги ёзув бор. Қилинган ишларнинг ҳаммаси ана шулардан иборат.

Музейда Ахсикат шаҳрининг XIV асрда бунёд этилиб, XVII асрда вайрон бўлгани ҳақидаги ёзув бор. Аслида эса, Ахсикат — Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Бир манба бўйича у милoddан аввали III асрда, иккинчи манба бўйича эса, бундан 3 минг йил муқаддам пайдо бўлган. Ахсикат, ёши бўйича, фақат Бухородан кейинда туради. Шаҳар сераҳоли бўлган, бу ерда бир неча ўн минглаб одам яшаган, заргарлик, темирчилик, тўқувчилик, озиқ-овқат, енгил санаят, кулолчилик ва бошқа мутахассислик ва хунарлар жуда ривожланган. Савдо расталари ва бозорлар ўзининг тўкин-очилиғини, нарсаларнинг хилма-хиллиғини, арзонлиғини билан ажралиб турган. Ахсикат олимлар, шоирлар, созандаларнинг ҳам макони бўлган; бу ерда маданият ва ободончилик ҳам юқори даражага кўтарилган.

Ҳўш, Ахсикатда қандай фалокат юз берган? XVI асрда у водий давлатларининг бог-пойтахтига айланган. 1620 йилда эса, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даражада зилзила юз берган, зилзила маркази худди давлат саройининг остида бўлган. Биринчи кунин 70 марта ер қимирлаган; зилзила олти ой давом этган, қарий барча жонли ва жонсиз нарсаларни ер билан яқсон қилган. Ҳалокат юз берган биринчи кундаёқ Сирдарё суви

қирғоқдан тошиб, шаҳарни сув босган, бу ерда нима бўлса, ҳаммасини оқибди кетган. Одамлар ҳалокатдан қутулиш иложини тополмагачлар, ким қаерда бўлса, ўша ерда ҳалокатга учрайверган. Уларнинг жасадлари ажойиб уйларнинг, иморатларнинг вайронлари остида қолиб кетган, сўнгра у жойларни қутурган дарё суви босган.

Ахсикат ана шундай табиий офат — зилзила ва сув босиш туфайли заволга юз тутган, одамлар ҳам бу ерга қайтиб келмаганлар.

Совет олимлари бир вақтлардаги ажойиб шаҳарнинг устига ўтмиш ташлаган пардани кўтардилар. Зилзилалар шаҳарларни ва бошқа аҳоли манзилгоҳларини бутунлай вайрон қилганидан кейин ўша жойларнинг одамлар ва давлат томонидан тиклангани ҳақида тарихда маълумотлар кўп. Вақти-соати билан улар аввалги даражасидан ҳам ободонлашиб кетган. Мисол учун 1923 йилги Токио, 1948 йилги Ашхобод, 1966 йилги Тошкент ва бошқа зилзилаларни эслаш kifоядир.

Ахсикатни худди аввалги ҳолатида тиклаш зарурми? Назаримизда, бунга зарурят йўқ ва бу қийин иш. Бироқ у жойни ободонлаштириш, туризм марказларидан бирига айлантириш, шаҳар тарихини ҳар тарафлама ўрганишни чуқурлаштириш, Ахсикат барпо этилганидан то XVII асргача бўлган даврда унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий даражасини ва бошқа хусусиятларини ўрганиш зарур ва фойдалидир.

Биз Хоразмда, Вухорода, Самарқандда ва бошқа жойларда яшаб ўтган ўзинимизнинг аجدдоларимиз — буюк мутафаккирлар билан қонуний равишда фахрланамиз. Шунинг унутмаслик кераки, Ахсикат ҳам қадимда ва ўрта асрларда кўпгина улуг кишиларни етиштириб берган. Бу ўлканинг бошқа томонларида табиат қонунига мувофиқ пайдо бўлган истеъдодли шахсларнинг бундай ажойиб, юксак даражада ривожланган шаҳарда туғилиб ўсмаганлигига ишониб қийин.

Кўпчиликка маълумки, қадимда маданият асосан йирик сув манбаларига эга бўлган жойларда ривожланган. Бунинг учун Ўрта ер денгизи ва Қора денгиз, Амазонка, Нил, Форс кўрфазини, Евфрат, Волга, Днепр, Дунай, Ганг қирғоқларида ва бошқа жойларда пайдо бўлган юксак маданиятлар бунга мисол бўлаолди.

Ўрта Осиёда ўз манбаини Помир ва Тянь-Шандан оладиган дарё ва кўллар Амурдарё ва Сирдарёни пайдо қиладилар. Амурдарё қирғоқларида ўз вақтида энг юқори маданият пайдо бўлгани бутун дунёга маълум. Яъни бу ерда суғориладиган деҳқончилик ривожланди, қудратли давлатлар ҳукм сурди, бу воқадан жаҳон маданияти ва умуминсоний тараққиётни бойитган ўнлаб буюк заковатлар етишиб чиқди.

Ўрта Осиёнинг энг узун дарёси Сирдарё (2 минг 790 километр) Амурдарё билан деярли параллель равишда оқиб ўтади. Унинг умумий суви сигими 38 миллиард куб метрни, ҳавзасининг ҳажми 462 минг квадрат километрни ташкил этади (Амурдарёнинг узунлиги 2 минг 325 километр, умумий суви сигими йилга 70 миллиард кубметр, ҳавзаси 465 минг квадрат километр). Шунингдек, Сирдарё ўз манбаини Тянь-Шандан олади ҳамда ўлканинг гоят сераҳоли территориясидан ва жуда унумдор қисмидан оқиб ўтади. Сирдарё ва унинг жуда кўп ирмоқлари берадиган обиҳаёт ўз йўлида гуллаб-яшнаган экинзорларни, ажойиб бог-роғларни, серўт яйловларни барпо этиб, йирик шаҳарлар, иқтисодий марказлар бунёд қилган. Бу ҳаётбахш дарё қирғоқларида ва у оқиб ўтган воқаларда қадимий даврларда ва ўрта асрларда фақатгина IX асрда яшаган таниқли математик ва астроном Ал-Фаробий (Аль-Фарганус), IX-X асрларда яшаган буюк философ Ал-Форобийдан бошқа шахслар ўтмаган бўлиши мумкинми?

(Давоми бор.)

Азиз НЕСИН

## ИККИ ҲИКОЯ

Мен ўзим гувоҳи бўлган ёки таниш-билишлардан эшитган бу воқеаларни қаламга олар эканман, булардан ҳар ким ўзига яраша хулоса чиқариб олсин, деган мақсадим ҳам йўқ эмас. Одатда одамзот паррандаю дарранданинг хатти-ҳаракатига ўзича нисбат беради, булардан фавқулдда ҳолатлар излайди. Аслини олганда эса биз фавқулдда деб билган нарсалар улар учун мутлақо савқи табиий бир ҳолат бўлиши ҳам мумкин.

МУАЛЛИФ

### МУРУВВАТЛИ ИТ

Уйимиз катта йўл ёқасида бўлгучи эди. Қиш кунларидан бирида иккинчи қаватдаги дераза ёнида газета ўқиб ўтирган эдим. Олдимда эса қаҳва. Шу пайт кўча томондан овоз эшитилди. Шундай аянчли, шундай мунгли эдики,

газетани ортиқ ўқиёлмадим, юрагим азилиб кетди. Деразани очиб, ташқари қарадим. Кўча эшигимиз олдида кичкинагина ит кўринди. Уни ҳайдаб юбормоқчи бўлиб, пахта тушдим. Эшикни очсам, жингала-жингала оқ жулли дайди бир ит турибди. Мени кўриши билан жон ҳолатда инграй бошлади. Аллакаери орғирётганини сездим. Тумшугини остонага қўйиб, илтижо билан кўзимга тикилди. Дарров ердан кўтариб олиб, уёқ-буёғига разм солиб кўрдим. Бир оёғи лат еган бўлса керак, қонаётган экан. Яраланган жойини яхшилаб ювиб, дори суртдим, кейин оёғини тахтакача-лаб, маҳкам боғлаб қўйдим. Анчагача ингиллаб ётгач, кейин тинчиб қолди. Қорни тўйгач, уйкуга кетди.

Орадан ўн беш кунча вақт ўтгач, тахтакачни олиб ташладим. Бояқиш икки-уч кун чўлқолаиб юрди, кейин яраси бутунлай битиб кетди. Кўзликкина, шўхрок ит экан, уй ичи билан ҳаммамиз унга қаттиқ боғланиб қолдик. Лекин у кўчага ўргангани учун ҳаммиша уйдан қочиш

пайида бўлар, бундай пайтларда эса уни кўча-кўйдан тутиб олиб жойига қайтардик. Кунлардан бирида итимиз тагин йўқолиб қолди. Шунча қидирсақ ҳам топилмади. Кўп афеусландик, лекин илож қанча.

Келаси йил яна ўшандай қиш кунларидан бирида эрта билан дераза ёнида қаҳва ичиб ўтирган эдим. Тўсатдан кўча томондан воуллаган овоз келди. Негадир у таниш туюлди. Дарҳол пахта тушиб, эшикни очдим. Ҳа, худди ўзи... Мени кўриши билан думини ликиллатиб, сакрашга тушди. Ёнидаги сап-сарик, баҳайбат шериги тинмай ингиллари. Яқинига бориб қарасам, бир оёғи синган экан.

Ҳа, орадан бир йил ўтгандан сўнг ўша дайди итимиз мендан нажот истаб, ярадор шеригини олдимга бошлаб келибди.

### ИДОЛ БРАНСКИ

Машинада Европадан Туркияга қайтаётиб, Югославия орқали ўтадиган бўлдик. Белградга яқинлашиб қолган эдик, йўл четида жойлашган бир хўжаликка кўзимиз тушди. Суриштириб билсак, бу ерда зотли итлар етиштиришаркан. Унинг эгаси бир югослав бўлиб, ўзи шу соҳада мутахассис экан. Хўжаликни айланиб чиқдик. Ҳар хил тоифадан юзларча итларни кўрдик. Битта кучукча бизга маъзул тушиб, шунги сотиб олмоқчи бўлдик. Эгаси унинг турилганига энди йигирма кун бўлганини, ўзи эса Лондонда бўлиб ўтган кўриқда биринчи ўринни олган Идол Брански лақабли итнинг зурриёти эканини айтди. Хуллас, иккинчи Идол Бранскини сотиб олдик. Бизга кучукча билан бирга унинг насл-

насаби ёзилган гувоҳномани ҳам беришди.

Кучукчани уйга олиб келдик. Ойим уни уй ичида сақлашга кўнмади. Ноилж ҳовлидаги катакхонага қамаб қўйдик. Идол Брански ёнидан жилишимиз билан шунақам увос қўтардики, асти қўяверасиз. Туни билан гоҳ чийиллаб, гоҳ увиллаб чиқди. На ўзи ором олди, на бизга ва на қўшниларга тинчлик берди. Эртаси куни тоза бошимиз қотди. Кун бўйи унинг ёнидан жилмадик. Кечаси яна ҳаловат бўлмаслиги аниқ эди.

Яқин танишларимиздан бири маслаҳат берди:


— Кўнғироқли соат бор-ку, шунга тўрвага солиб, ёнига қўйинглар-чи, гингшимаса керак.

Айтганини қилдик. Идол Бранскининг ақиллаши тинди. Туни билан чурқ этгани йўқ. Эрта билан уйғонгач, ўлиб-негиб қолмадиммикин, деган хавотирда каттагача бориб аста мўраладик. Соат солинган тўрвага бошини қўйиб, тинчгина ухлаётган экан.

Шундан кейин ҳар куни кеч-курун буни такрорлаб турдик. Кечалари халтага бошини қўйиб ухласа, кундуз кунлари уни тортиқлаб ўйнардик. Бора-бора Идол Брански улғайиб, соатсиз ухлайдиган бўлди.

Бир куни бизга маслаҳат берган ўша танишимиздан бунинг сабабини сўрадик. У ўзи бу ишни қилиб кўрмаганини, лекин бир китобда шу ҳақда ўқиганини айтди. Китобда ёзилишига кўра, кучук боласи соатнинг чиққилладини онасининг юрак уришига ўхшатар экан. Маълумки, кучук болачалари одатда онасининг қорнига бошини қўйиб ётади. Демак, Идол Брански соат солинган тўрвага бошини қўйиб ухлашининг сабаби ҳам шундай.

Туркчадан Миад ҲАКИМОВ таржимаси



### Нонуштага миллион доллар

Милан аэропортида божхона ходимлари навбатдаги рейсга учувчиларни кўздан кечираётган пайтда пассажир аёллардан бири ортиқча хаяжонлана бошлади. Унинг юки текширилди, лекин ундан таъқиқланган бирор нарса топилмади. Шунда божхона ходимлари унинг ўзини рентген нуралида текшириб кўрдилар. Натija: аёлниг опкзоониди махсуе ўралган бриллиантлар ва зумрадлар турарди. Буларни у эрталаб ютишга улгурган эди-да. Эрталаб «нонушта» ўрнида ютилган бу қимматбаҳо буюмлар бир миллион доллар баҳоланди.

Ешлар орасида оғир атлетика бўйича Жаҳон чемпиони, Самарқанд Давлат педагогика институтининг студенти Ҳамрокул Маматқулов.

А. Еськов фотоси (ЎЗТАГ)

### Қўшни галактикалардаги қора туйнуклар

Нью-Йорк. Америкалик исси астроном катта илмий аҳамиятга эга бўлган кашфиёт ҳақида хабар бердилар. Тўпланган маълумотларга асосланиб, улар бизга қўшни бўлган икки галактика оралигида ҳозирча ҳеч ким мунтазам кузата олмаган экзотик-астрономик объект — «ўта оғир вазили» қора туйнуклар борлигини аниқладилар.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, олиmlар берган хабар Паломар обсерваторияси (Калифорния

штати)да ўтказилган ЭҲМнинг мураккаб ҳисоблашлари натижасидир. Кашфиёт авторлари Карнеги институти ходими Алан Дресслер ва Мичиган университети ходими Дуглос Ричстоунларнинг таъкидлашларича, галактика марказидаги Андромеда туманилигида жойлашган ва М 32 галактикасининг атрофида айланувчи бу қора туйнуклар Қўёшимиз масасидан 10—100 миллион мартаба ортиқдир.

Кашфиёт олам тузилишининг дастлабки эволюция босқичларида галактикаларнинг шаклланиши кай тарада борганлиги ҳақида олиmlарнинг аниқроқ тасаввур қилишлариға ёрдам беради.

## АДИБЛАР ДЎСТЛИГИ

Улуғ санъаткор Максим Горький социалистик реализм адабиёти асосчиси, барча инқилобий шоир ва ёзувчиларнинг устозидир. Уни ўзбек совет адабиёти асосчилари ҳам устоз деб билганлар. Бинобарин, кўп миллатли совет ижодкорлари сингари пролетар адаби улуғ А. М. Горький адабий мактабидан таълим олган ёзувчи С. Айний «Правда» газетасида чоп этилган (вафотидан сўнг) ўзининг «Адабий мулоҳазалар» (1954 йил, 13 декабрь) номли тўлақонли мақоласида қуйидагиларни ёзади: «М. Горький улуғ адиб ва улуғ инсон эди. У ақли теран ва ўткир, калби улкан ва дили мусаффо киши эди. У ажойиб ўрток, бутун совет ёзувчиларининг дўсти, оташин ватанпарвар ва инсонга буюк муҳаббат билан қараган одам эди. Унинг бутун ҳаёти, барча асарлари, айтган фикрлари инсонпарварлик, одамларга, оддий меҳнаткаш халққа самимий муҳаббат гоёлари билан йўғрилгандир». Пролетар адаби А. М. Горький йўлидан бориб зуллисоний адиб Садриддин Айний ҳам адабиётимизнинг турли жанрларида ўзининг умрбоқий асарларини яратиб қолдирди.

Устоз адиблар Горький ва Айний ўзларининг баркамол ижодлари билан мактаб яратдилар, бу ижод мактабидан қанчадан-қанча ёш ижодкорлар, адабиёт ва санъат ихлосмандлари таълим олиб келмоқдалар. М. Горький ва С. Айнийнинг мураккаб ҳаётини, серқирра ижодиётини муқояса этар эканмиз, улар ўртасидаги ўзига хос ўхшашликлар мавжудлигини кўрамиз. Буни биз айниқса, Горькийнинг «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг университетларим» трилогияси билан Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб» ва «Эсдаликлар» асарларида яққолроқ кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Айний адабий ижодининг шаклланишида Максим Горькийнинг таъсири кучли бўлди. Айний Горькийни ўзига биринчи устоз қилиб танлади. У дастлаб устозидан воқеликни

революцион тараққиётда тасвирлашни, социалистик реализмнинг гоёвий-бадий принципларини ўрганди. Изланувчан адиб биринчи марта Горькийнинг «Болалик», «Одамлар орасида» деган асарлари билан танишади. Бу асарларда тасвир этилган муаллифнинг болалиги ва ёшлиги Айнийникига ўхшаб кетарди. Шунинг учун ҳам бу улкан санъаткор асарлари Айнийда чуқур таассурот қолдирди. Ва унда Максим Горькийни кўриш орзуси туғилади. Унинг бу орзуси 1934 йили ушалади.

«Мен ўша қурултой (СССР Ёзувчилар союзининг биринчи съезди — М. Ҳ.) муносабати билан буюк устознинг ўз боғида ўзи томонидан бўлган зиёфатда қатнашиш шарафи билан ҳам мушаррафландим. Бу зиёфатта президиум аъзолари ва бошқа делегатлардан танланган одамлар чақирилган эди. Зиёфат кечки соат 8 да бошланадиган бўлса ҳам буюк устозни кўпроқ яқиндан кўриш ва унинг хусусий турмуши билан имкон борича танишиш мақсади билан меҳмонлар соат тўртдан бошлаб боғда тўп-лана бердилар...

Устоз Горький ижодкор дўстлари билан қилган бу суҳбатда СССРдаги қардош халқлар адабиёти ва санъати тўғрисида гапириб, жумладан, иттифоқдош республикалар адабиёти ва санъати декадаси ўтказишни таклиф этди. Унинг бу оқилона таклифи қалам аҳлининг барчасига маъқул бўлди...

Ўз ижоди билан бутун бир мактаб яратган Горький, Якуб Колас, П. Тичина, С. Айний, С. Сайфулин, А. Қодирийлар А. Барбюс, Т. Драйзер, Р. Тагор каби мутафаккирлар билан бир қаторда туради десак, хато бўлмайди. Улар ўз ижодлари билан Буюк Октябрь инқилобига хизмат қилдилар. Октябрь инқилобининг бугунги революцион бурилиш даврида ҳам улар бирга қадам ташлаётирлар.


Мажид ҲАСАНОВ,  
филология фанлари кандидати



Ҳамза Ҳакимзода НИЕСИЙИ.



Бухоро, инқилоб ғалаба қилди. 1920 йил.



Н. ХОЛИҚОВ. Катта Фарғона канали қурилиши.

# АЙТИЛМАГАН СЎЗ



## I

Жимир-жимир яшил ўтлоқ,  
Ўтлашар қўй, қўзи, улоқ.  
Қўй-қўзига қўзу кулоқ  
Бир болакай, бир қизалоқ.

Шинам ўтлоқ, ширин ўтлоқ,  
Майсаларда йилт-йилт шудринг.  
Бир-биридан ўйинқароқ  
Қўзичоқлар диринг-диринг,  
Улоқчалар диринг-диринг,  
Қувалашар,  
Шоҳ ташлашар,  
Қўнғироқлар жиринг-жиринг.

Қўй-қўзига қўзу кулоқ  
Бир болакай, бир қизалоқ,  
Қувлашади,  
Қувнашади,  
Ўйнашади  
«Қўзи-қўзи —  
Улоқ-улоқ».  
Бола — қўзи,  
Қизча — улоқ,  
Бир-биридан қўвноқ, шўхроқ,  
Ногаҳон донг қотар бола,  
Қизарар нақ бети — лола.  
Болакайда қизнинг қўзи:  
Ловиллайди бола юзи.  
— Бир сўзим бор,— деди бола.  
— Айт,— дер қизча,— айта қол-а...

Баттар изза еди бола,  
Айтолмади.  
Айтар сўзи  
Ғўлдирарди томоғида.  
Болакайда қизча қўзи,  
Бола қизча қармоғида  
Типирчилаб қирар томоқ,  
Қизча кутар,  
Пойлар илҳақ...

## II

Ииллар ўтди, фасллар ўтди.  
Қўйчивонлар бўйига етди...  
Битди мактаб, битди ўнинчи,  
Нақ пўртана қалблар севинчи.  
Қўллариди қизил аттестат.  
Қамолотга далил аттестат —  
Қўллариди чирокдир гўё,  
Иўллариди чирокдир гўё.  
Ғам йўқ энди, ташвиш йўқ энди,  
Иўллар очик, кўнгил тўқ энди.  
Бирга қайтди уйга қўшиллар,  
Сигмай кўча-қўйга қўшиллар.  
Разм ташлаб гир теваракка,

Етаклади қизни бурчакка;  
— Сенга сўзим бор,— деди ўғлон,  
— Ҳай, айта қол, айт,— деди жонон,—  
Жовдирарди икки шахло кўз.  
Лекин қани, қани ўша сўз?!  
Донг қотганди шунқор лом-мим, дам,  
Айтолмади сўзин бу гал ҳам.

## III

Кета-кета четлашур йўллар,  
Кела-кела жуфтлашур йўллар.  
Автовокзал бозордай тиғиз,  
Сафарга шай, кутар автобус.  
Иўловчилар жойлашиб олди,  
Тўртта-бешта бўш ўрин қолди.  
Хайрият, кўп қилмайин маҳтал  
Эгалланди бўш жойлар жадал.  
Пироварда минди бир бобо  
Саломлашиб, худди қорбобо.  
Қорбободек нуруний, зийрак,  
Қўлда ҳасса, қўзида ойнак.  
Жилоланур соқол-мўйлаби  
Бир кучоқ нур дастаси каби.  
Қамар оппоқ — бошида жўкки,<sup>1</sup>  
Кўкрагида орден-медаллар.  
Бундан чиқди — ўтмапти чакки  
Қошигача оқартган йиллар.  
Бўшатишди бобога ўрин  
Иигитлар бир-биридан бурун.  
Раҳмат айтди, жойлашди бобо,  
Омонлашди, сўрашди бобо.  
Равон бўлди автобус йўлга,  
Иўловчилар киришди тилга.  
Гапни гапга улай кетди йўл,  
Йўл очворди талай гапга йўл.

...Фалончи зар йиққанмиш нукул...  
Қабристондан топишганмиш пул...  
Фалон «арбоб» тушганмиш қўлга,  
Зўр амалини сотаркан пулга...  
Нукул юзлик эмиш бир сандиқ...  
Нес бўлганмиш чириб талқондек...  
Бўғизлапти ўзини нокас...  
Кимдир ҳануз эмиш маст-аласт...  
...«Улармиди яшаса биздек»...  
...«Десангиз, қирқ ёшда-ю, қиздек!»  
...«Жағи нукул қизил тилладан»...  
...«Пахтаданмас, кетди пилладан»...  
...«Жазосини берди ҳукумат!»  
«Яшасин халқ!  
Яшасин давлат!»...

Ҳақиқатми, ғийбатми, хуллас,  
Сўзга сўзу гап-гапга пайров.  
Бобо эса, ўлтирар мудраб,  
Бирин уқса, бирини уқмас,  
Недан ғофил, недандир оғоҳ.  
Кифтига бир қўл тушди ногоҳ,  
Ялт қайрилиб боқди ортига:  
Таниш нигоҳ, нотаниш нигоҳ!  
— Ассалом...  
Ҳа, танимадингизми?  
Мен эсам, шарт танидим сизни,—  
Кўзойнагин олиб дер момо,  
Кўзойнагин олди бобо ҳам.  
Ўша барно,  
Ҳа, ўша сиймо —  
Е мусаллам,  
Е мусаллам!  
— Во, сенсан-ку,  
Сенсан-ку, хай-ҳай!  
Танимайин мен сени қандай!  
Танимайин сени мен нечук,  
Табарруксан менга, табаррук!  
Балқиб турса сонсиз юлдузлар,  
Сен Зухромсан,  
Сен қўлпонимсан.

Юлдузлардек ёйилса қизлар,  
Қизлараро хиромонимсан.  
Ахир, сени нега танимай!  
Қўлингни бер, зиёрат қилай.—  
Кўришишди, сўрашишди илиқ,  
Бир-биридан шўхчан, хушқилиқ.  
Сўроқлашди ўғил, қизларни,  
Элатларни, тенгқур дўстларни.

## Момо

Тўрт ўғил, қиз — тўртта фаришта.  
Ҳар қайсиси бир ишда. Катта.  
Олим. Доктор. Муаллим. Деҳқон.  
Беармоним, шуқур, беармон.

## Бобо

Ўғилдан беш, қиздан олтига:  
Ўғилларим бари олдимда,  
Қизлар эса сочилиб кетди,  
Толелари очилиб кетди.  
Невара, эвара — юзларча,  
Э, осмондаги юлдузларча!  
Диёримиз, десанг, бепоен.  
Кенжа қизникига бораепман,  
Хўп олисга кетди, ўлмагур.  
Топишишди — Зухрою Тоҳир.  
Армоним бор, аммо армоним.  
Сенсан ўша танҳо армоним.

## Момо

Бо, менман?

## Бобо

Ҳа, сенсан армоним.  
Тириклигим боиси балки,  
Омонлигим,  
Жоним,  
Дармоним.

## Момо

Тулки бўлиб кетинг-а, тулки!  
Қўйдеккина эдингиз олдин.

## Бобо

Билсайдимки... эҳ, афсус, олдин...  
Бир қалима,  
Ўша битта сўз  
Бўғзимда биғирлар хануз.  
Йўқ, дилимга санчилган бизи!  
Юрагимни тарк қилмас ҳаргиз.  
Дуч келмасак буғун башарти,  
Опкетардим, балки маҳшарга:  
Бир ўпчак бер,  
Биргина ўпчак!

## Момо

Бо,  
Дард қўзгамай кетинг сиз, сўтак!

## Бобо

Жудо этди мени бир сўқмоқ,  
Душвор экан, бироқ, унутмоқ:  
Менинг ўша қорақошимсан,  
Буюрмаган ҳалол опшимсан.  
Юрагимга жо йўлдошимсан.  
Жигаримда санчиқ тошимсан.  
Бир ўпчак бер,  
Биргина ўпчак!

## Момо

Вой-вой, дарди бедаво кесак,  
Чиқиб қопти тилингиз андак!..  
Бобо қувноқ, бобо шўх эди,  
Момонинг ҳам ками йўқ эди.  
Чўрт кесилди мишмишу гинг-гинг,  
Чўғи сўнди ҳангомаларнинг.  
Иўловчилар чалишар қарсак,  
Кўзлар хандон, қулоқлари динг.  
Боз қаҳқаҳа,  
Бот-бот қаҳқаҳа.  
Автобусга қанот қаҳқаҳа.  
Елиб борар олра автобус,  
Елиб борар жадал тўхтовсиз;  
Иўлни йўлга улаб боради,  
Дилни дилга улаб боради.

Қайларгадир четлашур йўллар,  
Қайларда боз жуфтлашур йўллар.  
Гавжум йўллар, серқатнов йўллар,  
Кеча-кундуз бетўхтов йўллар.  
Урганч

<sup>1</sup> Жўкки — қия кийилган.  
<sup>2</sup> Ўпчак — мўчи, ўпич.

# СЕМИЗЛИК СОҒЛИККА ЗИЁН

**И**НСОН саломатлигининг хавфли кушандаларидан бири семизликдир. Бу муаммо кейинги йилларда барча ривожланган мамлакатлар аҳолиси соғлигига сезиларли даражада зиён етказаяётганлиги маълум. Шу нарса диққатга сазоворки, агар яқин-яқинларда нутрициология (овқатланиш ҳақидаги фан)да етарли овқатланмаслик ва шу туфайли ориқлаб кетишнинг одам организмга таъсири ва оқибатда юзага келадиган касалликларни ўрганиш асосий масала саналган бўлса, энди метёридан ташқари кўп овқатланишнинг ва унинг эвазига пайдо бўладиган семизликнинг соғлиққа салбий таъсир кўрсатиши муҳим бўлиб қолди. Статистик маълумотларга қараб, барча ривожланган мамлакатлар аҳолисидан 50 фоиз хотин-қизлар, 30 фоиз эркаклар ва 10 фоиз болалар семизлик туфайли азият чекадилар. СССРда эса кейинги 15—20 йил ичида жамки аҳолининг ярмисидан тана оғирлиги нормадан зиёд бўлиб, бешдан бир қисмида аниқ семизлик аломатлари мавжуддир. Ҳақиқатан ҳам кекса кишилар билан сухташлаганингизда кўча-кўйда, корхоналарда семиз кишилар яқин йиллар ичида кўпайиб қолганини гапиришди. Семизлик туфайли атеросклероз, қон босимининг ошиши (гипертония), юракнинг ишемия касаллиги, қонда холестерин моддасининг кўпайиб кетиши (гиперхолестеринемия), қандли диабет ва бошқа касалликлар нисбатан кўпайди. Буларни «цивилизация касаллиги» ҳам деб аташди. Бу касалликлар билан оғриган турли ёшдаги кишилар кейинги йилларда анча кўпайиб бормокда, эрта қариш ва ўлимга асосий сабаб бўлмоқда.

Одамларда учрайдиган семириш уч турли бўлиб, биринчиси, алиментар семириш, умумий семиз кишиларнинг 55—66 фоизини ташкил қилади ва метёридан ташқари кўп овқатланиш туфайли чиқади. Иккинчиси — церебрал семириш 16—20 фоизни ташкил қилиб, мия яримшарлари пўстлоқ қисми нормал фаолиятининг бузилиши туфайли юзага келади. Учинчиси — гормонал семириш 20 фоизни ташкил қилиб, ички секретция безлари ишининг бузилиши туфайли пайдо бўлади. Виз қуйида алиментар семизлик, унинг келиб чиқishi сабаблари, олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳақида фикр юртамиз.

Тана оғирлигининг нормадан ошиши ва семизлики аниқлаш учун ҳозирги пайтда турли-туман усуллар мавжуд бўлиб, унинг энг оддийси Брок формуласидир.

Унга асосан нормал тана оғирлигини топиш учун сантиметрда ифодаланган буй узунлигидан 100 рақамини олиб ташлаш керак. Масалан, 170 сантиметр буй узунлигига эга бўлган одам оғирлиги 170—100=70 килограммга тенг бўлади. Бу кўрсаткич одамнинг ёши, жинси ва тана тузилишига қараб бирмунча ўзгариши мумкин. Масалан, елкаси кенг, суяклари бўлимли одамда нормал оғирлик юқоридаги формула билан топиладиган миқдорда 4—5 килограмм қўшиб ҳисобланади. Агар тана суяклари ингичка, елка тор бўлса, ўртача кўрсаткичдан 4—5 килограмм камайтириш керак.

Нормал тана оғирлигини аниқлашда яна махсус номограммалар мавжуд бўлиб, унга мисол қилиб академик А. Покровский номограммасини олиш мумкин. Бу номограммада юқорида қайд қилинган кўрсаткичлардан ташқари, ҳар кимнинг касб-кори, шунга кўра, бир кеча-кундузда сарфланадиган, умумий энергия миқдори ҳам ҳисобга олинади.

Семизликнинг юзага келишидаги асосий омиллар — кам ҳаракат қилиб, кўп миқдордаги юқори калорияли овқат истеъмол қилишдир. Бу омилларнинг юзага келиши биринчидан, техника асри ҳисобланган ҳозирги кунда турмушимизга ҳар хил машина ва механизмларнинг кўпроқ кириб бориши туфайли энг оддий жисмоний ишлар ҳам инсоннинг минимал иштироки билан осонгина бажарилиши сабабли кам энергия сарфланишида бўлса, иккинчидан, ҳар хил овқатлар тайёрлаш технологиясининг тобора такомиллашиб, бир-бирини маъзали, тез ҳам бўладиган таомларнинг кўплаб истеъмол этилиши туфайли ортиқча энергия бирлигининг қабул қилинишидир.

Ҳар бир одам бутун умри давомида анча-мунча озуқа моддалар, сув ва туз истеъмол қилади. Статистик маълумотларга қараганда, оғирлиги ва жисмоний иш бажариш ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, 70 йил яшаган одам умри давомида 2,5 тонна оқсил, 2,3 тонна ёғ, 10 тоннадан кўпроқ карбонсувлар, 300 килограмм ош тузи ва 50 тонна сув истеъмол қилади.

Семиришнинг олдини олиш ва семизликдан қутулишнинг энг муҳим йўли парҳез терапия (диетотерапия) ҳисобланади. Виз қуйида парҳез терапиянинг асосий принциплари ҳақида фикр юртамиз.

Даставвал шунга эътибор қилиш керакки, парҳез терапия давомида жараён бўлганлиги учун у организмнинг физиологик эҳтиёжига зид бўлмасдан, унинг озиқ моддаларга бўлган мўътадил сифат ва миқдор талабини

қондириши зарур.

Семиз кишилар учун кам калорияли парҳез таом белгиланади. Гап шундаки, кундалик истеъмол қилинадиган овқат таркибидоги асосий озиқ моддалар — оқсиллар, ёғлар ва карбонсувлар бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум энергетик қийматга эга. Кундалик овқат рационидоги бир ҳисса оқсил, шунча ёғ ва турт ҳисса карбонсув бўлиши лозим. Организмдаги барча аъзоларнинг ишлари учун унда маълум ҳароратнинг сақланиб туриши, жисмоний ва ақлий меҳнат қилиш учун овқат билан қабул этилган энергия пешма-пеш сарф бўлиб боради.

Семирмаслик учун истеъмол қилинган овқат билан кирган энергия бажариладиган ҳар хил ишлар билан тўлиқ сарфланиши керак. Бунинг учун организмнинг саломатлик даражасига қараб, турли хил жисмоний меҳнат ва спорт билан шугулланиш яхши натижа беради. Бошқача сўз билан айтганда, камроқ овқатланиб, кўпроқ ҳаракат қилиш керак. Акс ҳолда, тана оғирлиги камаймайди. Албатта, бу йўл билан ошиқча оғирликдан қутулиш бирданига юз бермайди, унинг учун қаттиқ режим ва ирода кучини ишга солган ҳолда ҳафталаб, ойлаб асосий мақсад сари интилиш зарур.

Олиб борилган махсус кузатишлар шу нарсани кўрсатадики, агар одам ҳар куни 100 грамм нон ёки 25 грамм сариеғни эҳтиёждан кўп истеъмол қилса, у кунига 10—20 грамм семиради ва бир йилда тана оғирлиги 3,6—7,2 килограммга ортади.

Семирмаслик қарши курашаман деб ҳаммиса кам калорияли овқат истеъмол қилиш организмни анча қийнаб қўяди, доим овқатдан тўймаслик, вақти-вақти билан оч қолиш кишига азоб беради. Ута семиз одамларда бундай азоб чекиш анча кучли кечади, чунки ёғ ҳужайраларининг яшаб туриши учун уларга карбонсув, ёғ ва оқсилга бой кон ва лимфа тўхтовсиз оқиб келиб туриши керак.

Истеъмол қилинадиган овқатли моддаларнинг калориясини камайтириб, миқдорини камайтирмаслик учун ҳазм бўлмайди, кам қарама, шолғом, лавлага, сабзи, ошқоқоқ каби полиз маҳсулотлари, қора нон, кепак қўшиб тайёрланган махсус нонлар, ўсимлик поялари, мева пўсти ва мағизлари каби овқат тоғаларига бой маҳсулотларни истеъмол қилиш лозим.

Ориқлашга қарор қилган баъзи бир одамлар семиришдан қутулиш учун ўзларини узоқ вақт 10—12 соатлаб оч юришга мажбур қиладилар. Бу тамомила нотўғридир. Қўплаб ўтказилган тажрибалар ва кузатишлар шу нарсани тасдиқлайдики, узоқ вақт оч юрган организмда ошқозон, ичаклар зарар қўради, кўп миқдорда овқат еб қўйилади ва энг муҳими, истеъмол қилинган озуқа моддаларнинг барчаси тезроқ ёғга айланади, организмда ёғ тўплана бошлади.

Одатда, бир кунда 4 марта овқатланиш керак. Семиз одамлар эса оз-оздан 5—6 марта овқатланиши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганида иштаҳа

бироз тўхтаб, оч қолиш ҳисси учун кўп билинмайди.

СССР Медицина Фанлари академияси Овқатланиш институтида ўтказилган илмий кузатувлар шунга кўрсатадики, семириш, юрак ишемия касаллиги, гипертония ва ўт пуфаксининг яллиғланиши (холецистит) билан оғриган беморларнинг 62 фоизи бир кунда 1—2 марта овқатланиб юрган бўлса, 33 фоизи 3—4 марта овқатланадиган одамлар бўлган.

Шуни ёдда сақлаш лозимки, асосий озиқ моддалар (оқсил, ёғ, карбонсувлар) энергия запаси бўлиб хизмат қилишдан ташқари, организм учун «қурилиш материали» бўлиб ҳам ҳисобланади. Танадаги барча ҳужайра ва тўқималар шулар ҳисобидан янгилиниб туради, ўсувчи организмда эса, бундан ташқари, янги ҳужайра ва тўқималарнинг ҳосил бўлиши, асосан, оқсил, бирмунча ёғ ва қисман карбонсувлар ҳисобидан бўлади. Шунинг учун парҳез терапияга ўтилганда ҳам ҳар бир организмнинг ҳосил бўлиши, асосан, оқсил, бирмунча ёғ ва қисман карбонсувлар ҳисобидан бўлади. Шунинг учун парҳез терапияга ўтилганда ҳам ҳар бир организмнинг ҳосил бўлиши, асосан, оқсил, бирмунча ёғ ва қисман карбонсувлар ҳисобидан бўлади. Шунинг учун парҳез терапияга ўтилганда ҳам ҳар бир организмнинг ҳосил бўлиши, асосан, оқсил, бирмунча ёғ ва қисман карбонсувлар ҳисобидан бўлади. Шунинг учун парҳез терапияга ўтилганда ҳам ҳар бир организмнинг ҳосил бўлиши, асосан, оқсил, бирмунча ёғ ва қисман карбонсувлар ҳисобидан бўлади. Шунинг учун парҳез терапияга ўтилганда ҳам ҳар бир организмнинг ҳосил бўлиши, асосан, оқсил, бирмунча ёғ ва қисман карбонсувлар ҳисобидан бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, семизликдан қутулиш учун шаккар, асал, мураббо, конфет, шоколад каби ширинликларни кундалик рациондан бутунлай чиқариб ташлаш керак. Нон истеъмол қилиш ҳам бир суткада 100—150 граммгача камайтирилиши шарт. У ҳам қора нон бўлиши мақсадга мувофиқдир. Семиз ва семиришга мойил одамлар кўпинча тандирдан эъди чиққан оппоқ нонни хуш қўришади ва баъзан бундай нонлардан 1—2 тасини паққос туширадilar. Семирмайман ва соғлиғимни яхшиламайман, деган киши бу одатдан воз кечиб, кўпи билан бир-икки бурда нон ейиши kifоя.

Ортиқча семириб кетган кишилар баъзан семизлик кўп ёғ истеъмол қилишдан деб кундалик овқатидан ёғни тамоман чиқариб ташлашга ҳаракат қиладилар ва унинг ўрнига кўплаб ҳар хил карбонсувлар (нон, крахмал, ширинликлар), гўшт ейдилар. Бу, албатта, нотўғри, семиз одамлардаги қалин ёғ қатлами истеъмол қилинган ёғдан кўра, ортиқча қабул қилинган карбонсувлар ҳисобидан ҳам кўпаяверади.

Ортиқча семизликдан қутулиш учун қўлланиладиган муҳим тадбирлардан яна бири — ҳафтада бир марта энгиллаштирилган овқатланиш кунини ташкил қилишдир. Бунинг маъноси шуки, кунин билан фақат бир хил таомдан чегараланган миқдорда истеъмол қилиш керак. Масалан, кунин бўйи

(Охири 30-бетда)

# КАТТА- КЎРҒОНДАГИ ФОЖИА

Шарофат ая бизни дилкашлик билан ичкарига таклиф қилди. Атрофга разам солдик: ҳаммаёқ ораста. Хонтахта устида бир даста газета-журналлар турарди.

— Оиламиз бўйича етмиш сўмлик газета-журналга эзилганмиз, — деди онахон. Шу газета-журналлардан янги, далда бўладиган мақолаларни ўқиб, телевизорда «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари»га ўхшаган кўрсатувларни кўриб, чолу кампир овуниб ўтирамиз-да. Бўлмаса, оиламиз бошига тушган айриликлар бизни адоий тамом қиларди.

Шундан сўнг онахон оиласида кетма-кет юз берган фожиаларни ўқиниб-ўқиниб гапириб берди.

...1985 йил, 28 июль. Мана шу сана Шарофат аянинг ҳам, унинг 81 яшар эри Эргаш отанинг ҳам қалбида қора қўланка бўлиб қолди. Уша куни уларнинг, Каттақўрғон шаҳрининг Войкова кўчасидаги 18-уйда, яъни қайночасининг ҳовлисида яшаётган қизи Ширин йўқолиб қолади. Уттизинчи июлда қудаси Салим Раҳмонов буларниқига келиб:

— Ширин эримнинг ишини суриштир-ман деб (турмуш ўртоғи Исмат Раҳмонов магазинга ўғирлиққа тушгани учун 8 йилга қамалган эди), кечадан олдинги куни кетган эди, келмапти, — деди.

— Ташвиш билан кетган бўлса, бу-ғур-эрта келиб қолар, у ерда танишлари ҳам бор, — дея Шарофат ая қудасини тинч-лантирган бўлди.

Қудаси кетди. Лекин энди чолу кампир гулгулага тушиб қолдилар. Улар кечга яқин қудасиникига кичкина қизи Ўғилройни юборишди.

— Йўқ, опам ҳали келмапти, — деди кеч-курун шаҳардан кўнгли алланечук бўлиб қайтган Ўғилрой.

Энди улар район ва шаҳар ички ишлар бўлимларига боришиб, қизи Ширин Раҳмонова йўқолганлигини хабар қиладилар. Лекин Ўғилрой ҳам, унинг кекса ота-оналари ҳам ўшанда бу факт район милициясининг тегишли дафтариди қайд қилинганми, йўқми буни билишмайдди. (Бу нарса андиликда ўзига хос аҳамият касб этмокда).

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Каттақўрғон сув омборидан бир аёлнинг ўлиги топилади. Ички ишлар бўлими ходимлари Муҳтарам ва Салим Раҳмоновларга мурдани: «Йўқолган келинингиз шу эмасми?» деб кўрсатадилар. Улар эса: «Йўқ, биз бу жасадини танимадик», деб жавоб қиладилар. Наҳотки, етти-саккиз йилдан бери хар куни кўриб юрган келинингиз уч қунлик жасадини, лоқал унинг кийимларини танимасалар?!.. Қалаванинг бир учи шу ердан бошланмади-микин?.. Лекин нимагадир район ички ишлар бўлимининг ходимлари: «Кизимиз Ширин йўқолиб қолди», деб боласини илонга элдирган қалдирғочдай чирқираб юрган Шарофат ая ва Эргаш оталарни бундан огоҳ қилмайдилар. Улар фақат «номаълум» ўлик сув омбори атрофидаги бошқа колхоз территориясига кўмиб юборилгандан кейин-гина, орадан уч-тўрт кун ўтгач, бундан ха-бар топадилар ва милиция ходимларидан ўша мурдани очиб кўрсатишни талаб қила-

дилар. Шарофат аянинг Сабоҳат ва Ўғилрой исмли қизлари кийим-бошларидан ўлган опасини танийдилар.

Кекса ота-онага бу айрилиқ етмагандек, орадан бир йил ўтар ўтмас, яъни 1986 йилнинг 12 январь куни уларнинг хонадониди иккинчи бир фожа юз беради. Ширин ҳалок бўлганидан кейин ота-она унинг уч но-раста боласини ўз тарбиясига олган эдилар. Бир куни мархум қизининг катта ўғли, етти яшар Дилшод холаси Рафоатниқига кетаётган бўлади. Насруллаев деган кимсанинг ҳовлисида тўйида фойдаланилган стол-стуларни тракторига ортиб, юқори тезликда бораётган Мардон Ҳайдаров Дилшодни уриб кетади ва бола ҳалок бўлади.

Ҳа, тақдирнинг аёвсиз синовлари бор-да. Бундай ҳисоблаб кўрсак, биринчи фожа-нинг юз берганига икки ярим йил, иккин-чисига эса бир ярим йилдан ошибди. Афсуски, ҳанузгача Шириннинг қотили топилма-ган, болани босиб ўлдирган тракторчи Мардон Ҳайдаров ҳам жазоланмаган, таралла бедод қилиб юрибди.

Жабр-қайғу гирдобиди қолган Холиқов-лардан редакцияга келган арзномаларда мазкур жиноятларни текшириш қоникарсиз олиб борилганлиги, райондаги тегишли идо-раларнинг баъзи ходимлари қидирув-тергов ишларида объектив ва изчил иш юритмаёт-ганликлари, аниқроғи, ҳар иккала жиноят билан шуғулланиш пайсалга солиб келина-ётганлиги батафсил баён қилинган эди. Виз шу хатлар бўйича Каттақўрғонда бўлгани-мизда, айтилган жиноятлар бўйича текши-ришларнинг қандай олиб борилганлиги ва нима учун жиноят ишлари икки ярим йил-дан бери ҳануз топилмаганлигининг сабаб-лари билан қизиқдик.

Дастлаб Ширин Холиқованинг ўлими ху-сусида. Унинг қайночаси Салим Раҳмонов-нинг гапига қараганда, келини 1985 йил 28 июль куни қўшнисидан 15 сўм олиб (нега энди Ширинга қайнота ёки қайночаси 15 сўм беришни раво кўрмаган?), ҳали айтганимиз-дек, қамалган эрининг ташвиши билан кетган. Қайтиб келмаган. Орадан уч кун ўтгач эса 1 августда унинг ўлиги Кат-тақўрғон сув омборидан топилган. (Кучли зарбдан унинг уч қовурғаси синган, орқа миёсининг суяги эзилган эди).

Ўшанда биз тўрт киши — Каттақўрғон район прокурорининг ёрдамчиси Азамат Назаров, район ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув ишлари бўйича катта ин-спектори Акрам Холбоев (янги ходим), самар-қандлик журналист Лутфулла Мамасолиев ва мазкур сатрлар муаллифи мархума яша-ган Каттақўрғон шаҳридаги Войкова кўча-сидаги 18-уйда, яъни Салим Раҳмоновнинг

хонадониди бўлиб, фожа тафсилотини су-риштирдик (Айтмоқчи, ўша жойнинг маҳал-ла комитетининг раиси Иззат Шукуров ҳам бизга ҳамроҳ бўлган эди).

— Сизнингча, келинингизнинг жонига ким қасд қилган бўлиши мумкин? — деб Салим Раҳмоновдан сўрадик.

— Билмасам, бирор ганими бўлгандир-да. Эҳтимол, қамокдаги эрининг иши билан қизиққач, унинг ўғри шериклари қасд қил-гандир.

— Ўғлингиз Исмат ҳақида қандай фикр-дасиз?

— У, бебурдроқ чиқди, учта хотин олди. Ҳадеганда хотинларининг унисидан ҳам, бунисидан ҳам узилиб кетолмади.

— Отаси қамалиб, онаси фожиали ҳалок бўлгач, гирт етим қолган уч нафар набираси-ни мархуманинг ота-онаси ўз паноҳларига олибдилар. Шу орада яна бир фожа юз берибди: катта неварангиз Дилшодни трак-тор босибди... Етим-норасталарнинг тақди-рига қандай қарайсиз?

— Улмаса, одам бўладилар-да...

Олтмишдан ошиб етмишчи қоралаган Са-лим Раҳмоновнинг фалсафаси шундай. Фо-жиалар гирдобиди гирт етим қолган наби-раларини бирма-бир эслатганимизда ҳам, уларнинг тақдирига ачинмади, тошмехр экан, кўнгли сал бўлса-да ўксимади. Бунинг устига, биз кетишга чоғланарканмиз, у том-дан тараша тушгандек:

— Келинга тўйида кўрпа-тўшак қилган-дик. Ушалар уйда ётибди, олиб кетишмас-микан? — деди.

— У ҳаётдан кўз юмган бўлса, ашқол-дашқолингизнинг энди кимга кераги бор, — дедик унинг гапидан энсамиз қотиб.

Афтидан: «Бу комиссия ҳовлимизда Ши-ринлар истикомат қилган уйни болаларига олиб бериш ниятида келмадимкин?» деган шубҳа қолнинг хаёлидан ўтгандек эди. Ил-гари оилада жанжал бўлавергач, эри Ис-мат биринчи хотини билан ҳам алоқасини узма-гач, Ширин ажраламан деб шаҳар судига арiza беради. Суд оила яшаб турган уйни ёш болали онага бериш ҳақида ажрим ҳам чиқармоқчи бўлганди. Буни эшитган қайно-та: «Берадиган уйим йўқ, керак бўлса, ке-линим келиб яшасин», деб оёқ тираб олган эди. Ўшанда уч ой ота-онасиникида турган Ширин эриникига қайтишга мажбур бўлди.

Ҳўш, Ширин Холиқованинг қотили ким бўлиши мумкин? Аламзада Шарофат ая билан Эргаш отанинг гумони кимдан?

Одатда, қидирув-тергов идораларини қи-зиқтирадиган бундай муаммо-мулоҳазалар бизнинг хаёлимиздан ҳам ўтди.

Кексаёиб, оғир айриликлар дастидан чўкиб қолган ота-онасига нисбатан саводли, сермулоҳаза, район социал-таъминот бўли-мида ишлайдиган Ўғилрой Холиқова мана икки йилдан ошибдики: «Опамнинг қотили топиб жазоланиши керак!» деган арз-дод билан район ва областъ адлия идоралари-нинг эшигини қоқиб юрибди. Лекин мазкур жиноий иш билан шуғулланган ички ишлар ходимларининг лоқайдлигини ёки тажри-басизлигини ҳалигача ишнинг нати-жаси бўлмагандир.

Тўғри, қидирув-тергов ходимлари бу бо-рада бирмунча ишлар қилдилар. Уч жилда жойланган турли ҳужжатлар шундан да-лолат беради.

Ҳужжатлар билан бирма-бир танишамиз. Мархуманинг қайночаси Салим Раҳмонов-нинг уйи тинтув қилинганда, унинг уйдаги болтанинг муҳраси (обух)дан олган тола соч топилади. Мазкур соч тоалари мурда-дан олинган 50 тола соч билан бирга эксперт қилиш учун Тошкентга юборилади. Респу-блика Ички ишлар министрлигининг ўн уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган эксперти: «Ҳар иккала соч тоалари беш хил белги-ларига кўра бир-бирига ўхшашдир», деган хулоса беради. Бу — иш билан шуғуллана-ётган қидирув-тергов ходимлари учун му-ҳим далил бўлиши мумкин эди. Лекин бу орада яна бир ҳодиса юз беради: мархума Шириннинг сингласи Ўғилрой билан опаси-



нинг қайнотаси Салим Раҳмонов мунозара қилиб, қазаришиб қолади. Жаҳлдан ўзини тиймаган Раҳмонов қизни уриб, унга тан жароҳати етказди. Шаҳар ички ишлар бўлими қотилиш топиш билан боғлиқ бўлган асосий ишни иккинчи ўринга қўйиб, кейинги иш билан шуғулланадилар. Уртада суд бўлиб, Салим Раҳмонов Ўғилоний уриб, тан жароҳати етказгани учун бир йилга қамалди. Назаримизда, ишнинг бундай йўсинда юритилиши асосий жиноий иш — қотилиш топиш учун олиб бориладиган қидирув-тергов ишларини бирмунча бўшаштириб юборган.

Мархуманинг ота-онаси, қариндошлари Салим Раҳмоновни қотилликда гумонсираб, бошқа фикр-мулоҳазаларни ҳам ўртага ташламоқдалар.

Ўғилни Холиқованинг тушунтириш хатидан: «1985 йил май ойида опам Ширин бизни келган эди. У ўшанда бир гапни хавфсираб айтганди: «Яқинда қайнотам уйимизга нотаниш бир кишини бошлаб келди. Менга дастурхон олиб келишни буюрди. Дастурхонни олиб йўлакда келардим, ичкаридагилар мени кўрмас эдилар. Қайнотам ҳалиги нотаниш кишига нималарнидир гапириб: «Қонга соламиниз-да, сувга ташлаб гумдон қиламиз...» деди. Бирдан юрагим орқага тортиб кетди. «Қайнотам одам ҳам ўлдираркан-да...» деган совуқ фикр ҳаёлимдан ўтди...» — «Яна тагин бир факт... деб изоҳ беришда давом этади Ўғиллой. — Опам Шириннинг ўнг бўйинида қора холи бор эди. Ўлгандан кейин жасадини синчиклаб, ўша жойни кўрсак, холи кесиб олиб ташланган. Қотиллар ўлик топиладган ҳам эгалари уни танимасин деб, атайин шундай қилишган...» Кўшимча муҳим бир факт: мархуманинг устидаги кийим, афтидан, у ўлдирилгандан кейин кийгизилган. Негаки, тандаги пичоқ жароҳатларининг изи кийим-бошида йўқ, кийими бут эди.

Қайнотаси Салим Раҳмоновнинг гапига қараганда, гўё Ширин: «Шаҳарга жўнаб кетаман», деган куни қўшинисиникига кириб, қарзга 15 сўм олган. Аслида эса қўшинидан 15 сўм қарзни қайнонаси Муҳтарам опа олиб чиққан. Қўшинининг гапига кўра, у қарзга учта беш сўмлик берган. Орадан кўп ўтмасдан эса қайнонаси Муҳтарам унга бешта уч сўмлик келтириб берган. Нега, энди арзиманган ўн беш сўм деган нарса қайнота ёки қайнонанинг бисотидан топилмади экан? Ўн беш сўмни келинига беришни раво кўрмаган қайнона Ширин учун қарз сўраб, қўшинисиникига чиқадими?! Мантиққа зид гаплар!.. Ноилж қарз олиш зарур бўлганда ҳам қўшинисиникига Шириннинг ўзи чиқмасиди?

Сирасини айтганда, бу муаммолар, фактлар мазкур жиноий иш билан шуғулланган қидирув-тергов ходимлари учун дастак бўлиб хизмат қилиши мумкин эди-ку?!

Қарабсизки, Шириннинг фожиали ўлиmidан буён қарий уч йил ўтапти. Мазкур иш билан шуғулланган Самарқанд область прокуратурасининг криминалист прокурори Сирож Эргашев ҳам жиноятчи-қотилиш топиш ва жиноят сирларини фож қилиш учун изчиллик, қатъиятлик, синчковлик кўрсатолмаган. Айниқса, Салим Раҳмонов бир йилга қамалиб кетганидан кейин қидириш-тергов ишлари мутлақо сусайтириб юборилган.

Биз мазкур жиноий ишга оид ҳужжатлар билан танишганимизда, мана шундай фактларга ҳам дуч келдик: область прокуратураси жиноят кодексининг 81-моддаси билан 1985 йил 10 августда қўзғатилган жиноий иш текшириш даврида жиноят қилган шахс аниқланмаганлиги учун ишни 1986 йил 31 мартда жиноят кодексининг 168-моддаси билан тўхтатишга қарор қолади. Ишни ўрганиб чиққан республика прокуратураси эса область прокуратурасининг бу қарорини бекор қилиб, текширишни давом эттириш ҳақида кўрсатма беради. Орадан яна қарий бир йил ўтади. Тегишли адлия ходимларининг ўта совуққонлиги оқибатида бу вақт ичда ҳам қўшимча бирор нарса аниқланмаган. Область прокуратураси яна осон

йўлни тутди: 1986 йил 13 декабрь қарори билан ишни тўхтатди.

Йўлаб кўринг. Ёвузлашган кимса бирор қотилликка қўл уришга зимдан тайёргарлик кўрар экан, у албатта, қотилликнинг изини йўқотиш ҳақида пухта ўйлайди, уни мутлақо чигаллаштириш йўлларини қидиради.

Ҳа, қотилиш топиш ва жиноятни фож этиш учун эса қидирув-тергов ходимларидан чинакам омилкорлик, синчковлик, қатъият, ишчанлик, изланиш, учти топишдан нарсани охирига етказиб олиш каби фазилатлар талаб қилинади.

Энди Шарофат аянинг невараси Дилшоднинг ўлими билан боғлиқ фожа ҳақида. Купна-кундузи йўлда кетаётган 7 яшар болани тежжкали тракторни бошқариб бераётган Мардон Ҳайдаров уриб кетган. Дилшоднинг холалари, қариндошлари фожа юз берган жойга чошиб боришиб: «Босиб кетган тракторчи қайёққа кетди?» деб додлаб, айбдорни суриштираётганликларини эшитган Мардон: «Энди улар мендан қасд олишади», деган андидада уйда арқонни сиртмоқ қилиб ўзини осомоқчи бўлади. Лекин бундан хабар топган ақиллари бунга йўл бермайдилар.

Бу фожианинг юз берганига ҳам қарий икки йил бўлапти, тергов-текшириш ишлари эса охирига етказилмаган.

Биз мазкур жиноий ишлар тафсилотлари билан қизиқиб, Каттақўрғонда мазкур фожиалар замирида яна бир фожа борлигини тўла ҳис этдик. Бу, ўша ердаги баъзи адлия ходимларининг ўз бурчига нисбатан ўта масъулиятсизлиги, юз бераётган жиноий ишларга, гайриқонуний хатти-ҳаракатларга лоқайдлиги, энг таажжублиси, жиноятчилар билан муросазосизлигидир.

Акс ҳолда, етти яшар болани тракторда босиб ўлдирган жиноятчи Мардон Ҳайдаровнинг ҳалигача эмин-эркин юрганлигини қандай изоҳлаш керак?

Шу иш билан шуғулланган шаҳар ички ишлар бўлимининг терговчиси А. Норбўтаевнинг жиноятчи Мардон Ҳайдаровга очикдан-очик ён босганлиги тергов материалларидан яққол кўриниб турибди.

Эътибор беринг. Каттақўрғон шаҳар суд-медицина эксперти С. Тоиров имзаси билан берилган экспертиза хулосасида: «қаттиқ, оғир жисмининг зарбидан боланинг бош суяк-лари синган, бош миёга қўллаб қон қуйилган», дейилади. Терговчи Норбўтаев эса: экспертнинг қонуний ҳужжатини атайлаб инобатсиз қолдириб: «Агар болани трактор босган бўлса, кийимларида тракторнинг гилдирак излари бўларди-да. Бундай излар йўқ...» деб мутлақо мантиқсиз мулоҳаза юригатади.

Таажжуб! Эксперт «боши...» деса, бу «ёнбоши...» дейди-я! Терговчи айбдор Мардон Ҳайдаровнинг барча кўрсатмалари (гаплари)ни тортинмай-нетмай асос қилиб олади ва ҳатто ЎзССР Жиноят кодекси 175-моддасининг 2-пунктини қўллаб, ишни бекор қилиш ҳақида қарор ҳам чиқаради. Норбўтаев ўз терговининг бир жойида яна шундай деб ёзади: «Ўша куни кабинада тракторчининг ёнида ўтириб келаётган Толмас Насруллаев ҳам (вояга етмаган ўспирин) Дилшоднинг кўчада ўзи ағанаб, йиғлаб ётганини кўрдим, деб кўргазма берди ва Мардон Ҳайдаровнинг гапларини тасдиқлади». Ахир, ўша Толмас тўй қилган Насруллаевнинг ўғли-ку?! Мардон Ҳайдаров у билан бирга тўйхонадан энди бўшаб қолган ускуналарни олиб кетаётган эди. Толмас тўғри кўрсатма берса, тўй эгаси бўлган отасига ҳам гап тегиши мумкин эди-да. Аввало, унга терговчига нима дейиш кераклигини, Ҳайдаровнинг ўзи ўргатиб қўймадимикин? Агар ҳар бир жиноят терговчи Норбўтаев «усулида» «новаторона» талқин қилинади ҳам бўлса, Каттақўрғонда адолатнинг қарор топиши амримаҳолга ўхшайди.

Уртоқ Норбўтаев! Эл оғзида: «Терговчига Мардон Ҳайдаровнинг қариндошлари 25 минг сўм йиғиб берибди», деган миш-миш юрибди. Миш-мишининг тўғри ёки нотўғри-

лиги ҳақида қаролат беролмаймиз. Лекин ёмон гап ёмон-да. Адлия ходимининг босган изи тоза бўлиши керак. Акс ҳолда... Норбўтаев, эҳтимол, билмас. Тракторчи ўша Мардон Ҳайдаров илгари ҳам бир ёш йигитнинг ўлимига сабабчи бўлган: 1984 йилнинг кеч кузи эди. Тельман номли колхознинг 14-бригадаси (ҳозирги 15-бригада) хирмонида кўрак қувийдиган машина ишларди. Машина эса Мардон Ҳайдаров ихтиёридаги тракторга тиркалган эди. Кеч, қоронгу, 28 яшар навқирон Қодир исмли йигит кўракларни машина ҳалқумига йўларди. Ушанда механизмларнинг ишлашини ҳушёрлик билан назорат қилиши лозим бўлган Мардон эса, ичкарида (шийон ичида) бир-икки уфатлари билан ичкиликбозлик қиларди. Ташқарида Қодирнинг ёлғиз ўзи ишларди. Ўша тоғда унинг энгли қўлини машина ичкарига — паррак тигига тортиб кетади. Ўша заҳоти тракторни зудлик билан ўчирадиган одам бўлмаганидан тиг йигитнинг ярим танасини юлиб кетади ва Қодир ҳалок бўлади. Ўшанда Мардон Ҳайдаров жинояти учун икки йил шартли муддатга ҳукм қилинган эди. У суд ҳукми билан бундан кейин тракторни бошқариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинган эди.

Одатда, адлия идоралари зиммасига профилактика (жиноятнинг олдини олиш) тадбирларини муттасил амалга ошириш масъулият ҳам юклатилади. Мабодо, район ички ишлар бўлими Мардон Ҳайдаровнинг тракторни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиш фактини назорат остига олданда эди, эҳтимол, кейинги фожа юз бермаган бўларди.

Шу ўринда район милиция бўлимининг профилактика тадбирларини амалга ошириш масаласига ўта совуққонлик билан қараётганлигини яққол тасдиқлайдиган яна бир фактни келтираемиз. Бу нарса ўша воқеанинг жонли гувоҳи бўлган, Шарофат аянинг ўғли Аҳмад Холиқовнинг тушунтириш хатига аниқ баён этилган: «1983 йилнинг 14 октябрь куни эди. Мен ўша куни Тошкент (ўқиниш)дан ота-онамни кўргани келгандим. Соат кеч ўн бир яримларгача холамларникида бўлдим. Соат ўн иккиларга уйга кайтдим. Ичкарига кирдим. Хонада онам, отам, опаларим бор эди. Мен энди ухламоқчи эдим. Лекин нимадандир кўнглим хижи бўла бошлади. Ўша тоғда қовлида мийтиқ отилгани эшитилди. Зудлик билан ташқарига чиқдим ва қовлидаги чироқни ёқдим. Қонга ботган итимиз гиншиганча кўча эшикдан келарди. Ўзимни сал орқага — деворга олдим. Кимдир панада туриб, уйимизнинг деразасини кўзлаб яна ўқ уади. Кўча эшикка бориб қарасам, мийтиқли киши мотоциклига ўтириб, жўнаб қолди. Чироқ ёруғида танидим: у — почтам Исмат Раҳмонов эди. Оилавий жанжалдан боши қотган Ширин опам ўшанда эрдан ажрамаган, деб бизникига келиб турган эди-да. Дарҳол ичкарига кириб, милицияга хабар қилдим. «02» дагилар эса: «Яна мийтиқ отилсин, кейин борамиз», деб жавоб қилишди. Ўша вақтда бемаҳал шовқини эшитиб, Бурҳон Раҳимов, Олим Рўзиев деган қўшинларимиз ҳам бизникига чиқиб келишганди. Бурҳон ака милицияга телефон қилди. Афтидан, милициядагилар унга: «Ҳозир борамиз», деб жавоб қилишди. Орадан икки соатлар вақт ўтгач, участка милиционери Раҳматулла деган киши келди. Эртасига эрталаб район прокуратураси ва милиция ходимлари келиб, сочма ўқлар саҳрага жойларни текширишди ва «хал қиламиз» деб кетишди. Лекин улар ҳеч бир чора кўрмадилар.

Шу ўринда биз эътиборни масаланинг иккинчи бир томонига қаратмоқчимиз. Совуқ қурол ҳисобланган мийтиқни расмий руҳсатсиз олиб юриш, бунинг устига, ярим тунда биронинг уйига боетириб бориб, кетма-кет ўқ узиш, итнин отиб ўлдириш — булар ҳаммаси жиноят, гайри-қонуний хатти-ҳаракат эмасми?..

Ҳўш, ўшанда Каттақўрғон район милицияси бўлими бу жиноий ҳолатга қандай муносабат билдиришди?

# ШОРУСТАМ «ТҮРТИНЧИ»

**У**ЛУГ Октябрь социалистик революцияси Совет Шарқида миллион-миллион ерсиз, от-уловсиз, ижтимоий жихатдан эзилган ва хўрланган меҳнаткашларни фаол сиёсий кураш йўлига олиб чиқди. Ҳаётни қайта қуриш учун бўлган синфий кураш ҳуррият учун отланган фидойи кишилар сафини кенгайтирди.

Мамлакатда Таъсис мажлиси, Дума сайлови кампанияси жараёнида ишчи-деҳқон депутатлари Совети юзага келиб, меҳнаткашлар ўз вакиллари учун «4-рақамли» сайлов қутчасига ўз соққаларини ташлаб овоз бердилар. Кейинчалик халқ душманлари, босмачилар, бойлар, рухонийлар нафрат билан адолат курашчиларини «тўртинчи» «большевик», «кофир» деб атадилар.

Янги социалистик тузум, халқ ҳокимияти учун курашганлар сафида Чуст шаҳридаги Сабазвор маҳалласида яшаган Азимбойнинг қароли, камбағал, ерсиз Шоғофурнинг ўғли Шорустам ҳам бор эди. У қизил командир Музаффаров қўл остида 1918 йилдан бошлаб Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, босмачи каллақасарларга қарши кураш, ерсиз ислохоти ўтказиш, бойлар қўлидаги мол-мулкни халққа олиб бериш учун мардонавор кураш олиб борди. Маҳаллий аксилянқибчилик Шорустамни «кофир», «тўртинчи» деб атадилар ва унинг довураклигидан қўрқиб, ваҳимага тушардилар.

Шорустам рафикаси Ҳожаалбини (қаранг: «Гулистон», 3-сон, «Шиддатли йиллар сабоғи») биринчилар қаторида паранжи-чачводини ташлашга ва саводини чиқаришга даъват этди. У хотин-қизлар озодлиги душманлари ва муштумзўрларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб борди. Шорустамдан ўч олишга қасд қилган маҳаллий бой ва руҳо-

нийлар босмачи тўдаси билан тил бириктириб, ҳийла билан уни қўлга тушириш режасини тузадилар. Ана шу мудҳиш режа ижтимоийчилари: «Шорустамнинг 5 яшар ўғли Ҳотамжон қўлга олинса, отаси ўғлини қутқаргани келади. Ўшанда у бадқирдорни ушлаб олиб, жазосини берамиз», деб ўйлайдилар. Душманлар ҳийласини ўз вақтида дўстлари туфайли билиб қолган Шорустам ўғлини Қорақўрғон қишлоғидан Чуст шаҳрига қочириб, ўзи уйи яқинидаги сой бўйидаги пасткам жойга яширинади. Босмачилар тўдаси маҳалла сўфиси ёрдамида қўрғонга бостириб киради. Шорустамни қўлга туширолмаган босмачилар унинг қари онасини қалтаклаб, ўғли қаерга яширинганини айтиб беришни талаб қиладилар. Онасининг азобланаётганини кузатиб турган Шорустам аламинида лабларини тишлаб, кўздан ёш тўкади. Аммо даҳшатли қалтаклар ҳам она иродаси ва матонатини букаолмайди. Она ўғлининг яширинган жойини айтмайди. Шу воқеадан кейин Шорустамнинг душманларга нисбатан нафрати янада ортади.

Шорустам халқ милицияси сафида фаол хизмат қилади. Халқ ҳокимияти душманларининг очик ёки яширин хатти-ҳаракатини билиб олади, қўллаб жиноятларни фош қилишда фаол иштирок этади. У фидойилик билан қилган хизмати учун қўллаб жангвор ордени ва медаллар билан тақдирланди.

Мамлакатимизда 1930 йилдан бошлаб қайта қуриш, яқка хўжаликка асосланган тарқоқ деҳқонларни коллектив хўжаликларга бирлаштириш ҳаракати кенг тус олади. Ана шу даврда Шорустам Қўчқор Эрийитов, Едгор Аъзамов каби дўстлари билан биргаликда бойлар ва рухонийлардан мусодара қилинган ерлар ҳисобига Қорақўрғон қишлоғида «Ленин йўли» номи тўнгич колхозни тузишда ташкилотчилик қилади. Ун-

лаб ўзи каби ерсиз деҳқонларни колхозга аъзо қилиб олган мазкур колхознинг биринчи правление раиси ҳам Шорустам Шоғофуров эди. Колхоз ишларини уюштиришда чинакам фидойилик кўрсатади. Кейинчалик «Ленин йўли» колхозга бошқа хўжаликлар билан бирлаштирилиб, Фрунзе номи колхоз ташкил этилди. Бу хўжалик ҳозир Чуст районида илғор колхозлардан ҳисобланади.

1937 йилда Шорустамга душманлар ноҳақ тухмат уюштирадilar. У ноҳақ камалиб кетиш хавфи остида қолгач, Тошкентга оиласи билан қўчиб кетади. Шу йили унинг рафиқаси Ҳожаалби партия ходимлари мактабида тахсил олаётган эди. Тегишли идоралар ёрдамида тухматдан қутилиб, яна Чустга қайтиб, ўзининг колхозда мириб вазифасида ишлайди.

Улуғ Ватай уруши бошлангач, Шорустам Шоғофуров фронтга қўнғилили бўлиб кетмоқчи бўлади. Лекин саломатлиги яхши бўлмаганидан ҳарбий комиссарият уни фронтга юбормайди. Шундан кейин 1942—1944 йилларда Шорустам фронт орқасидаги ишлар (рабочий батальон)да иштирок этади. Урушдан кейинги йилларда у Чуст шаҳар коммунал хўжалиги соҳасида турли вазифаларда ишлайди.

Шорустам ака ўз умр йўлдоши Ҳожаалби Абдуллаевнинг ўқиб, Чуст район партия комитетининг хотин-қизлар бўлими мудири даражасига етишувидида қўлидан келган ёрдамни кўрсатади. Улар ёш фарзандлари — қизи Шакархон, ўғиллари Болтабой билан Эркинжоннинг тарбияси ҳақида ҳам ҳамхўрлик қиладилар.

Улуғ Октябрь инкйлобининг фаол иштирокчиси, социалистик тузумнинг жасур ҳимоячиси Шорустам Шоғофуров билан унинг умр йўлдоши, хотин-қизлар озодлиги ҳаракатининг фаол қатнашчиси Ҳожаалби бахтли ҳаёт кечириб, кексалик гапшини суриб, тақдирни қарангчи, эр-хотин бир кунда 1967 йил 17 февралда вафот этадилар. Уларнинг порлоқ хотираси юртдошлари қалбидида яшаб келмоқда. Ҳа, Шорустам Шоғофуров сингари ватанпарварларнинг жасорати Улуғ Октябрьнинг 70 йиллик йилномаси саҳифаларидан муносиб ўрин олади.

Эркин ШАРИПОВ

Тўғри, ўша тунда милиция бўлимининг ходимлари Исмат Раҳмоновнинг уйига боришди. Ҳовлида турган мотоциклини кўздан кечирганлариди, унинг моторининг ҳали ёсик эканлигини аниқлашди. Улар: «Бу ноҳўя ҳаракатни Исмат Раҳмонов қилган экан-да», деган фикрга ҳам келдилар. Лекин нимагадир айбдорга нисбатан чора кўришга киришмадилар. Эҳтимол, ўша вақтдаёқ, Исмат ички ишлар ходимлари томонидан «қаттиқ жиловланган»да, бу кейинчалик унинг учун ҳам фойдали бўларми?

Энди ҳалиги милтик хусусида. Исматнинг отаси Салим Раҳмонов Каттақўрғон шаҳридаги ун комбинатида қоровул бўлиб ишлаган. Одатда, постда турган вақтида қоровулга тилхати бўйича қўриқлаш учун милтик берилади. Ўша кун Исмат қоровулда турган отасидан милтиқни олиб кетган ва қайнотасиникига бостириб борган.

Хизмат вақтида совуқ қурооллардан, яъни милтиқдан фойдаланишнинг қатъий тартиб-қондаси бор. Шу қондага риоя қилинишини назорат этиш ҳам муҳим профилактик тадбир ҳисобланади. Афсуски, ун комбинатининг қоровуллар бошлиғи Қажҳор Мирзаев хизмат постида фойдаланиш учун берилган милтиқ билан қоровуллар қандай «муомала» қилаётганлиги устидан мутлақо назорат этмаган. Бу борадаги профилактик тартиб-интизом мутлақо бузилган. Яна қўшимча факт: Ширининг фожиали ўлимидан кейин, яъни 1985 йили 12 августда қайнотаси Салим Раҳмоновнинг уйи тинтув қилинганди, иш жойидан келтириб қўйган ўқ-дорилар ҳам топилганлиги тегишли ҳуж-

жатларда қайд этилган. Ахир, совуқ қуроолларни уйда сақлаш, расмий рухсатсиз ундан фойдаланиш республика Жиноят кодексининг 210-моддасининг 2-қисми билан таъқиқланган-ку?! Наҳотки, Каттақўрғондаги қонушнуслар қонунининг оддий моддасини ҳам унутган бўлсалар!..

Биз Каттақўрғон район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Нарзулла Мусаев билан суҳбатлашганимизда, унинг ўз бурчига қанчалик совуққонлик билан қараётганлигини ҳамроҳларимиз гувоҳлигида ҳис этдик.

— Марҳума Шириннинг қайнотаси Салим Раҳмоновни таклиф қилсангиз, у киши билан воқеалар тафсилоти ҳақида суҳбатлашмоқчи эдик, — деб мурожаат этдик Мусаевга.

— Милтиционерларимиз уникига боролмайдилар, ҳақорат қилади, — деб тунд жавоб қилди у.

— Наҳотки, шунчалик бўлса. Сизлар журъат этмасаларингиз ҳам, ўша ерга биз борамиз. Бу аҳволда 125 минг кишилик район аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқини ким муҳофаза қилади? — атайлаб истехзо билан гапимизга илова қилдик.

У яна жабрдийда Уғйлой Холиқовани шундай оғохлантиради: «Опаннинг қайнотаси Салим Раҳмоновга кўп кўринаверма, у пичоқ олиб юради. Тагин...»

Район миқёсидаги катта бир идора бошлигининг мулоҳазасини қаранг. Демак, районда бирор фавқулодда фожиа юз берса, ўша жойга боришга уларнинг юраклари дов бермас экан-да. Шоир Маяковский: «Ме-

нинг милтиқим мени қўриқлайди», деганда, Мусаевга ўхшаган ходимларни мутлақо назарда тутмаган албатта.

Ҳаётимиз тарихи ёзувлиқ, қотиллик ёзувиздан пайдо бўлмағилини, инсон бўлиниқ қотилга айлиши жараёни жуда мурракаб эканлигини кўрсатади. Айни пайтда яна бир нарса мутлақ ҳақиқат: қаерда жиноят фош этилмаса, жиноятчи жазоланмаса, ўша ерда янги-янги жиноятлар пайдо бўлаверади, бир жиноят иккинчи бир жиноятни келтириб чиқараверади. Кўриб турибсизки, Каттақўрғонда юз берган фожиалар ҳам тўсатдан содир бўлгани йўқ. Ҳали изоҳланганимиздек, фожиаларнинг сабаблари, мантқиқ асослари бор. Мабодо, мазкур фожиалар замирида биз ҳис этган учинчи фожиа — ўша ердаги адлия идоралари баъзи мутасадди ходимларининг ўта масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, қонубузарларга нисбатан мурасасизлиги барҳам топмас экан, Холиқовлар оиласида юз берган фожиаларга ўхшаб бахтсизликлар районда яна бўлмайди, деб ҳеч ким айти олмайди.

Мақоламизда қайд этилган муаммолар ечимини, Каттақўрғон район ва шаҳар ички ишлар бўлиминининг «фаолияти»га объектив баҳо беришни биз республика прокуратурасига ва Ички ишлар министрлигига ҳавола этамиз.

Шомурад СИДДИҚОВ,  
«Гулистон» журналининг махсус муҳбири

# ҚИҒИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Термиз божхонаси ходимлари яқинда контрабанда йўли билан — ўғринча ўтказиб кетилаётган юкларни ушлаб қолдилар. Бу юклар Афғонистон ва СССР орқали Германия Федератив Республикасининг Гамбургдаги «Нострак» фирмаси номига юборилаётган контей-

нерлардан чиқди. Шу билан чегара орқали ман этилган молларни ўтказиб кетиш учун бу контрабандачилар томонидан қилинган бешинчи ҳаракат ҳам барбод бўлди. Божхона ходимларининг куч-ғайрати ҳамда мазкур муассасанинг катта инспекторларидан М. Обидов, М. Ҳомиджонов,

Р. Албековларнинг ҳушёрлиги ва зийраклиги туфайли анчамунча ноёб буюмлар сақлаб қолинди.

Шуниси кизиқки, контейнерларга берилган ҳужжатларга ишонилмайдиган бўлса, уларга гилам буюмлари жойлаштирилган экан, деб ўйлаш мумкин эди. Амалда эса, уларга гиламлардан ташқари музейбоб тарихий қимматбаҳо моллар, қадимий маданият буюмлари ҳам жойлаштирилган эди. Шунингдек, контейнердан кўхна тўпончалар, қурол-аслаҳалар, ханжарлар, шамширлар, чарм ва металл қалқонлар, найзалар, сопол буюмлар, кумғонлар, қадахлар, бошқа хил идиш-товоқлар, хотин-қизларнинг қимматбаҳо зебу зийнатлари, рўзгорда ишлатиладиган анжомлар ҳам чиқди.

Қўлга туширилган буюмларнинг аксарияти ноёб ва қадимийдир. Қадимги даврларда Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўрта Осиё мамлакатлари усталари ижодига мансуб бу буюмларни ғайри мақсадда олиб кетилаётганлиги ўз-ўзидан аёндыр.

Термиз божхонаси ходимлари ҳаммаси бўлиб бир неча ўн минг сўмлик 656 та буюмни ушлаб қолдилар. Уларнинг кўпчилиги бемалол халқлар тарихи, халқ бадий ҳунармандчилиги, этнография, археология музейларининг фахрига айланиши мумкин.

Суратда: божхонанинг катта инспекторлари — (чапдан ўнгга) Мансур Обидов, Ришод Албеков ва Мўмин Ҳомиджонов ўғринча ўтказиб кетилаётганда ушланган буюмларни кўздан кечирмоқдалар.

И. Хўжаев фотоси  
(ЎзТАГ)

## ТАРКИ ОДАТ

ҲАЖВИЯ

Ярим кеча. Ёмғир ёрмоқда. Эшик устга-уст тақиллайди. Биринчи бўлиб она ўйғонди. «Шундай бемаҳалда ким бўлди экан-а?!» У туриб чирокни ёқди. Эшикка яқин келди.

— Ким у?

— Менман, Суқсур, оч.

Она титраб кетди.

— Вой ўлмасам, овоз ҳам шунчалик ўхшаш бўладими-а? Е кулогимга шунақа эшитилдими.

Эшик яна тақиллайди.

— Оч, Суқсур, мен эрингман!

— Вой, ҳой болалар...

Она хушидан кетиб йиқилди. Қизи югуриб келади.

— Онажон, сиёга нима бўлди.

— Ҳўнгишни тутинг, нима гап?

Эшик яна тақиллайди:

— Қизик, оч эшикни, кўркманглар, мен дадангман.

— А?! Войдо, ака-а-а! — Қиз ҳам йиқилди. Акаси Ҳавлавон эшик олдида келади.

Эшик тақиллайди.

Паҳлавон сўрайди:

— Ким у?

— Уғлим Паҳлавон, сен ўғил-боласан, кўркма, ўзингни тут, шунақаси ҳам бўларкан. Оч эшикни. Мен дадангман. Совқат кетдим. Шамоллаб қоламан. Оча кол, болам.

— Дада?!

— Ҳа.

— Ахир... сиз йигирма кун аввал вафот қилган эдингиз-ку, нега, э... қандай қилиб тирилдингиз?!

— Ҳалиги ишхонамиздаги Башир фитна бору, ўша ўлган экан. Уни шундоқ менинг ёнимдаги гўрга қўйишди. Устига тупроқ тортиб-тортмай, одамлар хали қабристондан тарқамас-ёқ у қабримга кириб келди.

— Ҳў-ҳў, бу ёғи ҳам люкс-кўт Икки кишилик жойда бир ўзинг ётибсанми? Кафанинг ҳам олий нав сурпдан, яна икки қаватми дейман. Менга эса кафанликка суриб ҳам топилмай, лахтакларни улаб, аранг яланг қават кафан тикишди. Тегингда жун одеял бор шекили? Гўрингда телефондан бошқа ҳамма нарса муҳайё-ку. Мен киргунча кўп нарсаларни яшириб қўйганга ўхшайсан. Бу ерда ҳам танишбилдишлиринг бор шекили. Аксинча, олдий одамни бунақа жойга... Вуни шундай қолдириб бўлмайди, керакли жойга хабар қилиш зарур, — деса бўладими? Қара, гўримга ҳам ҳаваси келди-я! Ёмон билан гўр қўшни қилма, деганлари шу бўлса керак-да. Қисқаси, ўша гийбатчининг дастидан қезиб келаяпман. Оч эшикни.

Паҳлавон нима қилишни билмай туриб қолди.

Тўхташ АШУРОВ

Андижон



(Боши 26-бетда)

фақат кефир (қатик) ичилади (1,5 литр) ёки мева (олма, нок, беҳи) ва सबзотлар ейилади (1,5 килограмм), яна гўшти (400 гр. тузсиз қайнатиб пиширилган ёгсиз гўшт) ёки қаймоқли (300—400 грамм) таом ейиш мумкин. Ёнгиллаштирилган овқатланиш кунларини, энг яхшиси, дам олиш кунлари ёки байрам кунлари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки иш кунлари одам қаттиқ режимга амал қилиши қийин, ҳатто бу нарса иш унумига салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Семирмаслик учун ва семизликдан қутулиш учун истезмол қилинадиган овқатлар таркибига мурч, қалампир ва шунга ўхшаш аччиқ-чучукларни, умуман, қўшмаслик керак. Чунки улар иштаҳа очувчи моддалар ҳисобланиб, оч қолиш ҳиссини ошириб юборади. Имкони борича, тузли таомлар-

дан ҳам сақланиб, истезмол қилинадиган овқатларга, иложи борича, кам туз қўйиш керак.

Бизнинг иқлим шароитимизда кишиларнинг овқатланиш тартибига кучли таъсир қиладиган омиллардан бири атмосфера ҳароратининг ёз пайтлари жуда иссиқ бўлишидир. Бундай шароитда ошқозон фаолияти кучсизланади, натижада ёғли ва юқори калорияли овқатларни ҳазм қилиш анча қийинлашади. Ўрта Осиёнинг кўпчилик аҳолиси асосан кечкурун иссиқ овқат истезмол қилади. Шу нарса эътиборга моликки, кун билан яхши овқатланмасдан меҳнат қилиб юрган одам кеч кириши билан жуда оч қолади, натижада метёридан ортиқча овқат ейди ва кўп вақт ўтмасдан дам олиш учун ухлайди. Бу ҳолат, биринчидан, ошқозон-ичак системасини қийнаб қўйди, иккинчидан, уйқуда қўшмича энергия сарфлаш бўлмаганлиги учун асосий озиқ моддалар ёғга айланади. Шунга одатланиш жоизки, эрталабки

нонуста даврида яхшилаб овқатланишга ўрганиш маъқул. Чунки бу вақтда ҳаво ҳарорати анча салқин бўлиб, ошқозон-ичакларда овқат ҳазм бўлиши яхши кечади. Бу ўринда шу нарса ҳам борки, эрталаб кўпчиликда иссиқ овқатга нисбатан иштаҳа кам бўлади. Шунинг учун уйқудан тургандан кейин ҳар ким ўзига яраша эрталабки гимнастика машқларини бажариб, сув процедураларини қабул қилганидан кейин овқатланиш маъқул. Бу вақтда ҳазм қилиш аъзолари ҳам «уйғониб», ишга киришади, кишида мўътадил иштаҳа пайдо бўлади, овқат яхши ҳазм бўлишига имконият туғилади. Тушлик овқат, иложи борича, ёнгил ва сўт-қатик аралашган бўлиши керак. Чунки ҳаво ҳарорати юқори бўлган шароитда бундай овқат тезроқ ҳазм бўлади.

Шонийё ҚУРБОНОВ,  
биология фанлари доктори,  
профессор

# Цақир- шиканак

## САВОЛУ ЖАВОБ

Зоҳиджон ОБИДОВ

Дегайлар маймундан яралмиш одам,  
Исботлаб берди фан далиллаб обдан.  
— Лек, одам маймунга айланиши ҳам  
Мумкинми?  
Шу савол қийнайди кўпдан.

— Мумкин, — деб мен дарҳол бераман  
жавоб,

Етарли бунинг-чун далилу исбот.  
Кимда ким бемеъёр нўш этса шароб,  
Маймунга айланиб қолгусидир бот.

Маймунга айланур шухратпараст ҳам,  
Лекин бу ҳолатнинг дарди кўп ёмон.  
Довруққа ўчликка ўрганган одам  
Инсонлик сафига қайтмоғи гумон.

Чунки бу дард кўзга кўринмас якқол,  
Рак каби пинҳона авжлаб кетади.  
Эс-ҳушга бу ҳолат келтириб завоёл,  
Қадру қимматга тез футур етади.

Вундайлар ҳар бошлиқ оёгин ўпиб,  
Мансабсиз одамни аячиб ўтади.  
Нафи бор кимсанинг раъйини топиб,  
Ўз қадрин остона қилиб тутати.

Тенг-тушлар ўғити бўлиб нописанд,  
Куйинган кимсани бахил дер дарров.  
Барчадан у ўзни кўрсатиб баланд,  
— Кўзни оч! — деса ким кўрингуси ёв.

Шон-шухрат гадоси, довруққа тўймай,  
Тўбора авжланиб ўрлашни кўзлар.  
Ўзидан сағалча ўзгани суймай,  
Иложин топдим, кўз юммай тузлар.

Шон-шухрат гадосин эпламоқ душвор,  
Юз-хотир деган гап бўлғай тўғаноқ.  
Вундайлар қисмати вой эрур ҳар бор,  
Инсонлик шаънидан мутлақо йироқ.

Одамзод маймунга айланурми деб,  
Сўрадинг, мен дарҳол айлади м жавоб:  
Уйнатгай инсонни маймундай қилиб  
Шон-шухрат сароби ва макқор шароб.

— Қойил, нормани якки юз процент  
бажарадиган бўлдим.



# Ўқир-Ўқулар

«Орик кишилар бир кунда  
3—4 маҳал, семиз кишилар эса  
5—6 маҳал овқатланишлари  
мақсадга мувофиқдир».  
(«Врач маслаҳати» дан)

«Суваракларни ўлдираверманг,  
ука. Атроф-муҳитни ҳимоя этиш,  
табиатдаги жониворларни асраб-  
авайлаш деган гапларни эпит-  
ганмисиз ўзи?  
(«Саводи ошиб» кетган бир кимсанинг  
чойхонадаги луқмаси)

«Анов кунни келиним мен билан  
айтишиб қолди. «Тилингиз чиқиб  
қолибди-я, келинпошша», десам:  
«Тилим ўзи бурро, билмайси-  
ми, қасосбинг қизиман, ёшли-  
гимда тилин кўп еганман», дей-  
ди-я, вой, тавба».  
(Хотинлар суҳбатидан)

«Пораси яхши-ю, чораси ёмон  
экан».  
(Қўлга тушган порахўрнинг  
лушаймони)

«Ишга доим кеч келганим учун  
мактаб директоримиз виговор  
берган эди, мен ярим ставкада  
ишлайман, яримта виговор бе-  
ринг, деб туриб олдим».  
(Прогулчи ўқитувчининг гапи)

«Қизимни бермайман, куёвнинг  
онаси ревизор бўлиб ишлар экан».  
(Онанинг совчиларга жавоби)

«Тоғанг қовун туширибди,  
уйига бориб, иккита олиб кел,  
десам, бемаъни ўғлим юзимга  
бақрайиб, қиқир-қиқир кулади».  
(Отанинг шикоят)

«Отам» ичишни ташламасанг,  
оқ қиламан дегани учун арақни  
оқ қилдим».  
(Инсофта келиб, ичишни ташлаган  
йигитнинг дегани)

«Доктор, ёрдам беринг, кўзим  
хиралашиб қолди, десам, негадир  
қўлларимга қаради».  
(Беморнинг таъмагир врачдан  
шикояти)

«Бошлигимиз бир йиғилишда:  
«Анонимкачининг қибфаси бўл-  
майди», деди. Бекор гап: менинг  
қош, кўзим, оғиз-бурним, ҳатто  
қаллам ҳам бор-ку!»  
(Думалоқ хат ёзувчининг  
ажабланиши)

«Сартарошхонада: «Соливей-  
нинг гапи менга наъша қилди»  
деган миш-мишни эшитиб қол-  
дим. Гиёҳвандликка қарши қат-  
тиқ кураш кетаётган пайтда наша  
билан шугулланиш жиноят  
эмасми?»  
(Қалтабин кишининг шикояти)

— Куппа-қундузи нега электрия ёқасиз,  
оқсоқол?  
— Бир соатдан бери турганимни кўр-  
майлсизми, деб ўйлабман.



— Домлажон, илтимос, машинамга кўз  
тегмайдиган тумор берсангиз.

Ш. АБДУЛЛАЕВ чизган суратлар



## Умрни узайтирмоқ- да...

Эрта билан, тоғ сахарда Пекинда, шунингдек, Хитойнинг бошқа шаҳар, қишлоқларида одамларнинг ғаройиб машғулот билан шугулланаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Уларнинг баъзилари худди сувда сузайтгандек, бошқа бирлари орқа билан, учинчилари нотабний қадамлар билан ҳаракатланишади. Республикадаги барча ёшувари «цигу» нафас олиш гимнастикаси билан шугулланмоқдалар.

Қадимги хитой медицинасининг таъкидлашича, бундай машқлар одам организмни чинқитириб, нафас олиш йўллари фаолиятини яхшилайди. «Цигу» сўзининг ўзи ҳам «Ци» — ҳаво, «гу» — чинқитираман маъноларидан олинган бўлиб, нафас олиш аъзоларини чинқитираман, деганидир. Бу машғулот билан мунтазам шугулланган одамнинг организми ҳамisha соғлом, умри узун бўлади...

## ЭНГ СЕРФАРЗАНД ОНА

Сантьяго шаҳрида яшовчи Леонтина Эспиноса исмли чили аёли дунёдаги онг кўп болали она ҳисобланади. Ҳозир у 65 ёшда. Херардо Альвинага турмушга чиққанида 13 ёшда эди. Маҳаллий «Ультимас Нотисиас» газетасининг хабарига кўра, Леонтина ҳар гал икки-учта бола туққан. Ҳозир унинг фарзандлари 56 нафар. Ун саккиз нафар каттаси мустақил яшашида,

28 нафари онаси билан уйла, 10 нафари эса шаҳар четида тирикчилик учун отаси билан меҳнат қилишади.

Леонтина онаси рекордчи серфарзанд она сифатида Гиннес китобига ҳам киритилган. Она ўз фарзандларини боқиб учун ўзгаларнинг кир-чирини ювишга ҳам мажбур.

## Саёҳатчи тошбақалар

Мехико. Шу йилнинг 20 июлидан бошлаб Тинч океанининг Мексика давлатининг жанубий Оахака штатига қарашли Ла-Эскобияля кўрфазига денгиз тошбақалари билан тўла бошлади. Соҳил ёқалаб уч километрга чўзилиб кетган ушбу тошбақалар гуруҳи кундуз кунлари сувда ҳаракатсиз, тўққинларда тебраниб туришади.

Кундузлари тинчгина ётувчи бу жониворлар «армияси» кеч тушиши билан ҳаракатлашади. Улар бирин-бирин киргочка чиқиб олишади-да, турли томонларга тарқаб, ўзларининг таъбларига яраша жой кидириб кетишади. Ҳеч қандай сансалорлик қилмасдан кумлардан ўзларига ин қуришиб, ўша ернинг ўзига тухум қўйиб кетмоқдалар.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бу тенга тебранимас жониворлар ҳақиқий денгиз дайдилари ҳисобланади. Мексика соҳилларининг қўршаб олган бу тошбақалар минглаб километр узоқликдан — Марказий ва Жунубий Америка томонлардан келмоқда.

## Қўғирчоқ «полиция- чилар»

Қўғирчилик япониялик шифёрлар узоқдан полициячиларни кўриб, чаққонлик билан тезликни камайтирадилар. Уларнинг акарияти рўпараларидаги полициянинг қўғирчоқ эканлигини билишса-да, ҳар эҳтимолга қарши ҳақиқийсига дуч келиб қолишдан чўчийдилар. Бу эксперимент яхши натижа берди. Ушбу тадбирлардан сўнг йўл-транспорт ҳаракатидаги қўғирчиликлар кескин камайди.

## МУҚОВАДА:

Биринчи бет (ўнгда, йирик планда): СССР Давлат Герби; «Хур республикалар бузиламас иттифоқи» (Н. Галиев ва Ф. Қодирхўжаев ишлаган плакат). Чапда, кичик планда: Бунёдкор давримизнинг қайноқ нафасини акс эттирувчи лавҳалар.

Т. Горяева, М. Пенсон, А. Губенко,  
А. Кириши фотолари

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Вокруг света», «Здоровье» журналларидан фойдаланилди.



## ЦИКЛОКРОССВОРД

1. Дохиймиз В. И. Ленин асос солган газета. 2. Инқилоб куйчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 3. «Эрк қуши» фильми қаҳрамони. 4. Украинадан етишиб чиққан машхур революционер. 5. Латин совет адбиби. «Бўрон» роман-эпопеяси муаллифи. 6. Машхур рус хореографик раке ансамбли. 7. Таниқли кино устаси, Сергей Эйзенштейн фильмларидан бири. 8. Парда Турсуниинг «Уқитувчи» романи қаҳрамони. 9. Эски тузаумни ағдариб, янги прогрессив тузаумни бунёд қиладиган жамият ҳаётидаги туб ўзгариш. 10. Қаҳрамон шаҳар. 11. Машхур совет кинорежиссёрларидан бири. 12. Иттифоқдош республика. 13. Туғилган жой, она юрт. 14. Ўзбекистонда инқилобий ҳаракатнинг фаол иштирокчиларидан бири. 15. Кўмир қазиб чиқариш новатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 16. Миллий спорт тури. 17. Туркистонлик ўн тўрт комиссарлардан бири. 18. Қозғигстонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда актив курашган инқилобчи. 19. «Инқилоб тонги» драмасынинг персонажи. 20. Граждандар уруши қаҳрамони, атоқли саркарда, ўч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 21. К. Ерматовнинг «Осиё устида бўрон» фильми қаҳрамони. 22. Ўрта Осиё хотин-қизларини озоликка чиқариш учун оммавий кураш ҳаракати номи. 23. Ҳалол меҳнат самараси. 24. Туркистонда инқилобий ҳаракат қатнашчиларидан бири, рус профессионал революционер. 25. Ленинграддаги тарихий бино. 26. Ўзбек совет олими, шoirи ва жамоат арбоби. 27. Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романи қаҳрамони. 28. Мардонвор иш, баҳодирлик.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

## 10-СОНДА БОСИЛГАН ЧАИНВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Орол. 2. Лочин. 3. Нурота. 4. Амударё. 5. Енғоқ. 6. Қизилқум. 7. Мухаммаджонов (Мираали). 8. Воҳа. 9. Адир. 10. Розмарин. 11. Наъмамак. 12. Кенгур. 13. Устюрт. 14. Тешиктош. 15. Шотут. 16. Терак. 17. Қактус. 18. Сўз. 19. Хонгул. 20. Лайлак. 21. Кокос. 22. Сув. 23. Водий. 24. Йулбарс. 25. Симоб. 26. Бог. 27. Гор. 28. Раёно.

## Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ,  
М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ,  
А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь),  
О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН

«Гулистон» — еженесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; расомлар бўлими — 32-58-32.

Босмаҳонага туширилди 20.09.87 й. Босишга руҳсат этилди 22.10.87 й. Р.1106. Қозғоқ формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 171969. Буғорна № 1801. Б.119.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, 700000, Тошкент—II, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.



«Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйиш.



Москва байрам оғушида.

В. Майоров фоторепродукцияси

Тошкент шаҳридаги «Жасорат» ҳайкали (Ҳайкалтарош  
Д. Рябичев).

Р. Яруллин фотоси





Кўркам воҳа.

А. Жумаев фотоси